

TOSHKENT DAVLAT  
SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI

---

# TURKOLOGIYA TURKOLOGY


XALQARO ILMIY JURNAL

---


ISSN 2181-2101

— 1 —  
2022

ISSN 2181 – 2100



# TURKOLOGIYA TURKOLOGY



TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI  
ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY  
OF ORIENTAL STUDIES

1  
2022

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридан  
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рўйхатидан ўтган  
(№ 1129, 11.11.2020 й.) ISSN 2181 – 2101

**Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

<b>Қ. Омонов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
<b>Ҳ. Ҳамидов</b>	<i>филология фанлари доктори, доцент (масъул котиб)</i>
<b>Б. Тўхлиев</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Қ. Содиков</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Ш. Усмонова</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Ҳ. Дадабоев</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Н. Раҳмонов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Б. Каримов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Дж. Шабанов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>П. Кенжаева</b>	<i>филология фанлари номзоди, доцент</i>
<b>Н. Абдуллаев</b>	<i>филология фанлари доктори, доцент</i>
<b>А. Назаров</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, доцент</i>
<b>М. Исҳоқов</b>	<i>сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
<b>Д. Сайфуллаев</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>Ҳ. Файзиев</b>	<i>тарих фанлари доцент</i>
<b>З. Алимов</b>	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
<b>Т. Расулов</b>	<i>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
<b>Н. Холматов</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>З. Қодирова</b>	<i>иқтисод фанлари номзоди, доцент</i>
<b>М. Воҳидова</b>	<i>иқтисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
<b>Р. Баҳодиров</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>Д. Пўлатова</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>А. Шоназарова</b>	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
<b>А. Гурер</b>	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
<b>Ҳ. Байдемир</b>	<i>Туркияning Анқара университети профессори</i>
<b>Ю. Кўч</b>	<i>Туркияning Отатурк университети профессори</i>
<b>Н. Телицин</b>	<i>Туркияning Ҳожжаттепа университети профессори</i>
	<i>СПбДУ Туркология кафедраси мудири, профессор</i>

**Нашрга тайёрловчилар:**

**Ж. Исломов, Т. Исомиддинова, М. Набиев**

e-mail: nashriyot@tsuos.uz  
web-site: www.tsuos.uz

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2022

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS

*Рихсиева Г.* Туркий халқлар давлатчилиги ва маданий меросини  
ўрганиш – илмий ҳамкорликнинг муҳим йўналиши ..... 4

### ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

<i>Исҳоқов М., Сангиров Ж.</i> Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларни герменевтик ўрганишнинг аҳамияти .....	7
<i>Шадманова С.</i> “Садои Фаргона” газетасида модернизация жараёнларига доир қарашларнинг акс этиши .....	19
<i>Gömeç S.</i> Kırgız türklerinin Hokand hanlığındaki rolleri .....	27
<i>Ирзаев Б.</i> “Ишчилар дунёси” журнали Туркистон мухторияти тарихини ўрганишда муҳим манба .....	36
<i>Махмудов Ш.</i> Қўқон хонлигига Шифовул институти .....	44
<i>Қўлдошев Ш.</i> Хитой манбаларида Қўқон хонлиги тарихини ёритилиши .....	50
<i>Абдукаримов Ж.</i> Қўқон хонлиги сиёсий ҳаётида тоғли тожикларнинг ўрни.....	58
<i>Мирзаева М.</i> Қўқон хонлари ёрликлари хусусида (XVIII-XIX асрлар).....	63

### ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ РИВОЖИ

<i>Корабоев У.</i> Қўқон хонлиги худудидаги халқ байрам-томушалари ҳақида .....	67
<i>Содиков К.</i> Навоий асрлари тили анъаналарининг Қўқон хонлиги давридаги такомили .....	75
<i>И момназаров М.</i> Қаюмовлар сулоласи .....	88
<i>Бобобеков X.</i> Қўқон хонлиги хазинасининг тақдири .....	98
<i>Ҳасаний М.</i> Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасининг тўлиқ матни ва факсимил нашрини амалга ошириш зарурлиги ҳақида .....	104
<i>Болтабаев С.</i> Қўқон адабий муҳитига тегишли Туркиядаги асрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар .....	110

## ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА МАДАНИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ – ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Ҳар қандай мамлакат ўз келажагини кўра олиши, истиқболини белгилаши учун ўз тарихи, илдизига назар солиши кераклиги ва ҳаётда ҳам унга таяниши ҳақида жуда кўп мазмунли, ибратли фикрлар бор. Бу фикр албатта туркий давлатларга ҳам тааллуқли. Яна шундай аниқ исбот талаб қилмайдиган қарашлар ҳам борки, у ҳам бўлса, ҳеч бир миллат, ҳеч бир мамлакат бошқалардан айро, ўз қобигида яшай олмайди. Бугунги глобаллашув кучайиб, унинг турли таҳдидлари аёнлашиб бораётган ҳаётимизда тўғри йўлни белгилаш, атрофда бўлаётган ҳодисаю жараёнларга холис баҳо бериб, асосли хулоса чиқариш фақат ва фақат илм-фанга таянган ҳолда бўлиши мумкин. Бу борада эса олимларнинг анжуманлари, зиёлиларнинг баҳсу мунозараси, илмий изланишлари асосида жамиятдаги қарашларнинг эзгуликка йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги пайтларда тарихий илдизлари бир бўлган туркий халқларнинг муштарак ғояларини ўрганиш бўйича кўплаб, маданий ва илмий тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу эса халқлар ўртасидаги азалий қардошлиқ асосида бугунги дўстона алоқаларнинг маданий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан кенгайишига муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Туркий Давлатлар Ташкилотига аъзо бўлиши қардош мамлакатлар билан тарихий ришталарга асосланган ҳамкорликнинг кучайишига мустаҳкам замин яратди. Ушбу халқаро ташкилот билан биргаликда юртимизда кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда.

Миллий қадрияларимиз, илм-фан, тил ва адабиёт тарихини чукур ўрганишга ва тарғиб этишга қаратилган илмий анжуманлардан навбатдагиси “**Қўқон хонлигининг туркий халқлар давлатчилиги ва маданий меросини ривожлантиришдаги ўрни**” мавзусидаги халқаро конференциядир. Ушбу анжуман Туркий давлатлар ташкилоти, ТУРКСОЙ ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Кўқон университети, “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети билан ҳамкорлиқда Кўқон шаҳрида ташкил этилмоқда.

Анжумандан кўзланган мақсад Кўқон хонлигининг туркий давлатчилиги ривожидаги ролини ўрганиш, тарихий воқеаларни тадқиқ этиш ва хонликнинг халқаро жараёнларга таъсирини аниқлаш, шунингдек, хонликнинг маданий ва меъморий мероси билан танишишдир. Бу борада Кўқон хонлигининг давлатчилик тарихини ёритишида илмий манбаларга асосланган тадқиқотларнинг кўламини кўрсатиш ва илмий мунозарага чорлаш, олимларнинг ҳамкорлигини

кенгайтириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Анжуманда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг 20 дан ортиқ олий таълим муассасаларидан 40 дан ортиқ маърузачилар, шунингдек, ҳалқаро ташкилотлар ва эксперт ҳамжамиятларининг 50 га яқин вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

Конференция давомида Кўқон хонлигининг ташкил топиш жараёни; Кўқон хонлигининг давлат бошқаруви, ҳарбий салоҳияти, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти; Кўқон хонлиги шаҳарлари/қалъаларининг аҳамияти; Кўқон хонлигининг ҳалқаро алоқалари ва унинг Марказий Осиё минтақасидаги ўрни; Кўқон хонлигининг маънавий, маданий ва адабий мероси; Кўқон хонлиgidаги таълим тизими; Кўқон хонлиgidаги тарихшунослик; Жадидчилик ва миллий озодлик ҳаракати; Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Кўқон хонлиги; Кўқон хонлиgidаги демографик ўзгаришлар ва этник вазият; Фарғона водийсининг минтақавий барқарорлиқдаги ўрни каби масалалар муҳокама қилинади.

Шу ўринда Кўқон хонлиги фан ва адабий муҳит билан боғлиқ жиҳатга эътибор қаратсак. Тарихдан маълумки, Кўқон хонлигига тарихнавислик сезиларли равишда ўсиб борган. Кўқон адабий муҳити ҳам хонликнинг маданий ҳаётида катта ўрин тутган. Аввал ёзилган бир неча тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган ва янги китоблар ёзилган. Бу янги асарларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор эди – уларнинг айримлари шеърий ёки қисман шеърий йўлда ёзилган. Бу эса кўқонлик тарихчиларнинг адабиётни яхши билибгина қолмай, ўzlари ҳам шеъриятда қалам тебратганликларини кўрсатади. «Тарихи жаҳоннамойи» (Жунайд Мулло Авазмуҳаммад Мулло Рўзи Муҳаммад сўфи ўғли), «Шоҳнома» (Абдулкарим Фазлий Наманганий), «Шоҳномайи Умархоний» (Мирзо Қаландар Мушриф Исфарагий, Фазлий Наманганийнинг «Зафарнома» асарини насрый қилиб ёзган). «Мунтахаб ат-таворих» (Хўжа Муҳаммад Ҳакимхонтўра бин Сайид Маъсумхон), «Тарихи Шоҳрухий» («Тарихи саййиди Худоёрхон», Мулло Ниёз Муҳаммад Хўқандий Ниёзий бин Мулло бин Ашур Муҳаммад Хўқандий), «Тарихи жадидаи Тошканд (Муҳаммад Солиҳхўжа ибн Қорихўжа), «Шоҳнома» (Махзун Зиёвуддин Хўқандий), «Жангномаи Худоёрхон» (Шавқий Наманганий) ва б.

Кўқон хукмдорларининг қатор намояндалари темурийлар анъанасини давом эттириб, ўzlари ҳам илм-маърифат билан шугулланиб, бу соҳанинг равнақига катта ҳисса кўшганлар. Кўқон адабий муҳитининг яна бир муҳим характерли жиҳати шундаки, бу даврда ўзбек ва форс-тожик тилида баб-баравар қалам тебратган Дилшод отин, Зебунисо, Зиннат, Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштариј, Нодира, Нозук Хоним, Увайсийлар ижод қилди. Кўқон адабий



мухитининг самарали таъсири ўлароқ бу юртдан Мукимий, Фурқат, Завқий ва бошка етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чиққанлар.

Тарихнавислик ва маданий меросни ўрганиш асносида бу каби кўплаб йўналишда тадқиқотларнинг нафақат Ўзбекистонда, балки қардош ўлкаларда ҳам олиб борилгани кузатилади.

Фикримизнинг далили сифатида Тошкент давлат шарқшунослик университетида таъсис этилган “Туркология” журналининг мазкур сонини айнан шундай тадқиқотлардан намуналар келтиришга қарор қилдик. “Кўкон хонлигининг туркий халқлар давлатчилиги ва маданий меросини ривожлантиришдаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг қатор мақолалари журнализмнинг ушбу сонига киритилди. Бу йўналишдаги мақолалар журнализмнинг келгуси сонларида ҳам чоп этиб борилади.

*Рухсиева Гулчехра  
ТДШУ ректори, журнал боши муҳаррири*



# ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИГА ДОИР МАНБАЛАРНИ ГЕРМЕНЕВТИК ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Исҳоқов Мирсадик*

*Тарих фанлари доктори, профессор, ТДШУ*

*Сангиров Жуманиёз*

*ўқитувчи, ТДШУ*

Герменевтика термини Ғарбий Европада XVIII асрда фанга кириб келади. Бу терминнинг маъноси юонон асотирларига қўра, йўловчи ва савдогарларнинг ҳомий худоси «Гермес» сўзидан олинган. Бу тушунча асли фалсафада тушуниш ва тушунтиришни ўрганувчи мустақил фандир. Герменевтика методини Вилгелим Дилтей, Фридрих Шлеермах, Эдмунд Гуссерл, Мартин Хайдеггер, Ханс Георг Гадамерлар таҳлил қилиб, методнинг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қиласди. Шукур Жабборов герменевтика ҳақида «Хуррият» газетаси эълон қилган мақоласида Қурони Каримни тафсир ва таъвил этишни герменевтик методга шартли равишда қиёслайди.

Герменевтиканни манбанинг туб моҳиятига кириб бориш учун метод сифатида қўллай олиш мумкин. Чунончи, умумий тавсифланса асар муаллифи манбани ёзишда тушуниш ва тушунтиришдан фойдаланган ва ўша манбани ўрганишда худди шу усулдан фойдаланиш мумкин. Демак, герменевтика методи тадқиқотчи томонидан асарни ўрганишни бошлаганданоқ билвосита ва бевосита турли мақсадда ишга тушади. Шу ўринда савол туғилади. Хўш герменевтиканни манбаларни тушуниш ва тушунтиришда қандай мақсадларда қўллаш мумкин? Таъкидлаш керакки, бир даврга доир воқеалар ёритилган асарларда айрим сабабларга қўра (бирор бир давр ҳақида маълумот берувчи асарларнинг турли вақтларда бир-бири мавжуд эканлигидан хабарсиз шаклда ёзилиши, муаллиф шахсий манфаатлари асосида воқеа тавсифини ўзгартириши, эшитилиб ёзилган манбалардаги фарқ ва б.) қўплаб фарқлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, Қўқон хонлиги тарихига доир бугунги кунда қирқдан ортиқ қўлёзма асарлар аниқланган бўлиб, уларда бир-бирини инкор этувчи фарқлар анчагинани ташкил этади. Бу Қўқон тарихига доир амалга оширилаётган тадқиқотларда айрим муаммоларни

келтириб чиқаради. Айнан шу жараёнда герменевтика методини қўллаш масалани ижобий ҳал этишга ёрдам беради.

Шу ўринда яна бир муаммо пайдо бўлади. Манбалардаги фарқларни тушуниш ва яқдил хulosса орқали тушунтиришда герменевтика методини қандай қўллаш мумкин?

Бу ҳолатда муаллиф ва унинг асарига эътибор қаратмоқ лозим. Чунончи, Дилтей тушунишни матн муаллифининг маънавий дунёсига кириш сифатида тавсифлайди. Яъни тушуниш жараёни муқаррар равишда тушунишга ҳаракат қиласётган нарсага қўшимча маъно юклаш билан боғлик. Бинобарин, тарихчи олдин ёзилган асарни, ёки воқеа тафсилотини кимдандир эшишиб қандай тушунган бўлса, шундай тушунишининг ўзи етарли бўлмайди. Демак. Тушуниш ижодий жараён бўлиб, муаллиф юклаган маънони айнан акс эттиришигина эмас, балки унга танқидий баҳо бериш, ижобий жиҳатларини сақлаб қолиш, маънони ўз даври воқеликнинг мазмунин билан бойитишини назарда тутади. Демак, бу муаллифнинг асарни яратишида роли юқори эканлигини кўрсатади. Хўш асарлардаги қарама-қаршиликларни герменевтик жиҳатдан таҳлил этишида муаллифнинг қайси жиҳатларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим?

Биринчи ўринда муаллифнинг мансублилик даражасини белгилаш лозим. Муаллифнинг асарни ёзиш жараёнида тарихий далиллардан қандай фойдаланганига ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

Маълумки, тарихни яратишида тарихчилар далил сифатида ўзидан олдин яратилган асарлар, балки, оғзаки манбалар, афсоналар, ривоятлардан ҳам фойдаланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, далиллар бизгача ҳеч қачон соғ ҳолида етиб келмайди, улар тарихчининг онгида таъсирга учраб, дахлсиз ҳолатда тарихчининг қарашлари ва интерпретациясини ифодалайди. Муаллиф асар яратишида реал воқеанинг сабабига далил сифатида айрим ҳолатда афсона ва асосланмаган оғзаки тарихдан фойдаланади. Уни ҳақиқат деб билади. Масалан, Муҳаммад Ҳакимхон Тўра «Мунтаҳаб ат-таворих» асарида Абдураҳимбийнинг ўлими сабабини шундай тарифлайди: «Рахимхон катта обрў билан Самарқанд сари равона бўлди. Бул шаҳарга кириб келгач, табиатида оғир бир хасталик пайдо бўлди. Айримлар айтишича, у ҳазрат шайх Кусам ибн Аббос – Аллоҳ ундан рози бўлсин – мозорига зиналардан отда чиқиб бориб, шу беадаблиги сабабли бундай касалга мубтало бўлган».<sup>1</sup> Демак, Муҳаммад Ҳакимхон Абдураҳимбийнинг ўлимига сабаб сифатида ҳалқ орасидаги афсонани далил сифатида келтирмоқда. Ёки, Маҳдум Ҳожи «Тарихи Туркистон» асарида Шоҳруҳбийнинг ўлимига тўхтаб, қуйидаги маълумотларни келтиради: «Шоҳруҳхонни вафоти мусанифи «Тарихи Шоҳруҳий» форсий забони тилида шул тариқа тарих

<sup>1</sup> Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат – таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) Форс – тожик тилидан таржимон Шодмон Воҳидов. Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 231 б.

айтубдур: лафзи «атрок»ни «хон Шохрух»дин ихрөж қилинганды тарих, яни 1124/1712 йил ҳосил бўлар экан. Яна баъзи зуфаролар: Шохруххон вафоти тарихи баъзи алфозлар мулло Бозор Охундни муридлари оғзидан чиқсан экан, моддаи тарих топибдур. Онинг ҳикояси шул эканким, вафотига Шохруххон Ҳўқанд шаҳрининг қалъя ва арк биноларида намангонлик мулло Бозор Охундни муридларидин бир одамни мардикор қилиб ишлатиб юрган экан. Бу хабарни мулла Бозор Охунд эшишиб они ҳалос қилмоқ учун Ҳўқандга келиб Шохруххондин ул мурудларини илтимос қилган экан. Хон илтимосларини рад қилибдур. Шайх хондин хафа бўлиб қайтиб, Қоравултепада бир муридларининг уйига бориб, деворга Шохруххон тасвирини тортиб, ўқ-ёй ила ул суратга қараб отиб, мизбонга айтибдурлар «Шохрух мурд» деб. Бу ҳодиса пайшанба куни жума кечаси экан. Ўша жума куни хонни кифтига бир ёмон яра чиқиб, вафот қилибдур. Бир неча кундан кейин мулло Бозор Охундни бир муридлари Қоровултепага, ўшал уйга қўнганды соҳиби хонадон воқеасини баён қилиб, шайх жўнаганлари ҳамоно хон вафот қилди дебдур. Бул тарихни айтувчи муаррих узр баён қиласурким, бул ҳикоя ва тарихни баён қилганимдан муддао тоифаи ахлуллоҳни дилларини озурда қилмоқлик аломати интиқол ва заволи умр ва мулки давлатдир. Минбад хони замонларга ибрат учун бу ҳикояни баён қилдим”.<sup>1</sup>

Муаллифга қўйилган кейинги талаб, у асарида берган маълумотини қаерда қайси манбадан олганидир. Қўқон хонлиги ҳақида маълумот берувчи қўлёзмаларни герменевтик тадқиқ этишда ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Чунончи, Н. Жўраевнинг фикрича, тарихий манбаларни ўрганишда унинг асосли ва асосли эмас эканлигини аниқлаш жуда муҳим. Чунки тарихий манбани яратган муаллиф ўз манфаатлари доирасида, ўз мақсадлари ва қизиқишлари чегарасида далил тўплайди.<sup>2</sup> Қўқон тарихига доир асарларни ўрганиш жараёнида бу фикрларга яна қўшимча қўшиш мумкинки, муаллиф манбадаги маълумотларни ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ҳам тўплаган.

Бугунги кунда кўпчилик тарихчилар манбаларнинг энг қимматлиси воқеа содир бўлган даврда ёзилган манба деб ундаги маълумотларни асос қилиб оладилар. Лекин, бунга амал қилиб, биринчи яратилган манбани доимо тўғри деб асос қилиб олиш ҳам мақбул эмас.

Манбанинг танланиши ва унинг таҳлили тарихчининг айни вақтда тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан қанчалик билимга ва маълумотга эга эканлиги билан боғлиқ. Бунда тарихчининг тадқиқот жараёнидаги манбадан ташқари билимлари муҳим аҳамият касб этади. Масалан, тарихчи ўз кўзи билан кўрган, эшиктган, ўқиган воқеани ёзишда умуман жараённи ўз ҳолича тасвирламайди ва тасвирлай олмайди ҳам. Яъни, у ўзи кўрган ёки эшиктган

<sup>1</sup> Мирзо Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон. Т.: «Янги аср авлоди», 2009. 50 6.

<sup>2</sup> Тарих фалсафасининг назарий асослари... 81 б.

вокеани ўзига қабул қиласи, сўнг ўзининг билим даражасидан келиб чиқсан ҳолда қоғозга туширади. Ёки, шу воеа олдин бошқа асарларда ёзилган бўлса уни ўзи топган маълумотлари билан бойитади. Агар маълумотни компиляция ҳолида берган бўлса, олдинги асардан жумлаларида, маълумот руҳида фарқ мавжуд бўлади. Бу манба муаллифининг дунёқараши, фикрлаши қай даражада бўлганлигини билишни талаб этади. Таъкидлаш керакки, буни аниқлаш учун муаллиф дунёқарашига таъсир қиласидаги омилларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бундай омилларга қуидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Муаллифнинг яшаган вақти, муаллифнинг моддий имконияти, муаллифнинг таълим олганлиги даражаси, таълимда қайси илмлардан хабардорлиги, муаллифнинг қандай иш билан шуғулланганлиги, муаллифнинг асарни нима мақсадда ёзганлиги, асар ёзишда унинг атрофидагиларнинг таъсири. Хуллас, манбаларни герменевтик тадқиқ этишда манба ва унинг муаллифи мукаммал шарҳлай олиш мухим аҳамият касб этади.

Абдураҳимбийнинг Хўжанд вилоятини эгаллаши ва Оқбўтабий тақдири ҳақида маълумот берган асарлардаги ўзаро қарама-қарши маълумотлар таҳлилида ушбу методни қўллаш мумкин. Чунончи, воеа ёритилган асарларни икки гурухга ажратишимиш мумкин. Биринчи гурух асарларда, Абдураҳимбий Хўжандни эгаллаган вақтда Оқбўтабийни қатл эттирган деб ёзилган бўлса, иккинчи гуруҳдаги асарларда, у асир олиниб, Ўзганга сургун қилинганлиги ва у ерда уч йилдан сўнг ўз ажали билан вафот этганлигини ҳақидаги маълумотларни кўрамиз.

Эътиборлиси, биринчи даражали манбалардаги бундай фарқлар, Кўқон хонлиги тарихига доир қилинган тадқиқотларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймаган. Чунончи, В. Наливкин<sup>1</sup>, В.М.Плоских<sup>2</sup>, Й.Қосимов, Ш. Воҳидов<sup>3</sup>, Б.М.Бабажонов<sup>4</sup>, Скотт С.Леви<sup>5</sup> каби тарихчиларнинг асарларида бу ҳолни кузатамиз. Лекин, ушбу асарларда масалга батафсил тўхталиб ўтилмаган.

Мавжуд фарқларни бартараф этиш, барча асарлардаги воеа тарифлари ни герменевтик жиҳатдан синчиклаб тадқиқ этишни талаб қиласи. Чунончи, Тарихчи Муҳаммад Ҳакимхон Тўра тарихий-биографик ва мемуар «Мунтаҳаб ат-таворих» асарида Абдураҳимхоннинг Хўжандни эгаллаш жараёнига тўхталган ҳолда, ёзишича Шоҳруҳбийнинг ҳукмронлик даврида Раҳим оталиқ юзнинг ўғли Оқбўтабий ҳукмронлиги остидаги Хўжанд мустақил эди. Оқбўтабий ва Шоҳруҳбий муносабатлари жуда яхши бўлиб, Ўқбўтабий

<sup>1</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. Казань. 1886. С — 57.

<sup>2</sup> Плоских В.М. Киргизы и кокандское ханство. Фрунзе. “Илим”, 1977. С – 71

<sup>3</sup> Воҳидов Ш. Кўқон хонлигига тарихнавислик (генезиси, функциялари, намоёндалари, асарлари). Т.: “Академнашр”, 2010 й. 12 -13 б.

<sup>4</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Ташкент. 2010 г. С — 105.

<sup>5</sup> Скотт С.Леви. Кҳоқанд тҳе рисе анд фалл оғ. Университӣ оғ Питтсбургҳ Пресс. 2017 еарс. Пп 21,22.

унинг қизига уйланади. У Шохрухбийнинг катта ўғли Раҳимхонни ҳам чақириб олиб, унга вилоят бошқарув ишларини топширади. Бироқ, Раҳимхоннинг амалдорлар орасида обрўйи кундан-кунга ортиб боради. Бу ҳолдан хавотирга тушган Оқбўтабий Раҳимхондан қутилишга интилади. Раҳимхон бундан огоҳ бўлиб, бир неча яқин кишилари билан Кўқонга кетади. Оқбўтабий дарҳол беш юз нафар қирғизни Раҳимхонни тутиб келиш учун жўннатади. Қирғизлар Шумқўрғон мавзесида унга етиб олади. Бироқ Раҳимхонга бас кела олмайди. Раҳимхон Кўқонга қайтади. Қолган воқеаларни Муҳаммад Ҳакимхон шундай тарифлайди, — «Оқбўтабий Раҳимхоннинг бу ишидан хабар топгач, ҳайрат бармоғини тишлади ва бу ёввойи овни қандай қўлга киритиш тадбирини била олмай, боши қотди. Ахийри, Раҳимхон олдига сўзамол ва гапга чечан элчиларни юбориш пайида бўлди, аммо, бу сухандон элчилар орқали уни қанчалик ҳузурига таклиф этмасин, Раҳимхон бу илтимосларни қабул қулоғи билан эшитмади. Бироқ, Оқбўтабийнинг анча ваъдаси ва орада юзага чиққан аҳду паймонларидан сўнг ниҳоят ул олий мартабали Раҳимхон Оқбўтабий ҳузурига келди ва ҳар икки соҳиби давлат бир-бирларига лутфи марҳамат кўргузгач, Оқбўтабий Раҳимхон қаламига ҳасанотлар айтди ва меҳмондорчилик расмини бекаму кўст адо этди. Бу воқеадан бироз вакт ўтгац, айрим фитна қўзғовчи шайтон сийрат бузуқи кишилар яна бир неча бор Оқбўтабийнинг ихлосини Раҳимхондан қайтариб, ул жасур ва довюрак хонни хибсга олиш сари ундашга киришадилар. Раҳимхон ҳам бу ҳолдан ҳам воқиғ бўлмай қолмади ва бир кечаси Оқбўтабий Хўжанд арки устида ноз уйкуда ухлаб ётган маҳал бир нечта қасоскор баҳодирлар билан бирга адоват қиличини белининг юз жойидан ўнгу сўл қилиб боғлаб, андишасизлик либосини эгнига ташлаб, арк сари юзланди ва ул амирлик паноҳи устига ногаҳоний ўлим мисоли ёпирилиб келиб, кин-адоват қиличи воситасида амир ва унинг ёнида ухлаб ётган икки нафар ой юзли фарзандига қиёматгача турғузмас даражадаги ўлим шарбатини ичирдилар. Ўша кечасиёқ ул бечора шаҳид амирни тупроққа топширдилар ва эртаси куни Раҳимхон амирлик таҳтига ўтириди. ... Раҳимхон бироз вакт ҳукм юргизгач Хўжандни укаси Абдулкаримбийга берди ва ўзи Хўқанд шаҳрига бориб ўтириди».<sup>1</sup>

Эътиборни қаратадиган жиҳат асардаги Хўжанд воқеасини ёзишда муаллиф қайси манбалардан фойдаланганлигидир. Маълумки, асар 1259/1843 йилда Шаҳрисабзда яратилади. Хўжанд воқеаси эса 1724 йилда содир бўлади. Оралиқда 119 йил фарқ бор. Бунда биз икки омилга эътибор қаратишимиз лозим. Биринчиси, муаллиф даврида шу воқеа ёритилган қандай асарлар мавжуд эди ва қайсиларидан фойдаланган. Иккинчиси, оғзаки тарихдан қай даражада фойдаланган.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат – таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ваҳотиралар) Форс –тоҷик тилидан таржимон Шодмон Воҳидов. Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 228-230-бетлар.



Муаллиф асарда Фазлий, Амирий (Умархон) шеърларидан намуналар келтиради. Бу унинг улар ижодидан яхши хабардор эканлигидан далолат беради. Бу адиларнинг шу давр ҳақида маълумот берувчи тарихий асарлари бўлиб, бироқ уларда Оқбўтабий тақдири ҳақида маълумотлар учрамайди.<sup>1</sup> Энди эътиборни оғзаки тарихга қаратайлик. Раҳимхонни ушлаб келиш учун юборган қирғизлар воқеасининг ёритилиши муаллифнинг оғзаки тарихдан фойдаланганлигини кўрсатади. (буни асардаги Фозилбийнинг қипчоқларга қарши курашган қисмини ёритишида янада аниқ кўрамиз<sup>2</sup>) Демак муаллифнинг оғзаки тарихдан фойдалангани воқеани ёритишдаги ютуғи десакда, аниқ кимдан эшитганини ёзмагани воқеанинг объективлигини камайтиради.

Шунингдек, асарга тарихий тамойиллар асосида қарасак кўплаб номутаносибликни кўрамиз. Масалан, Детерменизм (сабабийлик) тамойили нуқтаи назаридан қаралса бу янада аникроқ кўзга ташланади. Чунончи, биринчидан, Оқбўтабий Раҳимхонга вилоят ишларини топшириб қўйиб ўзи айш-ишрат билан машғул бўлди, -дейилади дастлаб. Раҳимхон аркка бостириб кириб, икки фарзанди билан ухлаб ётган вақтда барчасини ўлдиради. Аший-ишратга мойил хоким харамда ухламайдими? Иккинчидан, Оқбўтабийнинг икки ўғли бор экан, нега Раҳимхонни чақириб вилоят бошқарувини унга топширади? Айтиш керакки бу фарзандлари катта ёшли бўлган. улар Шоҳрухбийнинг қизидан туғилган бўлмаган. Агар ундан бўлса эди Абдураҳимбий ўз қариндошини ўлдирмаган бўлар эди. Афсуски, Оқбўтабийнинг оиласи ҳақида бизгача аниқ маълумот етиб келмаган. Учинчидан, Оқбўтабий Абдураҳимхонни ўлдирмоқчи эди. У қочиб кетди. Лекин яна чақириб олди ва бошқарувни унга яна топширди. Муаллиф томонидан уни чақириб олиш сабаби, зарурияти келтирилмайди. Аслида ҳам Оқбўтабийда бунга эҳтиёж йўқ эди. Тўртинчидан, Шоҳрухбий вафотидан сўнг Кўқон ҳокимиятини қўлига олиб, анчайин мустаҳкамлаган Абдураҳимбийнинг Бабажонов Б.М. ёзганидай ғарбдаги ерларни эгаллаши маълум эди.<sup>3</sup> Айниқса Хўжанд бунинг учун дарвоза сифатида айни мудда эди. Оқбўтабий ҳокимлигида бўлган Хўжанд бўлса бу вақтда Унинг отаси Раҳим оталиқ юз хоким бўлган Ўратепа таркибида эди. Шу сабабли Оқбўтабийнинг ўлдирилиши Ўратепа билан муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Шунингдек, Абдураҳимбийнинг ўз куёви Оқбўтабийни ўлдириши ўша давр тамойилига қарши иш бўлиб, уни ўлдириб ўз куёви қотили номини олгандан, оқуйлик қилиш унга мақбул эди. Чунончи кейинги хонларнинг қилган ишлари бунга мисол бўла олади.

Худоёрхонзода «Анжум ат-таворих» асарида Оқбўтабий тақдирини ўзгacha тарифлайди: «Жулусдин икки йил ўтгач, катта қўшин билан Ўратепа итоатида бўлган Хўжанд ва Истравшан томонга қўшин тортди. Учунчи куни

<sup>1</sup> Вохидов Ш. Кўрсатилган асар. 139-142-бетлар.

<sup>2</sup> Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтаҳаб ат – таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) Форс –тожик тилидан таржимон Шодмон Вохидов. Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. 234 б.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Ташкент. 2010 г. с. 105.



тонгда Хўжандга келиб, арқон ва нарвонлар билан баҳодирлари шаҳарга кирдилар. Дарвоза посбонларини ўткир қиличлар дамидан ўтказиб, йўқлик оламига жўнатдилар. Бутун лашкар шаҳарга кириб, ҳоким ўтирадиган ички қалъага юзландилар. У ернинг волийси Оқбўтабек кечаси билан пари юзли Хўжандлик қизлар билан мажлису базм қилиб, хуршидюзли соқилар қўлидан кизил шароб ичиб, хушдан кетгунча маст, ғафлат уйқусида ётар эди. Жанг ноғраси ва уруш найи овозидан уйғониб, қиёмат кунига ўхшаган ҳолатни кўрдида, қармоққа тушган балиқдек талвасага тушиб, уруш либосини кийиб, хос муло-зимлари билан отда бирор бир бурчакка чекинмоқчи бўлди. Хўжанд лашкари-нинг муқаддимаси етиб келиб уни асирга олдилар ва Абдураҳимхоннинг нусратасар назаридан олиб ўтдилар. Хон уни барча кўчу-кўронлари билан Ўзган қалъасига юборди. Уч йил ўтиб у ўз табиий ажали билан у ерда вафот этди.»<sup>1</sup>

Бу ўринда муаллифнинг асарни нимага асосланиб ёзганлигига эътиборни қаратишими兹 лозим. Чунончи, муаллиф ўздан олдин ёзилган асарлар билан таниш бўлган.<sup>2</sup> Муаллифнинг кейинги маълумотидан маълум бўладики, у асарни ёзишда нафақат қўлёзма китоблардан балки, ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланди.<sup>3</sup> Хўш муаллиф айнан қайси асар ва ҳужжатлардан фойдаланган? Абдулкаримбийнинг Қипчоқларга қарши юришини ёритишда «Мунтахаб ат-таворих» асаридан фойдаланганлиги ҳақида маълумот бериб ўтади.<sup>4</sup> Демак Худоёрхонзода «Мунтахаб ат-таворих»даги Хўжанд воқеаси ҳақида берилган маълумотлар билан таниш бўлган. Хўш унда нега Оқбўтабий тақдирини Мухаммад Ҳакимхон Тўра асидаги каби эмас, балки бошкacha тарифлади. Бизнингча муаллиф масалага юзаки қарамаган. Чунончи ўзи ҳам асар ёзиш сабаблари баёнида, ёзаётган ҳар бир маълумотга тарихчи жавоб беради дейди<sup>5</sup>. Қолаверса «Анжум ат-таворих»даги маълумотлар «Мунтахаб та-таворих»даги шу давр воқеаларни ёритишга хизмат қиласидиган маълумотларга қараганда батафсил ва тўлалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мирзо Олим Мушриф «Ансаб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин» асарида Оқбўтабий тақдирни ҳақида қуйидагича маълумот беради: «... Тахти салтанатга [Раҳимхон] ўлтирди эрса, дафъатан қўшин тортиб, бир кечада Хўжандга дохил бўлиб, Мухаммадраҳим оталиқ қирғизнинг ўғли Оқбўтабий қатл айлаб ва яна икки ўғлини қатл этиб, Хўжанд ҳукуматини укаси Абдукаримбекка тафвиз қилди».<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (Тарих юлдузлари). Т.: «Фан ва техналогия», 2014. Форс-тоҷик тилидан таржимон Шодмон Воҳидов. 94-95-бетлар.

<sup>2</sup> Худоёрхонзода. Кўрсатилган асар. 25 б.

<sup>3</sup> Худоёрхонзода. Кўрсатилган асар. 29-30- бетлар.

<sup>4</sup> Худоёрхонзода. Кўрсатилган асар. 110 б.

<sup>5</sup> Худоёрхонзода. Кўрсатилган асар. 26 б.

<sup>6</sup> Мирзо Олим Мушриф. Ансаб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. Наширга тайёрловчилар: филология фанлари доктори, профессори Акбар Матғозиев, Мұхаббат Ұсмонова «Ғ.Фулом номидаги адабиёт ва саънат нашриёти», Т.: 1995 й. 14,15- бетлар.



Шу ўринда муаллиф ҳақида тўхталсак. Мирзо Олим тахминан XIX асрнинг 20-80 йилларида яшайди. Маллахон ва Худаёрхон даврида сарой хизматида бўлади. Муаллиф асарида Хўжандни эгалланиши ва Оқбўтабийнинг тақдири масаласи воқеаларни компиляция шаклида, «Ибрат ул ҳавоқин» ва кўпроқ «Мунтахаб ат-таворих»дан фойдаланган ҳолда ёритади.

Асарда эътибор қаратилиши керак бўлган, бошқа асарларда учрамайдиган яна бир жиҳати шундаки, Оқбўтабийни қирғиз эди деб ёзади. Бу хусусида кейинги йилларда қилинган тадқиқотларда ҳам қарама-қаршиликни кузатамиз. Масалан, В.М.Плоских ўзининг “Киргизы и кокандское ханство” асарида Хўжанд ҳокими Оқбўтабий қирғиз эканлиги (унинг юз қабиласидан эканлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди) ҳақида ёзади.<sup>1</sup> Шу масалага тўхталган Ш. Вохидов<sup>2</sup>, Б.М.Бабажонов<sup>3</sup>, Й.Қосимовлар Оқбўтабийни юз қабиласидан эканлиги таъкидлайдилар. Чунончи, хориж тадқиқотчиси Охио штати университети профессори С Scott С.Леви ҳам масалага холис ёндашиб «Khokand the rise and fall off» асарида Оқбўтабий юз қабиласидан эканлиги, Хўжанддан ташқари Жиззах, Ўратепа, Ҳисори Шодмон ва Қурамада юз қабиласининг нуфузи баланд эканлиги ва Абдураҳимбий Хўжандни эгаллаш жараёнида Оқбўтабийни ўлдирганлиги ҳақида ёзади.<sup>4</sup> Ҳақиқатдан ҳам «Мунтахаб ат-таворих»да келтирилганидай: «Ўша пайтлар Раҳим оталиқ юзнинг ўғли Оқбўтабий Хўжандда амирлик ногорасини чалиб ўтирган даврлар эди».<sup>5</sup> Оқбўтабий юз қабиласидан бўлган. Буни қабилалар жойлашуви ва бўлиниши юзасидан тадқиқот олиб борган X. Дониёров маълумотлари ҳам тасдиқлайди. У бир қанча ишончли манбалар ва қариялардан эшитган маълумотларига асосланиб ёзишича юз Ўзбек ҳалқини ташкил этган 92 қабиланинг иириклидан бири бўлиб, минг каби кўплаб майда тармоқларга бўлинади ва Жиззах, Самарқанддан ташқари Ўратепа, Хўжанд, Ҳисор худудларида истиқомат қиласди.<sup>6</sup>

Ниёз Мухаммад Ҳўқандий «Ибратул ҳавоқин» асарида Абдураҳимбийнинг Хўжандни эгаллаши ва Оқбўтабий тақдири масаласига шундай тўхталади: «У алп (Абдураҳимхон назарда тутилмоқда) қоматли полвон эди. Узоқни ўйлайдиган, маслаҳатга қулоқ соладиган бир амир эди. Ўшал замонда Бухоро амири заиф ва нотавон бўлиб, давлат бошқаруви ва хукумат ишларидан узоқлашган эди. Абдураҳимхон вақтни ғанимат ва фурсатни

<sup>1</sup> Плоских В.М. Киргизы и кокандское ханство. Фрунзе. “Илим”, 1977 й. 71-72-бетлар.


<sup>2</sup> Вохидов Ш. Кўқон хонлигига тарихнавислик (генезиси, функциялари, намоёндалари, асарлари). Т.: “Академнашр”, 2010 й. 12 б.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Ташкент. 2010 г. с. 105.

<sup>4</sup> С Scott С.Леви. Ҳоқанд тҳе рисе анд фалл оғ. Университий оғ Питтсбургх Пресс. 2017 еарс. Пп 21,22.

<sup>5</sup> Мухаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат – таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ваҳотираплар) Форс –тоҷик тилидан таржимон Шодмон Вохидов. Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 228 б.

<sup>6</sup> Дониёров X. Ўзбек ҳалқи шажара ва шевалари. Т.: «Фан», 1968. 74,82-85-бетлар.



мухим деб билиб, Ўзбекия диловарларидан ва сартия номдорларидан йигирма уч мингга яқин кишидан иборат шикаст кўрмаган ва зарару кулфат етмаган қўшин йифиб, Хўжанд сари ҳаракат қилди. Бир кеча кундузда илғор тарзда Хўжандга етиб келиб, тонгда ул вилоятни босдилар. Вилоятнинг волийси Оқбўтабийни қўлга олиб, Хўжандни эгалладилар. Шаҳарнинг ашроф ва аёнлари сultonлик қарам ва ҳурматидан баҳраманд бўлдилар, вилоятда ҳукм сурган эски бидъатни йўқотиб, аҳолини хурсанд ва фараҳманд этдилар»<sup>1</sup>.

Асарда Хўжанд ва Оқбўтабий воқеаси компилятив берилади. Маълумотнинг эътиборли жиҳати муаллиф гарчи Оқбўтабийнинг кейинги тақдири ҳақида аниқ бир маълумот келтирмасада, Абдураҳимбий Хўжандни эгаллаш жараёнида уни ўлдирилганлиги эмас балки унинг асир олинганлиги ҳақида маълумот келтиради. Хўш ушбу маълумотлар қай даражада объектив?

Шу ўринда муаллиф ҳақида тўхталсак. Ниёз Муҳаммад тахминан 1804-1805 йилда дунёга келади. Оила аъзолари Қўқон хонлиги қўшинида хизмат қилишган бўлиб, оиласи моддий томондан яхши бўлган. Чунончи, у ҳарбий хизматдан олдин Ҳаммом мадрасасида таҳсил олган бўлган.<sup>2</sup> Оқибатда у ўз даврининг илм-маърифатли, тарих илмидан ҳам яхши хабардор инсони бўлиб етишади. У ушбу асарини 1871-1872 йилларда Худоёрхон буйруғи билан ёzádi. Эътиборлиси асарни ёзишда Ниёз Муҳаммад моддий манфаат кутган. Муаллиф асарни ёзишда олдин яратилган қайси асардан фойдаланган?

Муҳаммад Фозилбек «Мукаммали тарихи Фарғона» асарида Хўжанд воқеаси ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради: “(20<sup>a</sup>) Султон Абдулраҳимхон Шоҳруҳоннинг анжер ўғли эрди. Ўламолар қарон<sup>3</sup> лақаб бергон эрдилар. Шул сабабдинке аксар шаҳарларни ул фатҳ қилди ва ҳам Самарқандни фатҳ қилуб, Олимбек ҳоким Шаҳрисабз эрди қизини олди. Вақти ке Абдолраҳимхон отаси Шоҳруҳон ўрнига хон (20<sup>b</sup>) бўлди. Амир дурандиш<sup>4</sup>, маслаҳатли киши эрди. Ушал асрда амири Бухоро андек заиф нотавон ва маслаҳат ва тадбирдин йироқроқ эрди. Вақтини ғанимат билиб, деловрон<sup>5</sup> Ўзбекия, сартия бирлон лашкар жам қилуб, қаридан йигирма тўққуз минг қўшун саф қилиб, жанг-жуй бирла Хўжанд тарифга равона бўлди. Бир кеча ва кудуз сурат бирла йўл юриб, Хўжанд тифасиға етуб, карнай тортиб, дарвозадин кириб Хўжандни тасирифиға олди ва Оқбўтабий ҳокими Хўжанд

<sup>1</sup> Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул Ҳавокин (Тарихи Шоҳруҳий). Тожик тилидан таржимон, ўзбек тилидан табдил, кириш ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. профессор Воҳидов Ш. Т.: «Турон замин зиё», 2014 й. 49 б./ Муҳаммад Ниёз Хўқандий — «Тарихи шоҳруҳий», Ўз. Ф.А. Абу Райхон Беруний номидаги Ш. И. Н– 608

<sup>2</sup> Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул Ҳавокин (Тарихи Шоҳруҳий). Тожик тилидан таржимон, ўзбек тилидан табдил, кириш ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. профессор Воҳидов Ш. Т.: «Турон замин зиё», 2014 й. 4 б.

<sup>3</sup> قرآن - қирон – бу ерда уни Соҳибқиронга tenglashтиришган

<sup>4</sup> دوراندیش — дурандиш — узоқни ўйловчи андишли

<sup>5</sup> دلوران — қўркмас, жасур

эрди, асир қилди. Уламо ва фузало Хўжандни мути<sup>1</sup> ва мунқод<sup>2</sup> қилуб илтефоте шоҳона, ҳасравона бирла сарофroz қилуб, фуқаропарволикни бир важеотим ва оқмил (21<sup>a</sup>) онлар ҳаққига бажо келтуруб, мазфар ва манзур қайтуб давлат тамом бирлан дорулсалтанати Хўқандга доҳел бўлди”.<sup>3</sup>

Хўш Мухаммад Фозилбекнинг Оқбўтабий ҳақида берган маълумотлари кай даражада объектив? Маълумки, Андижоннинг «Девонабой» даҳасида истиқомат қилган Фозилбек Отабек ўғли 1886 йилда туғилган. У «Турк Роста»нинг Андижон уезди бўйича редакция шуъбаси мудири вазифасида ишлаб, мусулмонча плакатлар чиқаришда фаол қатнашган<sup>4</sup>. Чунончи, Остроумов Отабек қози билан сұхбат чоғида унинг ниҳоятда билимдон, зиёли ва қаламли одам эканлигига ишонч ҳосил қилиб, ўз кутубхонасига таклиф этади. Ҳаиқатдан ҳам у ўқимишли инсон бўлиб, туркий, араб, форс, рус тилларини мукаммал билган. Ўз даврининг машхур журналисти бўлган. Фозилбек Отабек<sup>5</sup> Еврўпа ижоди билан ҳам яхши таниш бўлган. Қолаверса, 1898 йил қўзғолони воқеаларини маҳаллий халқ вакиллари қўлига тушмаган ва ёпик эшиклар ортида ўтказилган суд жараёни архив материаллари, харита ва чизмаларни пухта ўрганиб «Дукчи эшон воқеаси» китобига илова қиласида Тошкент-Самарқандда 1927 йилда чоп эттиради.<sup>6</sup> Шу ўринда таъкидлаш керакки, муаллиф воқеанинг жонли гувоҳи. Чор атрофидаги ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ва тасвирлаган. Воқеага чуқур таассуф ва ғамгинлик ҳамда озгина танқидий ёндашган. Собиқ совет ҳокимияти Туркистон халқининг миллий озодлик ва эрк учун кураши, унинг намояндлари фаолиятини салбий баҳолай бошлаган бир даврда Фозилбек Отабекнинг тарихий ҳодисага холисона баҳо бера олгани ва китоб ҳолида нашр эттиргани эътиборга лойик. Кези келганда таъкидлаш керакки, бизга Мухаммад Фозилбек «Тарихи умм» («Умумий тарих») номли китоб ёзишни ният қилгани ҳақида маълумот етиб келган. Лекин ушбу асарнинг тақдирни ҳанузгача номаълум. Хуллас бу мисоллар Фозилбек Отабек ўғлининг тарих илмидан яхши хабардорлиги, айникса тарихий онги яхши даражада шаклланганлигини кўрсатади.

Хўш ушбу асарини ёзишда қайси китоблардан фойдаланган? Фозилбек Отабек ўғли Хўжанд воқеаси ҳақида берган маълумотлари компилятив бўлиб, Ниёз Мухаммад Хўқандийнинг «Ибратул ҳавоқин» асаридан фойдаланганлигини кўрсатади. Лекин, шундай бўлсада асардаги маълу-

<sup>1</sup> مطبع — мути — итоат этувчи, бўйсинувчи, мути этмоқ — тобе этмоқ, бўйсиндирмок

<sup>2</sup> منقاد — мунқод — бўйнини эгувчи, бўйсунувчи, итоат этувчи, мунқод қилмоқ — бўйсундурмок

<sup>3</sup> Мухаммад Фозилбек ибни Қозий Мухаммад Отабек «Муқаммали тарихи Фарғона» Ўз. Ф.А. Абу Райҳон Беруний номидаги Ш.И., кўлёзмалар фонди, кўлёзма Н – 597. 20<sup>a</sup>-21<sup>a</sup>-бетлар

<sup>4</sup> ВОДИЙНОМА». (Тарихий мерос), Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. 2018 йил №3 Р.Т.Шамсутдинов. «Фозилбек Отабек ўғли ҳаётига чизгилар» 52-59-бетлар

<sup>5</sup> ВОДИЙНОМА». (Тарихий мерос), Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал. 2018 йил №3 Р.Т.Шамсутдинов. «Фозилбек Отабек ўғли ҳаётига чизгилар» – Б52-59

<sup>6</sup> Мухаммад Фозилбек. «Дукчи эшон воқеаси». – Т.: Чўлпон, 1992.

мотлар Оқбўтабийни қатл этилганлигини инкор этиб, асир олингандигини тасдиқлади.

Муҳаммад Умар Умидий «Тарихчаи Туроний» асарида Оқбўтабий тақдирни масаласини шундай ёзади: «Қачонки Абдураҳимхон хон аморат паноҳлиғ қилди, ҳамшираси Хўжандда Оқбўтабийда тушган эди, ба зўру бозу Хўжандни мухассар айлаб, Оқбўтабийни қатл эткуриб, Хўжандни укаси Абдулкаримбекка тавфиз қилди.»<sup>1</sup>

Муаллифнинг берган маълумотлари қай даражада объектив? Шу ўринда муаллиф ҳақида тўхтальсак. У 1835-1905 йилларда яшаб ижод қиласди. У ўқимишли шахс бўлиб, ундан лирик ва сатирик шеърлар, эпик достонлар, насрый ва назмий кўплаб асарлар қолган. У тарих илмидан яхшигина хабардор бўлган. Чунончи унинг қаламига мансуб «Бадавлатнома ёки Тарихи Хўқанд», «Мактубчай хон», «Жангнома» каби тарихий фалсафий достонлари мавжуд. Демак муаллифнинг тарихий онги яхши ривожланган бўлган.

Асарда Оқбўтабий ҳақида берилган маълумотлар компилиятив характерда. Асарни ўқиши натижасида англаш мумкинки, у Хўжанд воқеасини ёзишда тўлақонли «Мунтаҳаб та-таворих»дан ўзи тилга олганидай: “китобимни наср силкида тортуб, тарихлардан зарур жойларини интоҳоб айлаб қисқалик бирла мухтасар этуб хони воложоҳларни ўз замонларида ўтган шуароларни воқеалар тўғрисидаги бойлаган тарихларни дарж этдим”<sup>2</sup>, - шаклда фойдаланган. Муаллиф асардаги воқеаларни баён қилишда «Тарихи Шоҳрухий»дан ҳам фойдаланган.<sup>3</sup>

Маҳдум Ҳожи «Тарихи Туркистон» асарида Оқбўтабий тақдирни ҳақида шундай жумлаларни келтиради, — «Онинг асарида Бухоронинг ҳукмронлик ишлари бениҳоя заиф ва бекувват бесаронжон илан, ҳукumatдорлик тадбир ва маслаҳатларидин билкулли йироқ тушган экан. Бул вақтни ғанимат фаҳмлаб, Абдураҳимхон ўзбакия ва сартиялардин қарийб йигирма, ўттиз минг аскар тартиб айлаб, Хўжанд тарафиға азимат айлабдур. Бир кечакундуз жадал ила юриб, Хўжанд шаҳрига етиб, сахар вақтида Хўжанд шаҳрини мусаххир қилиб, Хўжанд хокими Оқбўтабийни дастгир айлаб, ул шаҳарнинг аъёни ва ашрофи вилоятларига навозиш ва марҳаматлар қилиб, ҳар қаюларига муносиби ахвол мансаб бериб, Хўжанд шаҳрига бозгашт қилибдур.»<sup>4</sup>

Қўйон тарихи бўйича энг сўнги 1915 йилда ёзилган асар бўлмиш «Тарихи Туркистон»даги Оқбўтабий ҳақидаги маълумотлар компилиятив шаклда. Асар анчайин аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф юқоридаги барча асарлардан хабардор бўлган. Чунончи, асардаги маълумотлардан англаш мумкинки, муаллиф асосан Хўжанд воқеаси ва Оқбўтабий тақдирини ёритишида

<sup>1</sup> Муҳаммад Умар Умидий. Тарихчаи Туроний. Табдил муаллифи – Ш. Воҳидов. Т.: 2012 й. 19 б.

<sup>2</sup> Муҳаммад Умар Умидий. Тарихчаи Туроний. Табдил муаллифи – Ш. Воҳидов. Т.: 2012 й. 15 б.

<sup>3</sup> Муҳаммад Умар Умидий. Тарихчаи Туроний. Табдил муаллифи – Ш. Воҳидов. Т.: 2012 й. 18 б.

<sup>4</sup> Мирзо Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон. Т.: «Янги аср авлоди», 2009. 50 б.

«Тарихи Шоҳрухий» ва «Мунтахаб ат-таворих» асарларидан фойдаланган. Лекин, эътиборлиси ишончли манба сифатида «Тарихи Шоҳрухий» асарини асос қилиб олган ва «Мунтахаб ат-таворих»даги маълумотларга шубҳа кўзи билан қараган. Буни Шоҳрухбийнинг ўлими масаласини ёритишида ёрқин кўрамиз.<sup>1</sup> Шу сабабли Абдураҳимбий билан Оқбўтабий ўртасидаги олдинги воқеалари асарида келтирмайди. Шу ўринда савол туғилади? муаллиф «Анжум ат-таворих» асари ҳақида маълумотга эга бўлганми?, асарни ёзишда ундан фойдаланганми? Ахир бу асар «Тарихи Туркистон» асаридан қарийб ўн йил олдин яратилган.

Мавжуд асарлардаги воқеа ҳақдаги маълумотларни юқорида таъкидланганидай асар муаллифи ва асардаги ҳодисага бўлиб, герменевтик таҳлил қилиш натижасида хulosа қилиб айтиладиган бўлса, Муҳаммад Ҳакимхоннинг Оқбўтабий Шоҳрухбий муносабатлари, Раҳимхонни Хўжандга олиб келиб хукumat ишларини унга топширганидан то низолашиб қочиб кетгунингча бўлган воқеалар ҳақиқатга яқин, лекин Раҳимхоннинг Оқбўтабий билан тузилган аҳд-паймонлардан кейин Хўжанга қайтиб бориши, бироз вақт ўтгач ўртага тушган низо учун уни арк ётоқхонасида икки ўғли билан ўлдириши объективликка тўғри келмайди. Аксинча Кўқонга қайтиб келган Раҳимбий билан муносабатлар яхшиланади. Бироқ тез-орада муносабатлар бузилади. Раҳимхон Кўқондан куч тўплаб Хўжанга юради ва Оқбўтабийни асир қилиб «Анжум ат-таворих»даги келтирилганидай Ўзганга юборади. Уерда у уч йилда сўнг вафот этади.

---

<sup>1</sup> Мирзо Олим Маҳмуд Ҳожи. Тарихи Туркистон. Т.: «Янги аср авлоди», 2009. 49-50-бетлар.

## “САДОИ ФАРГОНА” ГАЗЕТАСИДА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

*Шадманова Санобар*

*Тарих фанлари доктори, профессор, ТДШУ*

Миллат тараққийпарварлари томонидан чоп этилган матбуот ичида “Садои Фаргона” газетаси алоҳида аҳамият касб этади. 1914 йил 3 апрелидан 1915 йил 26 апрелига қадар Фарғона водийсида биринчи марта ўзбек тилида чиққан газета “Садои Фаргона” газетаси эди. Унинг ношири ва муҳаррири Обиджон Маҳмудов (Обид чатоқ), газета мусахҳиҳи (корректори) Ашурали Зоҳирий бўлган. Газетанинг мақсади ҳақида шундай деб ёзади: “Газетани нашр этишдан мақсадимиз тижорат эмас, балки ҳалқимизга қўлимиздан келган қадар хизмат этмоқдир. Ҳалқимизда матбуот ва жаридаи миллияяга кундан-кун шавқ ва рағбат ўзгарди. Газета моддий жиҳатдан таъминланган”<sup>1</sup>. Газета ишида Усмон Нурий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон, Тавалло, Холид Саид, Саид Аҳмад Васлий, Иброҳим Даврон, Мулло Абдуллабек Мусабекхожи ўғли, Шокирали Мухторовлар фаол иштирок этганлар.

Газетада материаллар “Ҳўқанд ҳабарлари”, “Доҳлия ҳабарлари”, “Туркистон ва Фарғона ҳабарлари”, “Уруш ҳабарлари”, “Хорижий ҳабарлар”, “Адабий мунозара”, “Эълонлар” рукни остида берилган. “Садои Фаргона” газетаси саҳифаларида ижтимоий-иктисодий, маданий-илмий ва адабий муаммолар доимий равища ёритиб борилган. Реклама ва эълонлар газетанинг 1, 3 ва 4-саҳифаларида босилган. Ҳар қандай газеталар каби миллий газеталар нашрининг давом эттирилиши ва миллатга фойда қўрсата олишининг омилларидан бири унинг ўқувчилари кўплигидир. “Садои Фаргона” газетасини ёшгина йигитлар чойхонада катта қизиқиш билан ўқиётганларни кўрган бир тараққийпарвар хурсандлигидан бу ҳақда газетага ёзив, бир вақтлар яҳудийлар расталарда туриб ўз газеталарини ўқиганларини кўрганда, уларга ҳавас билан қараб, Қўқонда ўз миллатининг ҳам газеталар ўқиб, дунё янгиликларидан ҳабардор бўлишини ва фойдали маълумотлар билан танишишини орзу қилганлигини билдиради<sup>2</sup>.

Аслида ўлкада матбуотнинг нашр этилиши ҳам модернизация жараёнларидан бири эди. Туркистон тараққийпарварлари ҳалқни жаҳолатдан қутқаришда матбуотнинг аҳамиятини англаб, ўз саҳифаларида буни ҳалқقا тушунтиришга ҳаракат қилган. Ҳусусан, “Садои Фарғона” дастлабки сонларидан бирида “газета бутун дунёдаги маданий миллатларнинг тирикчилик йўллари, оламдаги даражалари ва ҳам олам инсоният энг тараққийси учун лозим бўлган саъй-ҳаракатлари тўғрисида бир-бирлари билан маслаҳат-

<sup>1</sup> Садои Фаргона. - 1914. - №1.

<sup>2</sup> Эшмат ва Тошмат // Садои Фарғона. - 1914. - №25; Шадманова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. - Тошкент. – Yangi nashr. – 2011. – Б.61.

лашмоқ ва кенгашмоқ учун лозим бўлган бир воситадир”<sup>1</sup> деб таъриф беради. Унда ислом дини нуқтаи-назаридан газетанинг лозимлиги ҳақида мулоҳаза қилинган ҳамда унинг зарурлигининг бир қанча сабаблари кўрсатиб берилган. Муаллифнинг ёзишича, биринчидан, жамият аъзолари ким бўлишидан қатъи назар норози бўлган ишларини далиллар билан газета воситасида халққа етказиши салбий воқеаларнинг олдини олишга ёрдам беради. Иккинчидан, ислом динида мусулмонларга саёҳат қилиш буюрилганлиги, шунинг учун бошқа хорижий мамлакатларда кўрган таассуротларни газета орқали ўқувчилар билан бўлишса, яхши ишдан ибрат олинади ва аксинча ёмон ишлардан тўғри хулоса чиқарилади. Учинчидан, мусулмонларга ҳар ишни машварат (маслаҳат) билан қилиш амр қилинган. Газета эса жамият аъзоларига турлича фикрлар билдириш ва биргаликда умумий бир қарорга келишига ёрдам берувчи чора, деб ҳисобланган<sup>2</sup>.

Жадид матбуотида эса тараққийпарвар кучлар пайдо бўлган даврий матбуотни кутлаб, уларнинг фаолияти ва муаммолари тўғрисида сўз юритилади. Шундай мақолалар сирасига “Ойна” журналида Маҳмудхўжа Беҳбудий “Садои Туркистон” ҳамда “Садои Фарғона” газеталари тўғрисида батафсил маълумот берилади ва тараққийпарвар ёшлардан муштарий тўплашга ёрдам беришни сўрайди ҳамда Россия империяси худудида яшовчи бошқа мусулмонларнинг матбуоти, шунингдек Европа аҳолисининг матбуотчилик соҳасидаги ишлари билан Туркистон матбуотини солишириб кўрсатади ва Беҳбудий туркистонликларни бошқа миллатлардан бу соҳада ўrnак олишга чақиради<sup>3</sup>. Унда таъкидланишича, ўша даврда Ёвропада 10 миллион аҳолиси бўлган баъзи давлатларда минглаб даврий матбуот мавжуд бўлган.

Бу газета 500-600 нусхада Обиджон Маҳмудовнинг шахсий босмахонасида босилган, ҳафтада 3 марта чиққан, 1915 йил 10 апрелига қадар чиққан 122 та сони мавжуд. “Садои Фарғона” газетаси Россия мусулмонларнинг машҳур матбуот органлари - “Вақт” ва “Юлдуз” газеталари ҳамда “Шўро” журнали таҳририятига икки нусхадан жўнатиб турилган.

Миллий тараққийпарварлар матбуотда жамиятнинг кўзгуси деб ҳисобланган ҳолда унда барча муаммоларни ёритиб боришга ва мазкур муаммоларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, ўлкада пиллачилик соҳасининг инқизози сабабларини таҳлил этишга ҳаракат қилиниб, хусусан, “Садои Фарғона” газетасининг бир нечта сонида бу ҳақда маълумот берилади<sup>4</sup>. Пилла этиширишнинг камайишига сабаб: бирин-

<sup>1</sup> Обиджон (Маҳмудов). Газета на давр ва на учун лозим // Садои Фарғона. - 1914. - №2.

<sup>2</sup> Обиджон (Маҳмудов). Газета на давр ва на учун лозим // Садои Фарғона. - 1914. - №2.

<sup>3</sup> Маҳмудхўжа Беҳбудий. Садои Туркистон, Садои Фарғона ёхуд Туроннинг эгизак тавъом фарзандлари // Ойна. - 1914. - №25.

<sup>4</sup> Мухаммад Одил. Пилла кам тутилмогининг сабаби // Садои Фарғона. - 1914. - №12; Ашурали Зоҳирий. Пилла кам тутилмогининг сабаблари // Садои Фарғона. - 1914. - №15, 16, 17.

чидан, пилла уруғининг сифатсизлиги, иккинчидан, етиштирилган пиллани сотиш муаммоси, яъни бозорда ва фирмаларга арzonга сотилиши ҳамда дехқонларнинг талон-тарож қилинишида, деб ҳисобланган. Мақолалардан бирининг муаллифи Ашурали Зоҳирий мазкур муаммонинг ечимини ҳам таклиф этади, жумладан, пиллани ипак нархига қараб баҳолаш<sup>1</sup>, иккинчидан, бозор чиқимлари учун пилла олинмасдан, пул тўлаш, учинчидан, бошқа дехқончилик маҳсулотларини сотишдаги каби олиб келинган вақтда пиллани ушлаб ўтирмасдан сотиш орқали муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги қайд этилади<sup>2</sup>.

Миллий тараққийпарварлар қишлоқ хўжалигига янги технологияларни олиб киришга астойдил тарафдор бўлиб, матбуот орқали дехқонларни бунга қизгин даъват этишган. “Садои Фарғона” газетасида Чўлпон ҳам дехқончиликнинг самарадорлигини оширишда техникадан унумли фойдаланиш муҳимлигини таъкидлаб, американклар турли хил қишлоқ хўжалик техникаларини ишлатиб, туркистонлик дехқонлардан 10 киши 10 кунда қиласидан ишларини 2 киши 10 соатда осонгина бажаришларини маълум киласидан ҳамда дехқонларни техникадан фойдаланишга ундайди<sup>3</sup>.

Абдулҳамид Чўлпон ўзининг бир мақоласида дехқонларни янги технологиялардан фойдаланмаётганликларини танқид қилиб, бунинг сабабларини топиш мақсадида, қишлоқларга сафар қиласидан, дехқонлар билан суҳбатлашади ва зироатчилар билан бўлган суҳбатдан хулюса қилиб, муаммонинг сабаби, дехқонларнинг кўлида шахсий маблағлари йўқлиги, ҳар баҳорда иш бошлашга бойлардан икки ёки уч баробар қилиб қайтариш эвазига қарз олишга мажбур белаётганлигидадир, деган хуносага келади. Абдулҳамид Чўлпон мақоласининг охирида барча миллатпарвар ёшларни мазкур муаммоларни ҳал қилиш чораларини топишга даъват этган<sup>4</sup>. Ушбу мақоланинг сўнггида идорадан жавоб тариқасида, “Садои Фарғона” газетаси муҳарририяти ўз таклифини эълон қиласидан, “Садои Фарғона” газетаси муассасаларини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш, бунга миллий зиёлилар бош бўлиши зарурлиги таъкидланган<sup>5</sup>.

1914 йилда “Садои Фарғона” газетасида эълон қиласидан “Фарғонада банка очмоқ” сарлавҳали мақоладан эса миллий тараққийпарварлар турли даъват, чақириқлар билан чегараланиб қолмасдан, ўлка дехқонларининг оғир аҳволдан чиқариш мақсадида амалий ҳаракатларни бошлаганини

<sup>1</sup> Ипак 70-75 руб.турса, пилланинг чаксаси 7-7,5 руб.бўлиши керак (чакса 12,5 қадок, 1 қадоқ 344,4 граммга тенг).

<sup>2</sup> Ашурали Зоҳирий. Пилла кам тутилмогининг сабаблари // Садои Фарғона. - 1914. - №15, 16, 17.

<sup>3</sup> Абдулҳамид Сулаймон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик // Садои Фарғона. - 1914. - №10.

<sup>4</sup> Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик ишлари // Садои Фарғона. - 1914. - №13.

<sup>5</sup> Идора // Садои Фарғона. - 1914. - №13.

кўрсатади. Унда дехқонларни қарздорликдан қутқариш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида махсус банк очиш ташаббуси билан чиқкан эди. Бу ишни рўёбга чиқариш учун маҳаллий сармоядорларга бекор турган маблағларини ана шу муассасага қўйиш таклиф этилади. Бундай банк ташкил этилиши натижасида аҳолининг барча қатлами, яъни маблағ берувчи ҳам, оловчи ҳам фойда кўриши таъкидланиб, мулқдорлар бойлиги миқдорининг янада ошишига ва сақланиб қолинишига кафолат бўлса, дехқонларга бериладиган кредитлар фоизи кам бўлганлиги учун улар ҳам доимий қарздорликдан қутулиб, ишларини тўғри йўлга қўйиб олишига имкон беришига ургу берилган. Газета муҳарририяти бундай банкни очишни истовчиларни “Садои Фарғона” газетаси идорасига мурожаат қилишларини сўрайди ҳамда уларга керакли назарий ва амалий ёрдам кўрсатилиши таъкидланади<sup>1</sup>.

Матбуот сахифаларида тарақкийпарварлар савдо соҳасини ривожлантириш учун янги билимларга эга бўлиш муҳимлигини тўғри англаган ҳолда тижорат илмини ўқитишига ихтисослашган мактаблар фаолиятини кенг йўлга қўйилиши лозимлигини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошларида ўлка аҳолиси ижтимоий ҳаётида модернизация жараёнларининг бири сифатида европача тиббиёт кириб келди. Маҳаллий аҳолига нафақат давлат томонидан ташкил этилган тиббий муассасаларда, балки хусусий муассасаларда ҳам тиббий хизмат кўрсатила бошланди. Улар газета сахифаларида ўз хизматларини реклама қилишган. Чунончи, 1914 йилда “Садои Фарғона” газетасининг хабарига қўра, Кўқонда Ч.Ю.Норвилло ва Н.С.Качхоев томонидан биринчи хусусий шифохона фаолиятини бошлаган. Унда юкумли касалликлардан бошқа барча касалликлар даволанган, ҳатто доялик ҳам қилинган. Шифохонага эркаклар, аёллар ва болалар мурожаат қилиши мумкинлиги таъкидланиб, муолажалар нархи ва қабул соатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган<sup>3</sup>.

“Садои Фарғона” газетасида аёл шифокорлардан Е.С.Мастеркова болалар ва аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳақида хабар берган<sup>4</sup>. Аммо, рус шифокорлари маҳаллий тилларни билмаслиги ва қўпинча таржимонлар йўқлиги ҳам маҳаллий аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни қийинлаштирган. Бу ҳақда 1914 йилда “Садои Фарғона” газетасида ёзилишича, маҳаллий кишилар касал бўлиб қолса шифокорга ёрдам сўраб мурожаат этишда иккиланишига сабаблардан бири тил билмаслиги эди. Шунга қарамай бемор ахволини ишора билан тушунтирас, докторнинг айтган сўзларини тушунмай, берган дорисини қандай ичишни билмай, тўғри келганча ичарди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Фарғонада банка очмоқ // Садои Фарғона. - 1914. - №59.

<sup>2</sup> Ниёз Абдураҳмон ўғли. Тижорат ва мактаб // Садои Фарғона. - 1914. - №34.

<sup>3</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №35.

<sup>4</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №35.

<sup>5</sup> Табиба мухтожлик // Садои Фарғона. - 1914. - № 55.



“Садои Фарғона” газетаси ҳам бошқа жадид матбуотлари каби маблағни тўғри сарфлаш ва инвестиция қилиш ҳақида мақола ва хабарлар чоп этади. Унинг саҳифаларида бундай тўй ва маъракалар ўтказиш илмсизлик натижаси эканлиги, дунёнинг ҳеч бир миллатида бу ҳол учрамаслиги, бундай ҳолат Қуръон Карим ва ҳадиси шарифга мутлақо зидлиги алоҳида таъкидланади<sup>1</sup>. Бу мисол жадид тараққийпарварлари бу бидъатга қарши курашда ҳам ўrnak бўлганлигини ва миллат манфаатини кўзлаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатлар ҳақида матбуотда бошқа маълумотлар ҳам учрайди. Мунаввар Алифкор ўғлига хатна тўйи ўтказишда сарф-ҳаражатни камайтириб, унинг ўrniga мактаб қурдирган<sup>2</sup>. Шунингдек, Мирзо Ҳамдам Оғоликов ҳам мархум оталари томонидан таъмир қилинган масжиддаги мактабни янгича усулда куришга киришган. 1914 йилда наманганлик бойлардан Исҳоқжон Мирсолиҳбой ўғил фарзандига хатна тўйи қилишда тужжорлар (савдогарлар) билан маслаҳатлашган ҳолда тўйга сарфланадиган пулдан 2000 рублини мактаб ўқувчилари учун мевалик боғ яратишга ва мактаб эҳтиёжларига сарфлашга қарор қилган. Чунончи, бу йилларда Наманганда тўйларда тўн кийдириш одати йўқотилганлигини газета маълум қиласди<sup>3</sup>. Тўйлар ислоҳи ҳақидаги бундай хабарлар “Садои Фарғона” газетаси таҳририятига тез-тез келиб турган. Шундай хабарлардан бирида айтилишича, 1915 йилда Кўқон тужжорларидан Ҳожи Муҳаммаджон ва мулла Юсуф Аттор беш-олти нафар одамни чақириб бир товоқ ош ила зиёфат қилиб, ўғилларини хатна қилганлар<sup>4</sup>.

Туркистон жадидлари бу иллатларга барҳам бериб, маблағларни бехудага эмас, балки миллат тараққиёти йўлига - ёшларга илм бериш учун сарфлашга қилган даъватлари айниқса эътиборга лойик эди. Бундан ташқари, миллий тараққийпарварлар бу борада шахсан ўзлари ўrnak кўрсатганлари ҳам газета материаллари таҳлилидан маълум бўлади.

XIX аср бошларида газеталарда транспорт воситалари рекламалари ҳам анча кўпаяди. 1914 йилда “Садои Фарғона” газетасида Кўқондаги “Герхард ва Гей” ширкатида Франциянинг Гоброн фабрикасида ишлаб чиқарилган беш кишилик автомобиль ярим нархига сотилаётганлиги хабар қилинади<sup>5</sup>.

“Садои Фарғона” газетасида Чўлпон “Ватанимиз Туркистонда темир йўллар” номли мақоласида темир йўллар йўналиши ҳақида муштариғга ба-тафсил маълумот беради. Шунингдек, муаллиф темир йўлларнинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиради, зарари сифатида кўп ерларни босиб ўтиши, жумладан, масжид ва хонадонларни вайронага айлантириши кўрсатилса, фойдаси эса йўлда юриш анча

<sup>1</sup> Туркистон мусулмонлари // Садои Фарғона. - 1914 - №13.

<sup>2</sup> Наманганда тўйларнинг ислоҳи ва мактаб // Садои Фарғона. - 1914 - №6.

<sup>3</sup> Хатна тўйидаги исрофот ўrniga // Садои Фарғона. - 1914. - №17.

<sup>4</sup> Ҳамёнга зарарсиз хатна тўйи // Садои Фарғона. - 1915. - №117.

<sup>5</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №13.



бехавотир бўлиши ҳамда темир йўл ўтган жойлар обод бўлиши, яъни иқтисодий жиҳатдан ривожланишига таъсир қилиши ҳисобланади. Ўз навбатида газета таҳририяти “Аҳоли ризо бўлмагандан темир йўли масжид ва мадрасани ҳеч бир вақт вайрон қилуб ўтмас. Ризолик билан ўтканда ҳам мунинг учун катта пуллар беруб ўтар”, деб изоҳ бериб кетган<sup>1</sup>.

Газеталарда ўлка ҳаётига кириб келаётган замонавий қурилиш материаллари ҳақида ҳам ахборот берилган. 1914 йилда “Садои Фарғона” газетаси Валдемар Блюм томонидан аҳолига бетондан қилинган ариқлар, арава ва пиёда юришига, кўпприкларга, бетондан иморат қуришга турли маҳсулотлар, шоти ва зинапоялар таклиф қилинган<sup>2</sup>.

Аёллар қўл меҳнатини самарадорлиги юқори бўлган машина меҳнати билан алмаштириш мақсадида ва албатта, сотилган маҳсулотлардан кўпроқ даромад кўриш учун матбуот орқали тадбиркорлар попоп тикиш машиналари билан халқни таништиришга уринган ва уларни сотиб олишга даъват этган. Хусусан, Андижон, Қўқонда Дюршмидт фирмасида дўппи тикадиган попоп машиналар сотилаётганлигини газеталар маълум қилган<sup>3</sup>. Бу даврга келиб шаҳар аҳолиси кўп янгиликлардан газета орқали хабар топа бошлаган, хусусан, маҳсулотларни сотиш ва харид қилиш ҳамда майший хизмат кўрсатиш тўғрисида хабарларни рекламалар орқали билишган. Рекламалар газеталарда аралаш ҳолда берилган, яъни турли косметик воситалар техника билан битта жойда, шунингдек майший хизмат ҳам биргаликда реклама қилинган. Реклама берувчи одатда телефон рақамини адреси билан биргаликда эълон қилган. Умуман, матбуот сахифаларида тадбиркорлар ўша даврга хос бўлган янги техника ва технология билан аҳолини таништириб, уларни маҳсулотларини сотиб олишга чақирган.

Жамиятга янгиликлар олиб киришда дунёвий илмларни эгаллаш асосий восита эканлигини англаған миллат тараққийпарварлари таълим тизимини ислоҳ қилишни асосий мақсад сифатида белгилади. Ҳақиқатан ҳам жадид матбуотида мазкур масала ҳақида деярли ҳар бир сонида маълумотлар берилиб борилди, фақат “Садои Фарғона” газетасида 100 дан зиёд мақола ва хабарлар нашр этилди. “Садои Фарғона” газетасида эски мактабга борган болалар у ердаги ёмон шароит ва ўқитишининг беусуллигидан узоқ вақт ўқимай қочиб кетишини эътироф этган ҳолда эски мактабларда ўқиган болаларнинг ўндан тўққиз фоизи саводсиз бўлиб қолаётганини қайд этган<sup>4</sup>.

Матбуотда мадрасалар ва мактаблар аҳволини тубдан ўзгартириш тадбирлари ҳам таклиф қилина бошланган эди. Хусусан, “Садои Фарғона” газетасида Ш.Мухторов томонидан ўлка мадрасаларида ўқиш ижтимоий

<sup>1</sup> Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда темир йўллар // Садои Фарғона. - 1914. - №25.

<sup>2</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №1.

<sup>3</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №7.

<sup>4</sup> Дадамирзо кори. Ҳозирги эски ва янги мактабларимиз ҳолидан // Садои Фарғона. - 1914. - №20.

турмуш ва миллий манфаатлардан жуда узоқлашиб кетганлиги ва уларда умуман дунёвий илмлар ўргатилмаслиги туфайли ишни ибтидоий мактабларни ислоҳ қилишдан бошлиш лозимлиги таъкидланган<sup>1</sup>. Аммо, Ш.Мухторовнинг мақолада келтирилган фикрларига газетанинг бошқа сонларида муносабат билдирила бошланади, уларда мадрасалар ислоҳга муҳтожлиги тан олинган ҳолда уни фақат танқид қиласкермасдан, унинг моддий аҳволи ва имкониятларини ўрганийлик, деган фикр билдирилади<sup>2</sup>. Бошқа бир мақолада эса мадрасаларни танқид қилиш баҳонасида уларни бутунлай ерга урмаслик зарур, чунки улардан бошқа олий таҳсил оладиган даргоҳимиз йўқ, деб ёзилади ва мадрасалар ўқув дастуридаги фанларнинг фойдали эканлигига урғу беради<sup>3</sup>. Ш.Мухторов уларга жавобан “улуми қадима”ни ўрганишни инкор этмаслигини, аксинча унинг ўзи ҳам шундай деб ҳисоблайдиганларга қаршилигини таъкидлайди ва фақат асл манбалар ўрнига ҳошиялар ўқитилишини қабул қила олмаслигини эътироф этади<sup>4</sup>. Матбуот саҳифаларида бундай мунозаралар ўлка аҳолиси ўз мактаб ва мадрасалари ислоҳига бефарқ қарамаганлигини кўрсатади.

Жадид матбуотида жадидлар ва қадимларни миллат ривожи йўлида бирлаштиришга даъват этилган<sup>5</sup>, кўплаб мақолалар нашр этилиб, фақат иттифоқликда миллатни илм-маърифатли қилиш мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Ўлкада вужудга кела бошлаган янги усул мактаблари матбуотнинг дикқат марказида турган масалалардан бўлиб, деярли барча газеталарда мазкур масалага оид материаллар учрайди, аммо батафсил маълумот жадид матбуотида ёритилган, чунки жамиятни инқироздан олиб чиқишида энг асосий ўрин тутган илмнинг аҳамиятини тўғри тушунган жадидлар янги усул мактабларини ўзлари ташкил этиб, масалани бутун моҳияти билан ичичидан билардилар.

Туркистон матбуотида мактаблар учун чиқарилган дарсликларга ҳам тақризлар бериб борилган. Жумладан, 1914 йилда “Садои Фарғона” газетасида жадид мактаблари учун чоп этилган китоблар билан таништирилган<sup>6</sup>. Миллий матбуотда ўзбек тилига таржима қилинган асарларга ҳам тақризлар босилган. “Садои Фарғона” газеталарида “Матбуот” ва “Янги асарлар” рукни остида Истамбул, Қозон, Астраханъ ва бошқа жойларда чоп этилган

<sup>1</sup> Мухторов Ш. Ислоҳни нимадан бошларға? // Садои Фарғона. - 1914. - № 1.

<sup>2</sup> А.А. Йдорага мактуб // Садои Фарғона. - 1914. - № 2.

<sup>3</sup> Абдуллабек Мусобек. Ислоҳ ул-ислоҳ // Садои Фарғона. - 1914. - № 3.

<sup>4</sup> Мухторов Ш. Мофи ислоҳ ул-ислоҳ // Садои Фарғона. - 1914. - № 7.

Ҳар бир яхшилик иттифоқда // Садои Фарғона. - 1914. - № 3; Мулло Абдуллабек Мусобек ўғли. Иттифоқ ва иттиҳод // Садои Фарғона. - 1914. - № 33; Бешапка татар. Иттифоқ йўқ // Садои Фарғона. - 1914. - № 43.

<sup>5</sup> Муҳаммад Холиқзода. Шахриёнда тараққий асари // Садои Туркистон. - 1914. - № 22; Раҳбар алифбо // Садои Фарғона. - 1915. - № 105.

даврий матбуотга<sup>1</sup> ва турли асарларга<sup>2</sup> тақризлар бериб борилган ҳамда газета муштарилигига таништириб борилган.

“Садои Фарғона” газетасида ўлка ҳаётидаги янгиликлардан бири бўлган миллий театр томошалари ҳақида мунтазам равишда хабарлар берилиб борган<sup>3</sup>.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, ўлкада матбуотнинг вужудга келиши унинг ахборот манбаи сифатида хизмат қила бошлаганини кўрсатса, шу билан бирга унинг пайдо бўлиши ахборот оқимининг ҳаракати натижаси хисобланади. Матбуот пайдо бўлишининг ўзи жамият ҳаётида янгилик бўлса, унинг сахифаларида жамият муаммоларини кўтариб, уларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатиш ва бу йўлда биринчи навбатда янги илмларни эгаллаш лозимлигини миллий тараққийпарварлар жуда яхши англашетишганлар. Шундай матбуот органларидан бири бўлган “Садои Фарғона” газетаси сахифаларида жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларига дунёдаги янгиликларни олиб кириш масалалари ёритиб борилади ҳамда Фарғона водийси аҳолиси ҳаётидаги янгиликлар ҳақида хабар ва мақолалар чоп этиб борилади.

---

<sup>1</sup> Садои Фарғона. - 1914. - №33, 48, 89, 91, 97; 1915. № 111, 122.

<sup>2</sup> Лугатлар ва таърифлар // Садои Фарғона. - 1914. № 56.

<sup>3</sup> Театр ҳам концерт // Садои Фарғона. - 1914. - № 28; Наманганд мусулмонча театр // Садои Фарғона. - 1914. -№ 37, 41, 50; Муродий А. Наманганд ўзбекча театр // Садои Фарғона. - 1914. - №68; Мусулмонча театр // Садои Фарғона. - 1915. - №100; Театр // Садои Фарғона. - 1915. - №102; Мусоғир. Наманганд мусулмонча театр // Садои Фарғона. - 1915. - № 121.

## KIRGIZ TÜRKLERİNİN HOKAND HANLIĞINDAKİ ROLLERİ

### The Roles of the Kyrgyz Turks in the Khanate of Kokand

*Saadettin Yağmur GÖMEÇ*

*Prof.Dr., Ankara Üniversitesi, Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi*

Bilindiği üzere Temürlülerin ardından Türkistan'da güçlü bir siyasi yapı meydana getirilemediğinden, küçük küçük hanlıklar doğmuş; Kırgız Türkleri de 1700'lerde kurulan Hokand Hanlığının hâkimiyetini gönüllü olarak kabullenmişlerdi. Kısa bir süre sonra çoğunluk durumunda bulundukları Hokand Hanlığının idaresi Kırgız Türklerinin eline geçti. Bilhassa hanlığın askeri gücünü Kırgızlar oluşturmuştu.

Her ne kadar Kırgız ve Kazak Türkleri birlikte karşı durmaya çalışsalar da, Kalmuklar 1741-1742 yıllarında Issık Köl, Fergana ve Taşkent gibi yerleri ele geçirdiklerinde, 3-4 bin çadırlık bir Kırgız grubunun Yenisey havzasından kalkarak İli bölgесine geldiğini görmekteyiz. Bu suretle Tanrı Dağları civarında bir yandan Türkler kuvvetleniyor, bir yandan da Kalmuklar siyasi bir otorite olarak Çin devletinin yerini almaya çalışıyorlardı. Fakat Türkistan Kırgız ve Kazakları kalıcı şekilde bir önderin etrafında toplanma becerisini gösteremediler. Bu yüzden de ciddi şekilde katliamlara uğradılar.

Bununla beraber kaynakların bildirdiğine göre Hokand beylerinden Abdulkerim (1734-1747) ile Nadir Şah'ın arasında bu vakitlerde bir yakınlaşma vukua geldi. Onlara bazı Kazak kabileleri de destek vermişti. Hokand Hanlığı Abdulkerim zamanında gücünü artırdı ve herhalde başkent Hokand da surlarla çevrildiyse de, Abdulkerim'in vefatının peşinden Hokand'da bir kargaşa dönemi yaşandı ve Kırgızlar hanlığın askeri savunmasında etkili bir hale geldiler<sup>1</sup>. Ama Türkistan'da yeni güçlerin ortaya çıkmasını kendi geleceği için tehlikeli gören Çin, 1757'de gönderdiği kuvvetli bir ordu ile önce Kalmukları, sonra da Hokand Hanlığını mağlup etti. Dolayısıyla Çin imparatorluğu bu kez Kırgız Türkleri için büyük bir tehdit haline geldi.

İşte Türkler için böylesine vahim bir zamanda, zaten diğer Türk kabileleriyle arasında sıkı bir bağ bulunmayan Kırgızların Sarı Bağış boyunun beyi Atake toplanan kurultayda; Rusya'nın güçlü bir ülke olduğunu, komşularına karşı kendilerini koruyabileceğini ve onların uzaklığından ötürü Kırgızlara zararlarının dokunmayacağı gibi aptalca bir gerekçe yüzünden Rusya tabiyetine geçme kararı aldı. Ruslar için mesafenin hiçbir önemi yoktu, fakat onlar bundan haberdar

<sup>1</sup> S.Y.Gömeç, Kırgız Türkleri Tarihi, 4. Baskı, Ankara 2014, s.130-131; E.Yoska, "Muhammed Ali Han Dönemi (1822-1842) Hokand Hanlığı-Osmanlı Devleti İlişkileri", History Studies, 3/3, Samsun 2011, s.397; O.Berber, Kalmuk İstilası ve Türk Dünyasına Etkileri, Doktora Tezi, Ankara 2014, s.64.

değillerdi. 1785 tarihinde yola çıkan iki Sarı Bagış elçisi biri II. Katerina'ya, diğerini de Sibir valisine verilmek üzere mektuplar götürmüştelerdi.

Şurasını çok iyi bilmekteyiz ki, Ruslar, Türkistan'ı zapta başlamadan yıllar önce bu bölgeler hakkında malumat topladılar. Onlar bu keşif ve ön hazırlık işini bütün Türk topraklarına yönelik yaptılar. Bu durum bir yana Hokand hanı Muhammed Ömer (1809-1822) ile Buhara emiri Haydar Şah arasında 19. yüzyılın başlarında bir rekabet peydah olmuş, hatta adı geçen hanlıklardan Osmanlı Devletine gelip-giden elçiler vasıtasiyla irtibatlar kurulmuştu<sup>1</sup>. Osmanlı devlet adamları dengeleri bozmamak için bunların iyi geçinmeye çalışmalarını tavsiye etmekten başka birsey yapamadılar. Bunun yanısıra Buhara emiri Haydar Şah gönderdiği elçi vasıtasiyla Osmanlı Devletine tabi olduğunu bildirmiş, bu sebepten Hokand hanı Ömer de, yolladığı bir sefir ile Osmanlı'ya bağlandığını söylemişti. Ancak her iki hanın teklifi de olumlu karşılanmadı. Çünkü bu yıllarda Osmanlı Devletinin işi başından aşkin idi.

Hokand Hanlığının ekonomik açıdan bu dönemde mühim gelişmeler kaydettiğini görmekteyiz. Fakat bu arada Rusya gizliden gizliye Türkistan'ın içlerine doğru ilerliyordu<sup>2</sup>. Çünkü kendisine karşı durması gereken Türkler küçük kabile birlikleri halindeydiler ve kendi aralarında mücadele ediyorlardı.

Ömer Han'ın hastalanarak ölmesi üzerine geçen oğlu Muhammed Ali de (1822-1842) Osmanlı'ya bağlılığını sürdürdü. Tabiki Türk ve İslam dünyasının en büyük devletinin manevi desteğini almak oldukça önemliydi, fakat bu hakikatte pek işe de yaramıyordu. Tahta çıktıgı zaman 14-15 yaşında olduğu söylenen Muhammed Ali (Madali) zamanında Hokand şehri ihtişamının en yüksek seviyesine ulaşmıştı. 1827-1828'lerde Rus çarlığı bazı hediyelerle beraber bir elçisini Muhammed Ali'ye gönderdi. Varılan uzlaşmaya göre Köksu Nehri iki ülke arasında sınır olarak belirlendi.

Muhammed Ali Han'ın en büyük başarılarından birisi Doğu Türkistan Türklerine yardım etmesidir. O, özellikle Çin'in baskularına karşı 1826-1840 arasında Doğu Türkistan'daki Hocalar hâkimiyetine destek verdi<sup>3</sup>. Öyle anlaşılıyor ki, Doğu Türkistan'daki çok önemli bazı merkezlere de sahip oldu.

<sup>1</sup> Belgelerle Osmanlı-Türkistan İlişkileri (XVI.-XX. Yüzyıllar), Ankara 2004, s.13-14; A.T.Hatto, "Köz-Kaman", Central Asiatic Journal, Vol. 15, Wiesbaden 1971, s.84-85; D.Saparaliyev, "XVIII. Yüzyılda Kırgızlar İle Özbeklerin Sosyal ve Siyasi İlişkileri", Aktaran, A.İsakov, Gazi Akademik Bakış, 4/8, Ankara 2011, s.143; T.Omorov, Kırgızların Türkistan Hanlıkları İle İlişkileri (XV.-XIX. YY. Arası), Doktora Tezi, Ankara 2013, s.102-108.

<sup>2</sup> S.Y.Gömeç, "Tarihte ve Günümüzde Kırgızistan", Yeni Forum, 14/289, Ankara 1993, s.36; E.Yoska, a.g.m., s.398; M.Yılmaz, "Emir Haydar Döneminde Osmanlı-Buhara İlişkileri", The Central Asiatic Roots of Ottoman Culture, İstanbul 2014, s.418-426; Hatto, a.g.m., s.84-85; P.B.Golden, Türk Halkları Tarihine Giriş, Çev. O.Karatay, Ankara 2002, s.281; V.Barthold, "Hokand", İslam Ansiklopedisi, C. 5/I, İstanbul 1993, s.553.

<sup>3</sup> C.Chen, "Aksakals in the Region of Eastern Turkistan", Ural-Altaische Jahrbücher, Band 47, Wiesbaden 1975, s.44; Gömeç, a.g.e., s.133; Yoska, a.g.m., s.398; M.B.Çelik, "Hokand Hanlığı", Avrasya'nın Sekiz Asrı Çengizoğulları, İstanbul 2016, s.540-541.

Buna binaen 1832 senesinde Çin imparatorluğu ile bir anlaşma yapıldı ve birtakım ticari imtiyazlar alındı. Söylendiğine göre onun zamanında yetmişbin kadar kişi Doğu Türkistan'dan, Hokand'a gelmiştir.

Nasrullah Han'ın üç kardeşini ortadan kaldırarak, Buhara'nın başına geçtiği sıralarda (1837) Hokand'dan gelen elçi Zahid Hoca, Osmanlı Devletinden ordunun eğitimi için bazı öğretmenler ile eğitim malzemesi rica etmişti. Nasrullah Han ise, Muhammed Ali Han'ın ordusunun bir kısmının Doğu Türkistan ile ülkenin kuzeyinde bulunmasından faydalananarak, harekete geçmiş ve 1842 nisanında Hokand'ı kuşatmış idi.

Muhammed Ali, Nasrullah Han'a sefirler göndererek istediği şartlarda barış imzalamaya hazır olduğunu bildirdi, fakat buna cevap verilmediği gibi, Hokand Hanlığı Nasrullah'tan yediği darbe yüzünden Ruslar karşısında da zayıfladı. Nihayet çeşitli entrikalarla Buhara hanı tarafından Hokand zapt edildikten sonra Muhammed Ali (Madali) ve yakınları ortadan kaldırıldı. Muhammed Ali'nin ardından, Kırgız ve Kıpçaklarca desteklenmek suretiyle tahtta çıkan Şir Ali Han da (1842-1845) iyi bir hükümdar olmasına rağmen, uğradığı bir suikaste kurban gitti. Bu sırada ülkede istikrar kalmamış, Şir Ali'ye yardım eden kabileler bekenti içerisinde girmiş; buna bağlı olarak Kırgız ve Kıpçaklar arasında anlaşmazlıklar vukua gelmiştir.

Onun çocukluğu Çatkal ve Talas Kırgızları arasında geçmiş; annesi Kırgız olduğu gibi, iki eşini de Kırgız Türklerinden seçmişti. Dolayısıyla bu Kırgız kadınları Hokand Hanlığında büyük rol oynadılar. Hatta Şir Ali Hokand hanı olduğunda toplanan kengeşe Kırgız Türklerinin pek çok kabilesi de çağrılmıştı. Bu toplantıda Sarı Bagış boyunun manapı, Kırgızların ulu hanı oldu<sup>1</sup>. Her ne kadar Hokand tahtına önce 1845 senesinde öldürülen Şir Ali'nin büyük oğlu Sarımsak Beg (Abdurrahman) oturtulmak istendi ise de, Kırgız beyleri 1798-1809 yılları arasında Hokand'ı idare eden ve hanlığın gücünü artırmakla birlikte, zalimliğine vurgu yapılan ve bu yüzden de öldürülen Alim Han'ın oğlu Murad'ı saltanat makamına çıkardılar. Ama onun bu iktidarı kısa sürdü. Bu sırada en güçlü konumdaki Kıpçak kabilesinin önderi Müslümankul, Şir Ali'nin yerine diğer oğlu Hudayar Han'ı (1846-1858) başa geçirdi ve onu kendi kız kardeşiyle de evlendirdi.

Bununla beraber Hudayar Han otoriteyi sahalar sağlamaz, Hacı Ruzî Beg'i 1846 kasımında İstanbul'a yollayarak, Osmanlı sultanına bağlılığını ve başına gelen felaketi bildirdi. Osmanlı hükümeti de, İstanbul Özbek Tekkesi şeyhi Elhac Mehmed Efendi'yi Buhara emirini ikaz etmek üzere Buhara'ya gönderdi<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> G.Karadağ, Avrupalı Gezginlerin Seyahatnamelerine Göre 19. Yüzyılda Batı Türkistan Hanlıkları, Yüksek Lisans Tezi, Afyonkarahisar 2006, s.101; Barthold, a.g.m., s.555-556; P.P.Ivanov, Orta Asya Tarihi Üzerine Denemeler, Çev. S.Ünal, İstanbul 2020, s.156; Ölçekçi, a.g.t., s.10-11; Ü.Bulduk, Hokand Hanlığı ve İbret'in Fergana Tarihi, Ankara 2006, s.23; Yoska, a.g.m., s.399; Çelik, a.g.m., s.542-543.

<sup>2</sup> M.Dündar, Pan-İslamizm'den Büyük Asyacılığa, İstanbul 2006, s.30-31, 43-44; Ivanov, a.g.e., s.148-149; Belgelerle Osmanlı-Türkistan..., s.27-28; H.Çapraz, "Çarlık Rusyası'nın Türkistan'da



Ruslar bu sırada Kazak sultانı Kine Sarı'nın isyanını bastırmakla meşguldüler. Türkistan hanlıklarını için durum müsait olduğu halde Türkler maalesef bunu değerlendiremediler. Hatta Rusların yenemediği Kine Sarı, anlaşmazlığa düştüğü iki Kırgız reisinin ani baskını neticesinde öldürdü. Onlar yine kendi elliye kendi sonlarını hazırlıyorlardı. Esasında Kine Sarı'nın ağabeyleriyle, bütün ailesi de Hokandlılar tarafından ortadan kaldırılmıştı.

Fakat Türkler yaklaşmakta olan tehlikeden farkına hâlâ varamadılar. Ne yazık ki, 19. yüzyılın özellikle ikinci yarısında Kırgız kabilelerinin belki de aralarındaki kavgalar yüzünden adeta birbirleriyle yarışıcasaına Rusya'nın hâkimiyetine girmek istediklerini görmekteyiz. Ancak onların Rusya ile birleşmeleri çoğu zaman şahsi çıkar ilişkileri mertebesinde kalıyordu. Ruslar kendi tabiyetlerine geçen Kırgız beylerine külliyetli miktarda hediye veriyorlardı<sup>1</sup>.

Bu arada hanlığın içinde adeta bir ihtilal yaşanmış, Müslümankul ve epey Kıpçak ortadan kaldırılmış, bazı beyler ile Hudayar'ın ağabeyi Malla Beg isyan etmiş idi. Bu durum bir yana Kırgızlar ilk Rus işgali sırasında Kazak Türklerine benzediklerinden dolayı Kazak etnik adıyla isimlendirilmişlerdi. Çünkü onlar Kırgız bölgesine geldiklerinde farklı bir insan tipiyle karşılaşmadılar. Neticede Kazaklar ile Kırgızlar birbirlerini andıran insanlardı. Çünkü Kazak ve Kırgız'ın kim olduğunu bilmeyen insanların onları ayırt etmesi oldukça zordur. Fakat 1855 sıralarında Rus istilası Tanrı Dağlarına ulaşınca, Kırgızların Kazak Türklerinden biraz değişik oldukları anlaşılmış ve Ruslar bu Türk boyuna "Kara Kırgız" adını vermişlerdir<sup>2</sup>. Sonuç itibarıyla taht kavgaları ile Buhara ve Hokand Hanlığının birbirleriyle didişmesi ne yazık ki, daha çok kuzeyden emin adımlarla yürüyen Rusların işine yaradı.

Bütün bunlar yaşanırken 1858'de Hudayar Han'ın kardeşi Malla Beg'in halktan da sağladığı destek ile başa geçtiğini görmekteyiz. Özellikle o Kırgız ve diğer Kıpçak gruplarına dayanmıştı<sup>3</sup>. Bu arada Buhara'ya kaçan Hudayar, tahtını geri alabilmek için Buharalılardan yardım istedi. Bu fırsatı değerlendirmeyi düşünen Buhara hanı 12 bin kişilik bir ordu ile Hokand üzerine yürüdüyse de,

Hâkimiyet Kurması", SDÜ. Fen-Edebiyat Fakültesi Sosyal Bilimler Dergisi, Sayı 24, Isparta 2011, s.60; Çelik, a.g.m., s.544-545.

<sup>1</sup> C.Cakıpbekov, "Kazak-Kırgız Halkları Arasındaki Siyasi-Askerî İlişkiler (XIX. Asır İlk Yarısı)", Aktaran, M.Kalkan, Türkük Bilimi Araştırmaları, Sayı 17, Niğde 2005, s.109; Gömeç, a.g.e., 134-135; İstoriya Kırgızov..., s.134-136; Bulduk, a.g.e., s.24.

<sup>2</sup> M.Bala, "Hokand", İslam Ansiklopedisi, C. 5/I, İstanbul 1993, s.556; S.Y.Gömeç, Türk Cumhuriyetleri ve Toplulukları Tarihi, 4. Baskı, Ankara 2011, s.105-113; Bulduk, a.g.e., s.26; A.Caferoğlu, Türk Kavimleri, Ankara 1983, s.30; Çelik, a.g.m., s.546; M.Saray, Rusya'nın Türk İllerinde Yayılması, İstanbul 1975, s.200-202; M.Saray, "Hokand Hanlığı 1700-1876", Tarihte Türk Devletleri, C. II, Ankara 1987, s.612-614; Y.Çavuşoğlu, "Osmanlı Devletinin Orta Asya Hanlıkları ile Münasebetleri", Tanıtım, 8/91-92, İstanbul 1987, s.36.

<sup>3</sup> B.U.Urstanbekov-T.K.Çoroyev, Kırgız Tarihi, Frunze 1990, s.111; Gömeç, Kırgız Türkleri..., s.136-137; Ölçekçi, a.g.t., s.11; Bulduk, a.g.e., s.29; A.İsakov, Doğu Türkistan Tarihinde Kırgızların Tesirleri (1700-1878), Yüksek Lisans Tezi, Bursa 2007, s.107-108.



Hokand'ın başarılı komutanları Kanat Şah ile Kırgız Alim Kul'un karşısında varlık gösteremedi. Malla Beg iç huzuru sağlayıp, kuzeyde savunma tedbirleri aldıysa da, neticede bir suikaste kurban gitti. Bu sırada Alim Kul, Malla Beg'in katilleriyle uğraştığından, ülkenin savunmasız kaldığını gören Buhara emiri Muzaffereddin, Taşkent'i ele geçirdikten sonra, Hokand'a girdi ve Hudayar'ı tekrar han ilan etti. Fakat Hudayar'ın bu sultanatı da uzun sürmedi. Halkın desteğini sağlayan Alim Kul, 1863'te onu devirerek, önce Madali'nin (Muhammed Ali) oğlu olduğu söylenen Şir Muhammed'i, sonra da Malla Han'ın onbeş yaşındaki oğlu Seyyid Sultan'ı (Muhammed Sultan) tahtta çıkarmıştı<sup>1</sup>. Ama bir süre sonra Alim Kul Hokand'ın yönetimini kendi eline aldı.

Görüleceği üzere bu yıllarda sadece Hokand sahası değil ne yazık ki, bütün Türkistan entirikalarla çalkanmaktaydı. Bu arada Rus-Çin hududunda keşif yapmak bahanesiyle Ruslar, 1 Mayıs 1864 tarihinde Hokand'a ait Türkistan ve Evliya-ata kasabalarına iki sefer düzenlediler. Rusların ilerlemesi bütün çabalara rağmen durdurulamadı. Ruslarla anlaşmak da mümkün olmadı. 1864'te Rus orduları Çimkent üzerine yürüdüğüne, Hokand kuvvetlerinin başında bulunan Alim Kul Rusları yenmiş, ancak Buhara emirinin Hokand'a doğru harekete geçtiğini duyuncu, başkenti müdafaya gitmek zorunda kalmıştı. Hokand hanı bu güç durumdan kurtulmak gayesiyle Osmanlı Devletinden yardım istedi. Ancak Osmanlı içine düştüğü zor şartlar yüzünden yine destek gönderemedi. Ruslar onların bu kötü vaziyetini değerlendирerek, 22 Eylül 1864'te Çimkent'i işgal ettiler<sup>2</sup>. Görüleceği üzere Türklerin arasındaki rezalet diz boyu idi. Halbuki Buhara ve Hokand kuvvetleri birlik olup, Ruslara karşı dursalardı, bu ilerlemenin önü kolay olmasa da, alınabilirdi.

Neticede Rus Dışişleri Bakanlığı ileri harekatın sürmesini istedi. 1865'te Orenburg Valiliğine gönderilen emirle, Türkistan istikametinde yürütülmesi kararlaştırıldı. Rusların Taşkent'e doğru geldiğini duyan Alim Kul, Buhara kuvvetleriyle mücadeleyi bırakarak Taşkent'e yöneldi. Ancak üstün savaş araç ve gereçleriyle donatılmış olan Rus ordusu karşısında bir varlık gösteremedi. O vücutuna isabet eden bir kurşunla yaralandı ve 23 Mayıs 1865 tarihinde şehit oldu. Bu sırada Hokand'ta da bir iç karışıklık yaşandı. Bazı Kırgız-Kıpçaklar Ming kabilesinden Hudaykul'u han seçtilerse de, Buhara emiri ile Hudayar'ın üzerlerine yürüdüklerini görünce dağıldılar. Neticede dört taraftan sarılan Taşkent

<sup>1</sup> Anlatılan rivayetlere göre Alim Kul topladığı mecliste "han olarak kimi görmek istersiniz diye sorar", bazı ileri gelenler de "sizi" deyince, o; "ben memlekete hizmet istiyorum, han olmak değil" cevabını verir. Bunun üzerine yapılan tartışmalar sonucu Malla Han'ın oğlu Seyyid Sultan'da karar kılınır ve o beyaz bir keçenin üstüne oturtularak han yapılır. Bakınız, K.Moldokasimov, "XIX. Yüzyıl Kırgız Tarihcisinin El Yazması Türkiye'de Korunmuştur", I. Uluslararası Geçmişten Günümüze Kırgız-Türk İlişkileri Sempozyumu Bildirileri, Bursa 2017, s.265.

<sup>2</sup> Mehmed Atif, Kaşgar Tarihi, Haz. İ.Aka-V.Günay-C.Telci, Kırıkkale 1998, s.271-272; Çavuşoğlu, a.g.m., s. 36; Gömeç, a.g.m., s.37; Belgelerle Osmanlı-Türkistan..., s.51-52; Urstanbekov-Çoroyev, a.g.e., s.15; Ölçekçi, a.g.t., s.12; Bulduk, a.g.e., s.26-28; Çapraz, a.g.m., s.61; Çelik, a.g.m., s.548-549.

uzun müddet savunmadan sonra düştü. Taşkentlilerin önemli bir kısmı öldürülerek suretiyle cezalandırıldılar. Bu arada Buhara emiri Muzaffereddin Ora Tepe, Hocent ve başkent Hokand'ı ele geçirdi. Bu yaşananlardan biraz önce 1865 nisanında Hokand elçisi Seyyid Yakub Han Töre, Rusların Türkistan üzerindeki emellerini ve Buhara hanının tutumunu anlatmak üzere İstanbul'a gelmişti. Bir başka elçi de Hindistan'daki İngiliz Valiliğine gönderildi<sup>1</sup>. Kırgız Türklerinin desteği içinde devam eden Hokand Hanlığı ne Osmanlı Devletinden, ne de İngiltere'den ciddi yardım görmedi.

Rusların bu kötü idaresine ilk baş kaldırılanlardan biri Kırgız Türkleri olmuştur<sup>2</sup>. Artık vergi ödemekten ve onur kırıcı muameleden bıkan Kırgızlar, hanın asker ve memurlarına karşı çıkışınca bir isyan başladı. Bu nümayişler, hanın gönderdiği adamlar tarafından bastırıldı. Ayaklanmanın önderlerinden olan Mamir Mergen dağlara kaçarak, gizlendiye de Rusların girişimiyle daha sonra yakalandı.

Aynı zamanda 1873-1875 yılları arasında Hokand iktidar mücadelelerine maruz kaldı. Muhalifler Hudayar'ın kardeşi Sultan Murad'ı başa geçirdiler. Hudayar da yerini oğlu Seyyid Muhammed Nasreddin'e bırakıp kaçtı. Bu sırada Rusya'nın Türkistan Genel Valisi Kaufmann, Rus birliklerine Hokand üzerine yürüme emrini verdi. Hokand gönüllülerine kumanda eden ve Alim Kul'un oğlu Polat'ı han atayan Müslümankul'un evladı Abdurrahman Atçabaşı ile Kaufmann arasında 22 Ağustos 1875'te Mahram Kala'da yapılan muharebede, Türkler şiddetli bir direnişte bulundular. Rus kuvvetleri artırılarak tekrar geldiler. Margalan şehrine saldırdılar. Savaş günlerce sürdü ve 22 Eylül 1875 tarihinde Ruslar, Hokand hanı Nasreddin'e bir andlaşma dikte ettirdiler. Ağır bir harp tazminatı ödemeye mahkum oldular<sup>3</sup>. Bu sözleşmeye göre, Namangan dahil olmak üzere Sır Derya'dan Narın Irmağına kadar olan bölgeler Rusya'ya bırakıldı. Fakat Petersburg'dan emir alan Rus subayları andlaşmanın tatbikine fırsat vermeden Namangan'a girdiler. Bunun üzerine Hokand kuvvetleri de Andican'da Ruslara karşı yürüdüyse de başarılı olamadılar. Bu durum bir iç kargaşa doğurdu. Türkler düzenli birliklere ve yeterli teknik donanıma sahip bulunmamaları yüzünden iyi savaşamıyorlardı. Atçabaşı ile Polat Han Asaka'da, Ruslarla yapılan harpte yenildiler. Polat Han yaralı olarak, maalesef birtakım Kırgızlar sayesinde ele geçirildi ve bir süre sonra Margalan'da idam edildi.

<sup>1</sup> M.Bala, "Buhara", İslam Ansiklopedisi, C. 2, İstanbul 1993, s.769; M.Saray, "Buhara (Özbek) Hanlığı", Tarihte Türk Devletleri, C. I, Ankara 1987, s.598-599; Bulduk, a.g.e., s.31; M.Yüce, "Kırgız Türklerinin Ulusal Kimlik Politikası", Akademik Bakış, Sayı 9, Celalabat 2006, s.3; Çelik, a.g.m., s.551; Karadağ, a.g.t., s.103.

<sup>2</sup> Bu arada arşiv belgelerinden anlıyoruz ki, Osmanlı Devleti Hokand'a birtakım askeri elbiseler ve tüfek de yollamıştı (bakınız, Belgelerle Osmanlı-Türkistan..., s.53). Ama hiçbir şey Rus işgalini önleyemedi.

<sup>3</sup> B.T.Somuncuoğlu, Türkistan'da Eğitim (1865-1917) ve Çarlık Rusyası'nın Sosyo Politik Açıdan Eğitime Yaklaşımı, Doktora Tezi, Ankara 2006, s.16-17; Bala, "Hokand", s.557; Bulduk, a.g.e., s.33-34; M.E.Yazı, Çarlık Döneminde Kırgızlar (1852-1917), Doktora Tezi, Elazığ 2007, s.30; Çelik, a.g.m., s.552-553.

Atçabaşı da ailesiyle beraber Sibiry'a sürüldü. Polat Han'ın mağlubiyetinde de ne yazık ki, Ruslarla iş birliği yapan Kırgız beylerinin rolünü unutmamak gereklidir ki, bu hain beyler Ruslara yaptıkları yardımlar karşılığında altın madalyalarla ödüllendiriliyorlardı.

Nihayet 1876 yılının başlarında Hokand tamamen Rusların eline geçti ve 17 Şubat 1876'da çar, Hokand Hanlığının "Fergana Bölgesi" adı altında Türkistan Genel Valiliğine bağlandığını haber verdi<sup>1</sup>. Ancak Kırgız Türklerinin mücadeleleri bu senenin ağustos ayının sonlarına kadar sürdü. Bu sırada Kırgızların arasında akıllı ve gerçek bir ana gibi hareket eden bir kadının sıvıldığını görüyoruz. Alim Kul'un (Alimbek) karısı olan bu hanım, Altay bölgesi Kırgızlarını da yanına alarak direnişe başlamıştı. Bunun üzerine Ruslar General Skobelev komutasında yürüyüse geçtiler ve Kurbancan (Kurmancan) ile oğlunu yakaladılar. Neticede Kırgız hatun Kurbancan (Kurmancan) Datka<sup>2</sup> ve oğullarının karşı duruşu da sona erdirildi.

Sonuç olarak biz bu yazıda hem Hokand Hanlığının askeri varlığını meydana getiren Kırgızlar hakkında bilgi verirken, hem de Hokand'ın Ruslar tarafından zaptı meselesini kısaca ele almaya çalıştık.

#### KAYNAKLAR:

- Arat, R.R., "Kırgızistan", İslam Ansiklopedisi, C. 6, İstanbul 1993  
Bala, M., "Buhara", İslam Ansiklopedisi, C. 2, İstanbul 1993  
Bala, M., "Hokand", İslam Ansiklopedisi, C. 5/I, İstanbul 1993  
Barthold, V., "Hokand", İslam Ansiklopedisi, C. 5/I, İstanbul 1993  
Belgelerle Osmanlı-Türkistan İlişkileri (XVI.-XX. Yüzyıllar), Ankara 2004  
Berber, O., Kalmuk İstilası ve Türk Dünyasına Etkileri, Doktora Tezi, Ankara 2014  
Buldu, Ü., Hokand Hanlığı ve İbret'in Fergana Tarihi, Ankara 2006  
Caferoğlu, A., Türk Kavimleri, Ankara 1983  
Cakıpbekov, C., "Kazak-Kırgız Halkları Arasındaki Siyasi-Askerî İlişkiler (XIX. Asırın İlk Yarısı)", Aktaran, M.Kalkan, Türklük Bilimi Araştırmaları, Sayı 17, Niğde 2005  
Chen, C., "Aksakals in the Region of Eastern Turkistan", Ural-Altaische Jahrbücher, Band 47, Wiesbaden 1975

<sup>1</sup> R.R.Arat, "Kırgızistan", İslam Ansiklopedisi, C. 6, İstanbul 1993, s.739; İstoriya Kırgızov..., s.141-142; M.Saray, Kırgız Türkleri Tarihi, İstanbul 1993, s.30-48; İ.Kafesoğlu, "Ondördüncü Yüzyıldan Sonra Orta Asya'da Kurulmuş Türk Devletleri", Türk Dünyası El Kitabı, C. 1, 2. Baskı, Ankara 1992, s.451-454; Buldu, a.g.e., s.35.

<sup>2</sup> Datka unvanını umumiyetle Güney Kırgız yöneticilerinin kullandığı ve manapa yakın bir anlamı olduğu söylenir. Bakınız, B.İsakov, XVIII. Ve XIX. Yüzyıllarda Kırgızların Sosyal ve Ekonomik Tarihi, Bişkek 2009, s.35; N.Köse, "Kırgız Tarihinde Bir Kadın General: Kurmancan Datka", Milli Folklor, 7/54, Ankara 2002, s.55-60; S.Koç, "Kırgız Yazar Tölögön Kasimbek'in Romanlarında Halk Kültürünün Yansımaları", Hacı Bektaş Veli Araştırma Dergisi, Sayı 21, Ankara 2002, s.197-201.

- Çapraz, H., “Çarlık Rusyası’nın Türkistan’daki Hâkimiyet Kurması”, SDÜ. Fen-Edebiyat Fakültesi Sosyal Bilimler Dergisi, Sayı 24, Isparta 2011
- Çavuşoğlu, Y., “Osmanlı Devletinin Orta Asya Hanlıklar ile Münasebetleri”, Tanıtım, 8/91-92, İstanbul 1987
- Çelik, M.B., “Hokand Hanlığı”, Avrasya’nın Sekiz Asrı Çengizogulları, İstanbul 2016
- Dündar, M., Pan-İslamizm’den Büyük Asyacılığa, İstanbul 2006
- Golden, P.B., Türk Halkları Tarihine Giriş, Cev. O.Karatay, Ankara 2002
- Gömeç, S.Y., “Tarihte ve Günümüzde Kırgızistan”, Yeni Forum, 14/289, Ankara 1993
- Gömeç, S.Y., Türk Cumhuriyetleri ve Toplulukları Tarihi, 4. Baskı, Ankara 2011
- Gömeç, S.Y., Kırgız Türkleri Tarihi, 4. Baskı, Ankara 2014
- Hatto, A.T., “Köz-Kaman”, Central Asiatic Journal, Vol. 15, Wiesbaden 1971
- Istoriya Kırgızov i Kırgızstana, Bişkek 1998
- Ivanov, P.P., Orta Asya Tarihi Üzerine Denemeler, Cev. S.Ünal, İstanbul 2020
- İsakov, A., Doğu Türkistan Tarihinde Kırgızların Tesirleri (1700-1878), Yüksek Lisans Tezi, Bursa 2007
- İsakov, B., XVIII. Ve XIX. Yüzyıllarda Kırgızların Sosyal ve Ekonomik Tarihi, Bişkek 2009
- Kafesoğlu, İ., “Ondördüncü Yüzyıldan Sonra Orta Asya’da Kurulmuş Türk Devletleri”, Türk Dünyası El Kitabı, C. 1, 2. Baskı, Ankara 1992
- Karadağ, G., Avrupalı Gezginlerin Seyahatnamelerine Göre 19. Yüzyılda Batı Türkistan Hanlıklar, Yüksek Lisans Tezi, Afyonkarahisar 2006
- Koç, S., “Kırgız Yazar Tölögön Kasimbek’in Romanlarında Halk Kültürüne Yansımaları”, Hacı Bektaş Veli Araştırma Dergisi, Sayı 21, Ankara 2002
- Köse, N., “Kırgız Tarihinde Bir Kadın General: Kurmancan Datka”, Milli Folklor, 7/54, Ankara 2002
- Mehmed Atıf, Kaşgar Tarihi, Haz. İ.Aka-V.Günay-C.Telci, Kırıkkale 1998
- Moldokasimov, K., “XIX. Yüzyıl Kırgız Tarihçisinin El Yazması Türkiye’de Korunmuştur”, I. Uluslararası Geçmişten Günümüze Kırgız-Türk İlişkileri Sempozyumu Bildirileri, Bursa 2017
- Omorov, T., Kırgızların Türkistan Hanlıkları İle İlişkileri (XV.-XIX. YY. Arası), Doktora Tezi, Ankara 2013
- Ölçekçi, T., Kırgızların I. Ve II. Dünya Savaşları Arasında Sosyo-Kültürel Durumları, Doktora Tezi, Ankara 2004
- Saparaliyev, D., “XVIII. Yüzyılda Kırgızlar İle Özbeklerin Sosyal ve Siyasi İlişkileri”, Aktaran, A.İsakov, Gazi Akademik Bakış, 4/8, Ankara 2011
- Saray, M., Rusya’nın Türk İlerinde Yayılması, İstanbul 1975
- Saray, M., “Buhara (Özbek) Hanlığı”, Tarihte Türk Devletleri, C. I, Ankara 1987

- Saray, M., "Hokand Hanlığı 1700-1876", *Tarihte Türk Devletleri*, C. II, Ankara 1987
- Saray, M., *Kırgız Türkleri Tarihi*, İstanbul 1993
- Somuncuoğlu, B.T., *Türkistan'da Eğitim (1865-1917) ve Çarlık Rusyası'nın Sosyo Politik Açıdan Eğitime Yaklaşımı*, Doktora Tezi, Ankara 2006
- Urstanbekov, B.U-Çoroyev, T.K., *Kırgız Tarihi*, Frunze 1990
- Yazıcı, M.E., *Çarlık Döneminde Kırgızlar (1852-1917)*, Doktora Tezi, Elazığ 2007
- Yılmaz, M., "Emir Haydar Döneminde Osmanlı-Buhara İlişkileri", *The Central Asiatic Roots of Ottoman Culture*, İstanbul 2014
- Yoska, E., "Muhammed Ali Han Dönemi (1822–1842) Hokand Hanlığı-Osmanlı Devleti İlişkileri", *History Studies*, 3/3, Samsun 2011
1. Yüce, M., "Kırgız Türklerinin Ulusal Kimlik Politikası", *Akademik Bakış*, Sayı 9, Celalabat 2006.

## “ИШЧИЛАР ДУНЁСИ” ЖУРНАЛИ ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА

*Ирзаев Баҳром*

*Тарих фанлари доктори, Қатагон қурбонлари  
хотираси давлат музейи*

Миллий тарихимизнинг жиддий тадқиққа муҳтоҷ саҳифаларидан бири, бу шубҳасиз, Туркистон Мухторияти масаласидир. Ўтган давр мобайнида бу борада қатор илмий мақолалар, китоблар, ҳатто диссертациялар ёзилган. Бироқ, мазкур даврнинг ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётини тушунтириш тарихчидан воқеликни холис ёритишда кенг кўламли манбаларни қиёсий таҳлил этишини тақозо этади. Бу ўринда матбуот, айниқса, миллий матбуот саҳифаларида чоп этилган материаллар жуда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи. Уларда Туркистонда кечган жараёнларга маҳаллий аҳолининг муносабати, уларнинг мақсад ва интилишлари, ҳалқнинг иқтисодий аҳволи, сиёсий маданияти даражаси ҳамда жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий зиддиятлар борича акс эттирилгани билан янада аҳамиятлидир. Тегишли даврга оид асосий маҳаллий матбуот манбалари Тошкентда татар тараққийпарварлари томонидан мунтазам чиқариб турилган “Улуғ Туркистон”, Самарқандда нашр этилган “Хуррият” ва Кўқонда босилган Туркистон Мухториятининг нашри афкори “Эл байроғи” газеталари. Мазкур газеталар саҳифаларида нашр этилган хабар ва мақолалар тадқиқотчилар томонидан бир қадар ўрганилган ҳам. Мазкур мақолада “Тошкент мусулмон ишчилар шўроси” томонидан чоп этилган “Ишчилар дунёси” журнали ҳақида хабар бермоқчимиз. Ўн беш кунда бир чиқадиган миллий ва сиёсий, иқтисодий, тарихий, илмий, ижтимоий журналнинг 1-сони 1918 йил 4 январь куни Тошкентдаги “нашр иши ишчилари Иттифоқи” босмахонасида босилган. Ҳисом Жалолий муҳаррирлигига иш бошлаган “Ишчилар дунёси” журналининг шиори “Яшасин Туркистон мухторияти” эди. Бу эса журналнинг Тошкент тараққийпарварлари томонидан Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилганлигини англатади. Журналнинг шу сони сўнгида таҳририят журналхонларга “мазкур бизнинг журнал 17 декабрга чиқарарға тўғрилаб, 12 декабрь куни “Шўрои исломия” босмахонасига берилган эди. 13 декабрда бўлган воқеа ва фожиа сабаблик босмахона ёпилиб қолди. Шунинг учун ушбу кун 4 январга кўчди” деб хабар беради.

Журналнинг “Муқаддима”, “Мақсад ва маслак” рукнлари Мулло Фозий томонидан ёзилган. Шундан сўнг журнал асосий мақсадига кўчиб, “Туркистонда мухториятнинг эълон қилинуви” номли мақолага ўрин беради. Унда “Октябрь охиринда Тошкентда катта сўғии бўлиб, кўп қонлар тўқилганидан сўнг Ҳўқанд шаҳрида 25 ноябрь куни Туркистон вилоятининг

мусулмонлари съезди ясалди. Мазкур съездга 10 млн нуфуслик Туркистаннинг мусулмон халқининг тегишилик ишларига қарор берувга қодир ҳуқуқлик бўлди. Шул сабаблик бутун Туркистон халқи мазкур съездда бўлган қарорларнинг ҳаммасига рози бўлишга тевишилик (мажбурий) бўларлар. Туркистон халқининг 98% турк халқлари, яъни мусулмонлар бўлгани учун ҳар бир съезд мажлислирида бўлган қарорларда булар аксариятни ташкил қилгани сабаблик, Туркистонда яшайдиган бошқа миллатларнинг ҳуқуқлари нуфсларига мутаносиб бўлгани сабаблик, бу съездда чиқарилган қарорларни қабул қилишга мажбур бўлурлар” [1] дейилади. Албатта, бу вақтга келиб бутун Туркистон аҳли Мухториятнинг эълон қилинганидан хабардор эди. Бироқ, журналнинг воқеликларни қайта эслashiдан мақсади большевикларнинг кейинги вақтларда Туркистон Мухториятининг ноқонуний тузилганини ҳақида олиб бораётган тарғиботларини йўққа чиқариш, унинг Туркистон халқининг ион ихтиёри билан ташкил этилганлигини, қонуний эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишдан иборат эди. Мақолада “Кўп унгойсизликлар олдинда турса ҳам бунга қарамай съезд ўз вазифа ва ишларини тамом адo этарга муваффақ бўлдилар. Съезднинг иккинчи куни 27 ноябрда Туркистонда келажакда бўладирган идора масаласи қўзғолиб, бу масала музокарага қўйилиб, тунда соат 12:00 да бир оғиздан қабул қилиниб Мухторият эълон қилинди” дейилади. Демак, Кўқон шаҳрида ҳам ҳудудлардан келган вакиллар большевиклар томонидан жиддий қаршиликка учраганлар. “Съезднинг иккинчи кунида, яъни 27 ноября Туркистаннинг бутун 10 млн нуфуслик мусулмонлари эълон қилинган мухториятни фаолиятга чиқарув учун онт ичиб 54 кишидан иборат вақтинча аъзо сайланиб Халқ Шўроси ясалди. Бу, ҳам вақтинча 12 кишидан иборат Туркистон ҳукумати ташкил этилди. Мазкур сайланган 12 идора ҳайъат аъзоларини ҳар вақтда муҳофазат қилмоқ учун ваъдалар беруб ишонтирдилар. Мазкур иши юргизадирган ҳайъат аъзосига яқинда Туркистонда бўладирган учридительний собранияга (таъсис маслиси) чақирувни ўз вазифаси деб билдилар” [2] дейди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Туркистон жадид тараққийпарварлари дастлаб большевикларнинг ҳокимиятни осонлик билан кўлга киритишларига ишонмаганлар. Улар таъсис мажлисига қадар Туркистон Мухториятини мувакқат ҳукумат сифатида шакллантириб, ўлқадаги барча сиёсий фаол кучларни унинг атрофида ягона фронтга бирлаштироқчи эдилар. Бироқ, кутилган иш содир бўлмади. Натижада большевиклар қурол кучи ва сиёсий фитналарни қўллаш орқали маҳаллий аҳоли ўртасида ички зиддиятларни авж олдирдилар.

Журналда босилган Туркистон мухторияти ҳукуматининг Туркистон халқига хитобида: “Пайгамбар ҳазрат Муҳаммад алайҳи саломнинг тугилган ҳам вафот бўлган куни муносабати ила Тошкентда ясалган шодлиқ ва тинч мухторият намойиши вақтида гоят таассуфлик воқеалар бўлиб, одам қони тўқилган, ўлган ҳам яралангандар бўлган экан. Туркистон мусулмон-

ларининг муқаддас ҳаётларини таҳқир қилган бу воқеаларга қарши биз Туркистон ҳукуматининг миллат мажслиси ила мубаққат ҳукумати аъзолари қалбларимизнинг энг теран ериндан қаттиғ таассуф қилганимизни билдирамиз” [3] дейилади. “Улугъ Туркистон” газетасидан олиб босилган “Сиёсий аҳвол” номли мақолада “Ҳукумат большевиклар қўлина келуви ила бир қисм халқ сулҳ бўлар деб кутган эди. Лекин, большевикларнинг иш бошина келувларина икки ойга яқин вақт бўлиб қолса-да номида сулҳ нишонда йўқ ва қачон бўлиши-да маълум эмас... “Большевизм” мазҳаби бошлиқлариндан Ленин ва Троцкий деган зодлар иш бошига келгач, солдат ва иичилар ҳокимияти тузиб шўроларнинг қурол кучи ила Россияда “социализм” асосини майдонга қўюв хаёлина тушдилар... дейилади. Шунингдек, большевиклар нафақат Марказий Россияда, балки, чекка ўлка ҳисобланган Туркистонда ҳам барча масалани қурол кучи билан ўзи истаганидек амалга оширишга интилаётганлиги ёзилади. Халқни яқинлашаётган жиддий хавфга қарши тезроқ бирлашишга чақириб, “Бизнинг ҳеч вақт қочирмасдан бутун Туркистон жамоат ҳодимлари ушибу Мухторият ҳузурига йигилиб, ишларни йўлга солурга ва шулоj этиб, ўз муқадротимизни (тақдиримизни) ўзимиз ҳал қила бошларга вақт етди...” [4] деган хуносага келади. Журналнинг 2-сонидаги мухим мақолалардан бири “Туркистон учун хўрлик” деб номланади. У “Тошкент масжиди жомеъинда 5 январь, жума куни “Уламо жамияти” тарафидан катта йигин бўлиб, Умумтуркистон учун зўр кўнгилсиз воқеа бўлиб ўтди. Тарихда Туркистон учун бир қаро саҳифа очилди” деб бошланади. Муаллиф бўлган воқеага имкон қадар холис баҳо беришга интилади ва уламоларнинг масжидда Туркистон Мухториятига нисбатан билдирган ишончсизлигини қоралайди. У “Кечагина масжиди жомеъда қарийиб 200 минг киши бир оғиздан аҳд қилиб, такбир айтиб, йиғлашиб Xўқанддаги мубаққат ҳукуматга байъат қилиб, керак бўлса жонимиз, молимиз, қонимиз билан ёрдам қилмоқча ваъда қилиб тарқалиб эдик... Маъ ал таассуф ўртада ҳеч нима фурсат ўтмасидан мубаққат ҳукумат озми кўпми ишилаб турганида бир тўда мухторият душманлари масжиди жомеъда маъvizалар ўртасинда Мухторият хусусинда сўз қўзготиб, содда халқнинг кўзига бир дона тухумни 70 хил қилиб бўяб кўрсата бошлади. Мубаққат ҳукумат бизга керак (эмас) деган мазмунда сўзлаб, Xўқанддаги ҳукумат керак эмас деганлар қўл кўтарсин, деб бир неча соддадил қора халқни қўл кўтартириб олдилар... Мунинг учун ҳеч вақт онгсиз халқни айбламаймиз. Фақат бизни йўлбошчимиз бўлиб турган уламоларимизга ўпкалаймиз. Оҳ, ... бу қандай хўрлик! Қандай уятсизлиқ!... [5] деб фикрини якунлайди. Шундан сўнг журнал ўз ўкувчи-ларига “Хўқандда биринчи мусулмон ишчи, дехқон ва солдатларни фавқулодда курултойи” ҳақида хабар бериб, “Курултой 1917 йил 26 декабрь куни Шўрои исломия идорасида иш бошлади. Мандатний комиссия тарафидан қурултойга 184 вакил келганлиги маълум бўлди. Мазкур ададни

иchinдан Сирдарёдаги қозоқлар жамиятидан 5 киши, Самарқанд вилоятидаги ииши ва солдатлар шўросидан Панамарёв, большевик Окувренколар, Закаспий област туркманларидан вакиллар бор эди... Мандатний комиссиянинг тарафидан президиумга Асфандиёров, Килиблаев, Юсуфов, Авлоний, Дадабоев, Удалоев, Мансуров, Аъузуф (Авазов), Мурсалзода, Фаномаруф (Панамарёв)лар сайландилар... 1916 йилда бизни империалистлар тарафиндан бошланган қонли урушига қарши турғонимиз учун чор ҳукумати аскар юбориб отдириди, қирди, аллане қадар қон оқизди. Энди сиз рус демократлари бизга шул тўкилган қонларни унутарга ихтиёр берингиз. Токи, биз мусулмон пролетариати, рус демократияси тарафидан олинган шиор (лозунг) ила халқ Комиссарлари тарафиндан Шарқнинг улушисиз қолдирилган фуқаросина хитоб қилиниб чиқорилган декретларингнинг ростлигига ишонайлик! [6] деб ўтинади.

Журнал саҳифасидан ўрин берилган хабарлар ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Жумладан, “Иккинчи Қарор”деб номланган хабарда: Умуммусломнлар тарафиндан ўюштирилган ва кейинроқ мусулмон рабочий ва солдатлари тарафидан тўлдирилган съездидори ишининг Халқ комиссарлар совети қўлиндан дарҳол Туркистон мухторияти ҳукуматига ва халқ шўросини топширилурга төюшлигина тилак баён этадир) ҳам ушибу съезд мухториятлик Туркистонда демократиянинг ҳамма синфлари тарафидан чиқорилгон бўлиб Туркистондаги бутун пролетариятнинг фикрин билдирувга қодир бўлганлигидан 18 январда халқ комиссарлари тарафидан чақирилажак солдат, рабочий, крестьян, қирғиз ва мусулмон депутатлари советларининг съездин ортиқ иши деб ҳисоблайди [7] дейилган.

Журналнинг кейинги хабари “Ишчилар съездининг телегроми” деб номланди. У съезднинг раиси Юсуфуф томонидан “Хўқанд. 1918 йил 27 декабрь” санаси билан тасдиқланган ва “Хўқанддаги мусулмон рабочи ҳам солдатлари съездидори тарафидан Украина, Башқирдистон, Волгабўйи мусулмонлари, Крим, Финландия, Кавказ, Сибирия, Лотии, Белоруссия ҳам “Алаш ўрдаси” мухторияларина ушибу мазмунда телегромлар юборилган: мусулмон рабочий, солдат ҳам крестьянларнинг 1-фавқулодда съездидори мундан аввалги умум Туркистон мусулмонларининг съездидори тарафидан эълон этилган қимматли Туркистон Мухториятига қувват беруб, ўз тақдирларин ўзлари ҳал қилувчиларга ҳам шунга имтилувчиларга самимий табрик юборадир...” [8] дейилади.

Журналнинг бу сонидан босилган ўта муҳим хабарлардан яна бири Кастрома шаҳридаги асир турк зобитларининг Туркистон Муториятини табриклаб ёзган хатидир. Унда қардош турк зобитлари Туркистон халқини Мухторият ҳукумати атрофида бирлашишга чақиради ва хатни “... Тутилон ишида муваффақият, отилон одимда музafferият дуосин эдарақ, очдигинг мажлиси, эълон этдигинг мухторияти табрик эдиёруз. Истиқболинг порлоқ ўлсун. Истиқболинг яқин ўлсун! [9] деб якунлайдилар.



Журналда нашр этилган “Тошкентдаги мусулмон ташкилотлари қарори” деб номланган хабарда 1918 йил 30 декабрда Тошкентдаги “Фуқаҳо жамияти”нинг Мулло Сайфуддинхон Аълам раислигига ўтказган мажлиси ва унинг қарорини келтиради. Унда: “1. Чор ҳукуматининг замонинда Туркистон крайина (ўлка) жорий бўлган положения(низом)сини бус-бутун бекор ва лугу (асоссиз) этиб, маҳас шариат ҳукмларини мукаммал суратда ижро этилар.

2. Аҳли ислом ила овруполилар орасиндаги 7 моддадан иборат бўлган, чунончи, қўл кесув, қасос олов, дарра урув, тошибўрон қилув ва бунга ўхшиаш жисмоний жазоларнинг бадални ижро қилувга аҳли мажлис маъ ал мамнуният розилигин изҳор этар.

5. Николай замонида қозиларга берилган изнинги бутунлай йўқ бўлувини, печатни ҳозирда керак бўлув эҳтимоли борлигидан муваққат ўларак печат тани турувани лозим топилди. Ушибу қарорни Хўқанддаги муваққат ҳукуматидан тасдиқ ва қабул эдилиор...” [10] дейилган. Бу эса уламоларнинг энг илғор қисмининг ўлкада фақат Туркистон мухторияти ҳукуматини тан олишини англатар эди.

Журналнинг навбатдаги З-сони 1918 йил 1 февраль санаси билан чоп этилди. Бу сонда ҳам тарих фани учун ўта муҳим бўлган хабар ва материалларга кенг ўрин берилди. Жумладан, “Мусулмон меҳнаткашларининг биринчи крайовой съезди” ҳақидаги аҳборотда қуидагиларни ўқиймиз “...Хўқандда чиқадирган “Эл байроби газетасида муҳтарам Бўлод афанди Хўқандда бўлган мусулмон ииҷи ва солдатларининг биринчи қурутойин ёзид биз ииҷиларга налар лозим ва нималар қилмоқ кераклиги хусусинда тубандаги мақолани ёзадир. Биз унинг аҳамиятига кўра журналинизга айнан кўчирамиз: “Хўқанд шаҳри Шўрои Ислом биносида 25 декабрдан 30 декабрга қадар мусулмон меҳнаткашларининг I крайовой съезди бўлиб ўтди. Съезд муҳим қарор, аҳамиятлик талаблар вужудга келтирди... Украина, Финландия меҳнаткашлари ўз ҳалқининг истиқтоли учун курашиб, монеъларни ииқитиб синдирадирлар. Ҳар миллат маҳкумиятдан чиқиб алоҳида яшаб тараққий топганида, муқаддас мақсадга етмоғи мумкин эканлигини биладир, тушунадирлар. Чунки, маҳкум миллатнинг адабиёти ҳам миллияти ҳам қисилгани сабаблик ул миллат эркин юраолмайдир. Бошқалар қаторида бора олмайдир [11] дейди.

“Уламо жамиятининг таклифи” сарлавҳали хабарда 18 январь куни Тошкентда очилган солдат, рабочий крестьянлар съездига Уламо жамияти тарафидан киритилган таклифлар айнан келтирилади: “1- ҳозирдаги большевиклар ҳукумати жойида тўхтасин ва аммо ҳукуматини ва маслагини Туркистонда тургувчи урусларга ва ажнабийларга юргузсин ва ҳам Россия жумҳуриятининг Туркистондаги муштарак ишларига назорат қилиб тўхтасун.

2-Туркистонга эълон қилинган мухторият то Туркистон учредителний собрания (таъсис мажлиси)га қадар мусулмонларга маҳсус бўлсун ва



мусулмонлар ўз олдилариға алоҳида ҳукумат ташкил қылсунлар...” [12] дейилган. Таклифлардан кўриниб турибдики, Тошкент уламолари Мухторият ҳукуматини мутлақо рад этган эмас. Аксинча, таъсис мажлисигача Туркистоннинг туб ахолиси учун масъул ҳукумат сифатида тан олмоқда. Демак, асл зиддият жадидлар ва уламоларнинг халқ олдидағи етакчилик учун интилишлари натижаси эди. Мавжуд кўнгилсизликлар эса уламоларнинг ҳам ёшларнинг ҳам орасида бўлган айрим “хуфя”ларнинг “буюрма” асосидаги қилимишларининг самараси бўлган деб тахмин қилишимизга ҳам имкон беради.

Журналнинг мазкур сонида чоп этилган “**Миллий аскарлар**” мақоласи Мухториятнинг ҳарбий аҳволини ёритишга қаратилган. Унда: “Хозирда Хўқанд шаҳрида расмий суратда қўлига яроғ тутган миллий аскар ва милициямиз бир минг чамаси бўлган эди. 9 январь куни мулло Абдураззоқбойнинг боғида шуларнинг “кўрув”и (маневр) ясалди. Бу “кўрув”га Мухториятлик Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзоларидан Ислом афанди Шоахмедов билан Убайдулла афанди Хўжсаев ташриф буорган эдилар... Убайдулла Хўжсаев уларга хитобан: “Сизлар Мухториятлик Туркистоннинг биринчи қаҳрамон ўгуллари бўлдингиз. Сиз бу хизматларинг фахр қилсаларингиз арзийдур. Чунки, суюкли Ватанинг ҳимоясига биринчи марта ўлароқ сизлар ўз ихтиёрингиз билан аскар бўлдингиз! Туркистон мамлакатининг келажакда баҳт ва саодатга эришимоги сизлардан бошланса керак. Сизларни Мухториятли Туркистоннинг муваққат ҳукумати аъзолари тарафидан табрик қиласман ва алар тарафиндан сизларга салом эришидирман ва ҳам сизларнинг тарафингиздан ҳукумат аъзоларига ҳозир бориб салом айтман” деди. Бу сўзларни эшиштанидан сўнг миллий аскаримиз ниҳоятда мамнун бўлдилар. Бундан сўнг Убайдулла афанди миллий аскарларга бир оғиздан “Омин” деб дуо қилувни сўради. Жумла йигитлар ўзларининг Ватан миллат йўлида ҳар бири фидокорликка ҳозир эканлигини сўйлаб баланд овоз ила гулдурашиб “Омин” садоларини кўкка чиқардилар... [13] дейилган.

“Ишчилар дунёси” журналининг 4-сони билан чоп этилганида Туркистон мухторияти қонга ботирилган, большевиклар ва арман дошноқлари томонидан Кўқон шаҳри вайронга айлантирилиб, халқнинг фигони еру кўкни тутиб кетган эди. Журналдаги ilk мақола “Тошкентдаги ишчиларга ҳеч ким ёрдам қилдими?” деб номланади. Таҳририят бу саволга жавоб қилиб, “Ҳеч ким ёрдам бермади. Бойлар урушидан фойдаланиб матоларнинг устига нарх қўйиб, ўз бойликларини оширилар. Уламолар ёшлар билан Шўрои Исломни туздилар. Улардан уламо яна ажратиб чиқди. Сайлоловларда “3” (уламолар) “жинни”, “10” (жадидлар) “дўзахи” деб бир бири билан роса ёқалашиб кетдилар... Тушган ионаларини ҳам халқа эмас кўпроқ ўзларининг урушларига сарфладилар... [14] деб фикрини якунлайди.

Ишчилар дунёсининг энг тушкун бир кайфиятни қўзғовчи 5-сони бошдан оёқ Туркистон Мухториятининг машъум қисматини баён этишга бағиши-

ланган. Айниқса, “Ким айбели” сарлавхани ўқиган одамнинг кўз олдида мислсиз даҳшатли фожиалар намоён бўлади. Унда “Мўминнинг биродари мўъмин бўлгани ҳолда мусулмон биродарларимизнинг бошига мусийбат тушса бунинг қайғусини албатта, баробар ўртоқлашувига тўғри келадир...

Арман вахшийлари тарафиндан юзлаб бошлари узулган, арман золим динчилари тарафиндан номуслари пораланиб, сўнг милтиқ учуга кўтарилган бокира заволли қизлар ким? Уҳботликни сақламоқ учун ваҳшилар тарафиндан тушган таклифни миннатдорчилик ила қабул этган, номаҳрам юзини кўрмаган мастуралар кимлар? Даҳо Арманистон интиқомини туркистон-лилардан оламиз, деб салла ўраб мусулмонлар тарафида бўлиб, салла чопонни ташлаб, қўлларига қурол олиб истиқболимизни чечакларини (ёш болаларни) қирмоқ учун жасорат этган. У тўп пулимётларни қулогини бураган, муқаддас масжид ва мадрасаларимизга отдирган, бутун шаҳарни хароб қилганида, томлар, уйлар остинда во ҳасрато деб фигонларини фалакдан ошириб, оғизларинда миллат деб, калимаи шаҳодатни талқин қилиб жон берган ҳарбзадалар ким? Мадрасалар ичинда китобларини қучоқлаб “Ё, роббий” деб руҳдан айрилган мударрис ва талабалар кимлар? Оҳ, минг-минг таассуфлар ўлсинким, биздан бу шаҳидларга дуою тақбир ўрнига таҳқир қилув лозимдирми? Жазолари шул деб изҳор хурсандлик қиласмизми? Бил фарз жазолари шул бўлганида ким айблик бўлур? Тақдирми айблик? Ё бўлмаса Мухторият олингиз, умуммусулмонлар бирлашингиз деб Истрофил сурини тортган олий марҳаматлик товории Троцкий ила Ленин афандилар айбликми? Ёки мусулмонларни ўзлари орасинда рози эмаслар, буржуузия автономияси деб, Петербургга телеграм берилурга сабабчи бўлган эҳтиромли “Уламо жасамияти” айблими?...

Омон! Ё роббий, нақадар замони азоб вақтларина қолдик. Бир тарафдан очлик, бир тарафдан муҳтарам уламои киром исми билан шуҳратланган, уламо исмларини қоралаган шахсияттарастларни умумий бир зарарлари ва бошимизга тушган фалокатларга чиндан ўзлари сабабчи бўлган бир замонларида, бечора масъум, қонлик муқаддас ўлим топган шаҳидларимизга таъна туҳмат ва билчироқ отувлари “шаҳид эмаслар” деб. Қачон битар экан бу миллий хоинлар. Қачон қутулар экан бу хоинлар чангалидан миллати ислом ва бутун Туркистон мусулмонлари [15] дейилади.

Журналнинг сўнгги 6-сони 1918 йил 1 апрель санаси билан босмадан чиқди. Бу сонда ҳам тегишли даврни ўрганишда ўта мухим ўта долзарб мавзуларга бағишланган қатор хабар ва мақолалар ўрин олди.

Хуллас, “Ишчилар дунёси” журнали Туркистон Мухторияти тарихини ёритишида шубҳасиз, ўта мухим тарихий манба ҳисобланади. Боиси Кўқон билан мунтазам алоқада бўлган журнал таҳририяти “ишчи”лар номи остида фаолият юритиб Тошкентда, умуман ўлкада бўлаётган барча воқеликлардан хабардор эди. Айниқса, журнал саҳифаларидағи “Мулло Гозий”, “Ишчи” имзолари остида материаллар бериб борган Фози Юнус ва Гулом Зафарий-

лар каламларига мансуб мақолалар, шеърлар, үлкадаги очарчилик воқеалари ва кундалик хабарлар ҳам ўқувчи учун тегишли даврнинг ўткир ижтимоий муаммолари ҳақида кенг ҳамда ишончли ахборот беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.
2. Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.
3. Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.
4. Ишчилар дунёси. 1918 йил 4 январь.
5. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
6. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
7. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
8. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
9. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
10. Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.
11. Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль
12. Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль
13. Ишчилар дунёси.. №3. 1918 йил 1 февраль
14. Ишчилар дунёси. №4. 1918 йил 1 март.
15. Ишчилар дунёси. №5. 1918 йил 15 март.

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ШИГОВУЛ ИНСТИТУТИ

*Махмудов Шерзодхон*  
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти

Қўқон хонлиги давлат сифатида вужудга келиши ва ривожланиши жараёни давомида давлатчиликнинг турли институтлари ҳам шаклланиб борди. Хусусан давлатлар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш борасида элчилик институти ҳам вужудга келди ва бунда асосий омил вазифасини хонликнинг ташқи сиёсати ўтади. Хонликнинг элчилик институтининг шаклланиб бориши дипломатия билан боғлиқ турли вазифаларни, уларга мутасадди лавозимлар ва мансаблар, улар эгаларининг зиммасига юқлатилган вазифаларни вужудга келтирди. Шундай мансаблардан бири *шиговул* (شغول) мансаби бўлиб, унинг хизмат вазифалари доирасига, дипломатик мактублар ва ҳадялар тайёрлаш, хорижий элчиларни кутиб олиш билан боғлиқ анъана ва маросимларни ўтказиш кирган.

Мусулмон давлатчилигига хос анъаналардан бири муайян бир давлатга келаётган хорижий элчиларни кутиб олиш учун юқори мавқега эга бўлган мансабдорни масъул этиб тайинлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан Кўқон хонлиги ҳам мустасно эмас эди. Салжуқийлар давлатида бош вазир бўлиб фаолият кўрсатган Низомулмulkнинг “Сиёсатнома”сида бу ҳақда алоҳида кўрсатмалар берилганлигини кўриш мумкин. “...Агарда келаётган киши элчи бўлса, бирор обрўли кишини унга йўлдош қилиб, маълум шаҳарга юборишин” - деб қайд этилади [15,100]. Шунингдек, “Сиёсатнома”да “ У ерда уни бошқа кишиларга топшириб, янги обод шаҳар ва ноҳияларни томоша қилдириб, охири саройга олиб келсинлар”, - деган тавсиялар мавжуд. Албатта, Низомулмulkнинг “Сиёсатнома” асари кўпгина хукмдорларга ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилганлигини улар бошқарган давлат бошқарувидаги тартиб ва тизим орқали англаш мумкин. Буни Кўқон хонлигидаги *шиговул* мансаби орқали ҳам кузатиш мумкин.

### *Шиговул мансабининг тарихий босқичлардаги трансформацияси*

Шиговул мансаби чингизий лавозимлардан ҳисобланиб, Марказий Осиёда Чигатой улуси давридан давлат бошқарувида шаклланган. Мазкур мансаб ҳақида чингизийлар тарихига оид бўлган “Муизз ал-ансоб” арабча асарида маълумот келтирилади. Харбақу ва Хурқадайларнинг шиговул мансабида бўлганлиги қайд этилади [11, 70]. “Муизз ал-ансоб”да кўрсатилишича шиговул девонни, яъни хукмдорнинг бошқарув аппаратини бошқарган [11, 70].

Алишер Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида, “...“вов” ва “лом” ҳарфлари баъзи сўзларнинг охирига қўшилиб, улар сultonларнинг кузатувчиси ҳамда базм ўюштириш учун керакли кишиларга ишора қиласи.

Улар хировул, қаровул, чингдовул, янковул, сўзовул, патовул, китповул, ясовул, баковул шифовул ва дақовул шундай юқори лавозимлардир” – деб қайд этилади [14, 23]. “Мұхокамат-ул лугатайн” асарида шифовулнинг саройга келувчи мәҳмонарни кутиб олиб, кузатувчи мезбон вазифасини бажарғанлигига ургу берилади [14, 23]. Демак, темурийлар давлатида шифовулнинг яна бир вазифаси сифатида саройга келган мәҳмонарни кутиб олиш ва кузатиш бўлган. Бу кейинчалик саройдаги церемонияларни ташкил этишни назорат қилиб борувчи мансабдорга айланганини англаш мумкин.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам шифовул лавозими ҳақида маълумотлар учрайди. Хусусан, “Бобурнома”да Абдурраҳим шифовул, Абдулаҳҳоб шифовул, Боқи шифовул каби мансабдорлар ҳақида маълумотлар келтирилади. “Бобурнома”да исмлари қайд этилган шифовулларга муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган хабарларни етказиш вазифаси юқлатилганлигини кўриш мумкин. Бундан кўринадики, Бобур давлатида шифовул махфий хабарларни етказиш хизмати ходими ҳисобланган. Бобур давлатида Абдурраҳим шифовул, Абдулаҳҳоб шифовул, Боқи шифовуллар асосан ҳарбий мансабдорлар ва саркардалардан ҳисобланган [3, 232]. Жумладан, 1528 йилда Захириддин Мұхаммад Бобур томонидан Боқи шифовул Авад вилоятидаги қўшинга бошлиқ этиб тайинланганлиги тўғрисидаги маълумотдан унинг асосий хизмат вазифаси ҳарбий бўлганлигини англаш мумкин.

18 асрда Бухоро амирлигининг марказий давлат бошқарувида фаолият кўрсатган мансабдорлар қаторида шифовул лавозими ҳам бўлган. Амир Шоҳмурод хукмронлигига Бухоро амирлиги девонида фаолият юритиб, қимматли асар ёзib қолдирган Мирза Бади Девон ўзининг “Мажмаъ аларқом” асарида маъмурий бошқарув тизимига оид мансаб ва лавозимлар ҳақида асарининг сўнги қисмини бағишилайди. Мирза Бади Девоннинг маълумотида шиговул элчиларни қабул қилишга мутасадди мансабдор бўлганлиги кўрсатилади [10, 99].

### **“Шиговул”нинг Кўқон хонлиги ташқи алоқаларидағи роли**

Дипломатик алоқалар тизимини назорат қилиш, тартибга солища шиговул лавозими алоҳида аҳамият касб этади. Кўқон хонлигига шиговул мансаби давлатнинг марказий бошқарув аппаратида муҳим ўрин тутган лавозим ҳисобланган. Хонликнинг ташқи ишлар вазири мақомига тўғри келадиган вазифа деб айтиш мумкин. Хонликнинг ташқи ишлари билан боғлиқ барча масалалар мазкур мансаб эгаси хизмат доирасига кирганлиги фикримизга асос бўлади. Мазкур лавозимни эгаллаган мансабдорнинг хизмат вазифасига хорижий мамлакатлардан турли мақсадларда келган элчиларни кутиб олиш, жойлаштириш ва уларнинг хонлик худудида бўлган вақти давомида хавфсизлигини таъминлаш масалалари киритилган.



Қўқон хонлигига шиговул лавозими айнан қайси хукмдор даврида жорий қилинганигини аниқлаш лозим. Лекин, давлатнинг дастлабки ташкил топган йилларида бу лавозим мавжуд бўлмаган. Умархон хукмронлигига қадар Қўқон хонлигига давлат бошқаруви Бухоро амирлиги бошқарув тизимиға ўхшаш бўлган бўлсада, кейинчалик бу тизимни Умархон 1815 йилда қайта ислоҳ қилган [12, 281; 9,76].

1813 йилда Россия империясидан Қўқонга элчи бўлиб келган Филипп Назаровни кутиб олган мансабдор олий хукмдор Умархон (1810-1822) қабулига киргунга қадар бир неча маълумотларга аниқлик киритишга ҳаракат қилган. Филипп Назаров бу мансаб эгасини айнан ташқи ишларга масъул шахс деб эътироф этмасада, ушбу маълумотдан бошқа давлатлардан келадиган ёки хорижий давлатларга юбориладиган элчиларга масъул шахс ҳамда давлатнинг ташқи ишлари билан боғлиқ масалаларга мутасадди кутиб олганлигини англаш мумкин. Бу мансаб эгаси Қўқон хонлигидаги вазирлардан бири саналганигини кўриш мумкин. Фикримизча шиговул мансабидаги вазир Филипп Назаров билан мулоқотда бўлганлиги учун муаллиф уни вазир деб қайд этган. Шунингдек, элчи Қўқоннинг бош вазири билан учрашганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтади [17].

1813 йилда Қўқон шиговули рус элчиси Филипп Назаровнинг дипломатик миссияси билан боғлиқ суриштирув ишларини олиб борган. Бунда у бир неча саволлар орқали Филипп Назаровдан мавҳум масалаларга аниқлик киритган. Яъни, шиговул Филипп Назаровга "... икки асосий элчилар қани," деб савол берган. Ундан сўралган икки элчи 1811 йилда Қўқондан Россия империясига юборилган дипломатик миссия ва савдо карвонига раҳбар бўлиб борган элчилар эди. Ушбу элчиликнинг тақдери жуда аянчли якун топган бўлиб, иккала элчи ҳам сафар давомида вафот этган эди. Дипломатик тартиб қоидаларга кўра Филипп Назаров бу машъум воқеага изоҳ бериш мақсадида Россия империяси томонидан юборилган эди. Филипп Назаровнинг эсдаликларидан шуни англаш мумкинки, у Қўқон хонлиги шиговули томонидан Россия империясидан келган асосий элчи деб эътироф этилмаган.

1830 йилда Қўқон хонлигига бўлган хорунжий Потанин ўзининг эсдаликларида шиговул ҳакида «... улар чет мамлакатлардан Қўқонга келган элчиларни хонлик худудидаги фаолияти ва эсон-омон ўз ватанларига қайтишлари учун хон олдида жавобгардир», – деб ёзади[16, 279]. Шиговул хонликка келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари тўғрисида олдиндан маълумотга эга бўлган. Чунки давлат чегарасидан ўтган шахс тўғрисидаги ахборот тезкор маълумот сифатида марказий бошқарув аппаратига берилган.

Шунингдек, бошқа мамлакатларга юбориладиган элчилар номзодини ҳам хонга шиговул тавсия этган. Буни тасдиқловчи маълумотлар Султон Саййидхон (1863-1865) даврида Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимида юқори нуфузга эга бўлган Муҳаммад Юнусжон ўзининг “Тарихи Аликули амирлашкар” номли асарида қайд этади. Айнан Муҳаммад



Юнусжоннинг ўзи *шиғовул* лавозимида фаолият юритган. Мұҳаммад Юнусжон Қўқон хони Султон Саййидхон (1863-1865) ёш бўлганлиги боис давлат бошқарувини ўз қўлига олган бош вазир Алиқули амирлашкарнинг асосий давлат маслаҳатчиларидан бири бўлганлигини “Тарихи Алиқули амирлашкар” номли асарининг мазмунидан кўриш мумкин. Шунингдек, Алиқули амирлашкар Мұҳаммад Юнусжон шиғовулдан 1864-1865 йиллар давомидаги оғир сиёсий вазиятларда бир неча бор хорижий мамлакатларга юбориладиган элчилар номзодини кўрсатишни топширган. “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида Мұҳаммад Юнусжон шиғовул ўзи томонидан нуфузли мартабага эга бўлган Али Акбар ҳожи нақиб, Абулқосимхон эшон, Эшон қози ва Йўлдош карvonбошиларни элчиликка номзод этиб кўрсатганигини қайд этади [13, 215].

Шиғовул лавозимидағи мансабдор, хорижий мамлакатларга юборилаётган дипломатик миссиянинг сафаридан тўлиқ хабардор бўлиб турган. Мұҳаммад Юнусжоннинг берган маълумотларига кўра, шундай дипломатик миссиялардан бири 1864 йилда Истамбулга юборилган элчилик бўлиб, унга Ахмадхўжа эшон элчи қилиб тайинлангани ва бу элчилик Қошғар орқали йўлга чиққанлиги унинг асарида қайд этилади [18, 62]. Мазкур элчилик Кўқондан Истамбулга 1864 йилнинг май ойида юборилган. Бироқ, Хитой чегарачилари Ахмадхўжа эшонни чегарадан ўтказмаган. Бу хабар Кўқонга этиб келгандан сўнг Алиқули амирлашкар мазкур дипломатик миссиянинг Истамбулга албатта бориши зарур эканлигини Мұҳаммад Юнусжон шиғовулга таъкидлайди ва уни маҳсус топшириқ билан Қошғарга юборади [18, 62]. Мұҳаммад Юнусжон шиғовул Қошғарда Хитой чегара хизмати ходимлари билан мулоқот олиб боради ва Ахмадхўжа эшоннинг ўрнига Ҳожи Мелибой эшикоғасини Истамбулга юбориб, ортга қайтади [18, 62]. Мазкур ҳолат дипломатик миссияни тўлиқ натижали фаолият билан яқунланиши учун ҳалқаро мақомдаги дипломатик мулоқотларни олиб борища алоҳида иқтидорни ҳам талаб этган. Бу эса шиғовул лавозимиға жиддий масъулият юқланганлигини кўрсатади.

Қўқон хонлиги тарихи бўйича захматли меҳнат қилган қозоқ олими Т.Бейсембиев ўзининг йирик тадқиқотида Ҳиндистондаги Британия ҳукуматининг Панжоб мир мунисиси Содхи Синг (Sodhi Hukm Sing) томонидан ёзилган Кўқон тарихи (History of Khokand) номли асаридаги маълумотларга таянган ҳолда Кўқон хонлигидаги *шиғовулнинг* кўл остида 5 нафар ходим фаолият юритганини кўрсатади [19]. Шиғовулнинг кўл остидаги ходимлар мирзолардан иборат бўлганлигини кўриш мумкин [19]. Хорижий давлатларга элчилар орқали юбориладиган мактублар шиғовулнинг комплексига бўйсунадиган мирзолар томонидан тайёрланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари мактубларда акс этган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мазмунни акс этадиган матнни тайёрлашда ҳам айнан шиғовул ҳамда унинг кўл остидаги мирзоларнинг салоҳиятига боғлиқ бўлган.



Қўқон хонлигининг марказий бошқарув тизимидағи мансабдорлар хоннинг *Дарбарида* [6] ўз мавқеларига кўра ўтирган. Тарихий манбаларда хон *даргоҳида* [8] мансабдорларнинг ўрин олишига доир маълумотлар кенг ёритилмаган. Бу ҳақда батафсилоқ маълумотни Содхи Сингнинг асаридан олиш мумкин. Содхи Синг Қўқон хони дарбарини алоҳида чизмада кўрсатади. Муаллиф Қўқон хонлиги тарихини яхшигина ўрганган. Қолаверса, бу асар 1878 йилда нашр этилган. Содхи Синг асаридан *шиғовулнинг қанчалик юқори мавқедалигини кўриш мумкин*. Шунингдек, Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида хон саройида ҳукмдорнинг чап томонида 3-ўринда ўтирган [3, 62; 19]. Бу шиғовулнинг Қўқон хонлиги марказий бошқарув тизимида юқори мартаба эгаси эканлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё хонликларида мансабдорларга бир неча вазифалар юклатилган бўлиб, бу ўз навбатида давлат бошқарувини ўрганаётган тадқиқотчилар учун мураккаб вазиятни вужудга келтиради. Шиғовул мансабидаги кишиларга асосий вазифаси бўлган элчилик институтини юритишдан ташқари ҳукмдорнинг пойтахтни кезиши учун чиққан сафарида ҳудайчи лавозимидаги мансабдорга шерик бўлганлигини ҳам кўриш мумкин. Бу ҳақда Мухаммад Али Болжувонийнинг Тарихи Нофейй асарида Бухоро ҳукмдори амир Олимхоннинг бир ёнида ҳудайчи бир ёнида эса шиғовул юрганлиги қайд этилади [3, 37]. Болжувоний “уларнинг ҳашамати, сиёсати ва зийнати шу даражага етган эди” деб, - шиғовул ва ҳудайчининг қўлларига тилло ва кумушдан асо олиб, белларига тилло ҳамда кумуш билан безатилган камарбанд тақиб юрганларини ёзади [3, 37].

Тарихий манба ва адабиётлар маълумотларининг тасдиқлашича, Хива хонлигига [8, 270] ҳам шиғовул мансабидаги киши мамлакатга келган элчилар билан шуғулланувчи мансабдор шахс ҳисобланган.

**Хуроса.** Қўқон хонлигидаги *шиғовул* институти муҳим вазифалиги билан ташқи сиёсатда алоҳида аҳамият касб этган. *Шиғовул* мансабидаги шахс ташқи сиёсат-дипломатик алоқаларда мамлакат манфаатини кўзлаб ақлзаковатини ишга солишга мажбур эди. Бу эса ўз навбатида бошқа давлат лавозимларига нисбатан *шиғовул* лавозими эгасидан ўта зукколик, қучли иқтидор, сиёсий тафаккур ва зеҳниятни талаб этган. Мазкур лавозим барча даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. 1865 йиллардаги сиёсий вазиятнинг чигаллашиб бориши натижасида эса мазкур институтнинг ўрни янада юқори бўлган. Чунки, бу даврга келиб хонликнинг мустақиллигини сақлаб қолища мазкур лавозимдаги шахснинг зиммасига ўта масъулиятли вазифаларни юкланганини кузатиш мумкин.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. Фан. 1996.
2. Бейсембиев Т. Кокандская историография. Исследование по источниковедению Средней Азии XVIII-XIX веков, Алматы, 2009.



3. Бобур Захириддин Мұхаммад, Бобурнома. Нашрға тайёрловчи С.Ҳасанов. Тошкент, Шарқ, 2002.
4. Болжувоний Мұхаммад Али. Тарихи Нофей. Тошкент, Академия нашриёти. 2001.
5. Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва мансаблар. – Т.: 1996.
6. *Дарбар – ҳукмдорнинг қаророҳидаги саломхона. Марказий бошқарув аппарати.*
7. *Даргоҳ – ҳукмдорнинг саройи.*
8. Йўлдошев М. Хива хонлигига феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Т.: Ўздавнашр, 1959. – Б. 270.
9. Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.). Дис. ... канд. ист. наук. - Т.: 2007.
10. Мирза Бади Диван. Мажмаъ ал-арқам. Факсимиле рукописи. Введение, перевод, примечания и приложения А.Б.Вильдановой. Москва, 1981.
11. Муизз ал-ансоб. История Казахстана в персидских источниках. Том-3. Алмати, “Дайк –Пресс”, 2006.
12. Мұхаммад Ҳакимхон тўра. Мунтаҳаб ут таворих. ЎзР ФА ШИ кўлёзма, инв. №594.
13. Мұхаммад Юнус Тоиб. Тарихи Алимқули Амирлашкар / Нашрға тайёрловчи Ш.Воҳидов // Шарқ Юлдузи. – Тошкент, 1996. – №2.
14. Навоий Алишер. Мухокамат-ул лугфатайн. 16-том, Тошкент. 2000.
15. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. (Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, А.Эркинов) – Тошкент: Адолат. 1997.
16. Потанин Н.И. Записки о Коканском ханстве хорунжего Потанина // Военный журнал. 1831. – № 3-4.
17. Филипп Назаровнинг ёзишича бу даврда хонликда бош вазир лавозимида Мирза Малла деган шахс бўлган. Лекин маҳаллий манбаларда бу даврда Қўқон хонлигига юқори мавқега эга мансабдорларни ичидай бундай номдаги мансабдорни учратмадик. Балки муаллиф бош вазирни исмини нотўғри қўллаган бўлиши ҳам мумкин. Филипп Назаров таърифлаган бош вазирнинг ҳаракатлари кўпроқ парвоначи мансабидаги шахснинг фаолиятига тўғри келади.
18. Mulla Muhammad Yunus Djan Shigavul Dadkhah Tashkandi. The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. – London: 2003.
19. Sing S.H. History of Khokand from the commencement of Russian course until the final subjugation of the country by that power. Lahore, 1878, I VII.

## ХИТОЙ МАНБАЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ТАРИХИНИ ЁРИТИЛИШИ

*Қўлдошев Шерали*

*Тарих фанлари номзоди, доцент,*

*ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти*

Ўзбек давлатчилигининг Қўқон хонлиги (1709 – 1876) босқичи тарихига оид кўплаб тадқиқотларда<sup>1</sup> хитой манбаларидан етарлича фойдаланилмагани яққол кўзга ташланади. Ўз ўрнида, Торо Согучи, В. С. Кузнецов, Л. Наёби, Пан Чжипин сингари олимлар ишларида бунинг тескарисини кўрамиз – улар форс ва туркий тиллардаги манбаларни эътибордан четда қолдирганлар<sup>2</sup>. Оқибатда айrim эгри хулосалар ҳам туғилмоқда. Хитойлик Пан Чжипиннинг “浩罕国与西域政治” (Қўқон давлати ва Ғарбий юрт сиёсати) асаридаги бутун бир бобнинг “作为清朝藩属国的伯克领地” (Қўқон – Чинг империяси вассали) деб аталиши фикримизга далил бўла олади<sup>3</sup>.

Шу билан бирга, хитой манбаларидан фойдаланишда бир томонлама мулоҳаза юритишнинг олдини олиш учун энг аввало уларнинг ёзилиши, ўзига хос хусусиятларини аниқлаб олиш лозим. Шунга кўра, биз хитой манбаларини уч гурухга ажратиб олдик: 1) Чинг империяси<sup>4</sup> саройида

<sup>1</sup> Г.А. Агзамова. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўргаталарида. Тошкент. 2017; Ш. Воҳидов. Қўқон хонлигига тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндлари, асарлари). Тошкент. 2010; L.J. Newby. The Empire and the Khanate. Political History of Qing Relations. With Khoqand. 1760 – 1860. Boston. 2005; Б. Турсунов. Қўқон хонлигига ҳарбий иш ва кўшин: ҳолати, бошқаруви, анъаналари (XIX асрнинг 70 – йилларигача). Тарих фанлари илмий дарражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Тошкент. 2006; Ў. А. Султонов. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг «Тарихи жадида Тошканд» асари (XIX аср). Тошкент. 2007; Ш.Ю. Махмудов. Қўқон хонлигиниг маъмурий-бошқарув тизими (1709 – 1876). Тарих фанлари илмий дарражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Тошкент. 2007; З. Мадраҳимов. Қўқон хонлигига савдо муносабатлари. Тарих фанлари илмий дарражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Тошкент. 2009.; Т. Худойқулов. XIX асрда Қўқон хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаёти. Тарих фанлари илмий дарражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Тошкент. 2009; Б.М. Бабаджанов. Кокандское ханство: власть, политика, религия. Токио – Ташкент. 2010; П. Қаюмов. Ҳўқанд тарихи ва унинг адабиёти (материал ва хотиралар). Тошкент. 2011; S. C. Levi. The rise and Khoqand Central Asia in the Global Age. 1709 – 1876. University of Pittsburg Press. 2017; Муҳаммад Яҳёҳон Ҳўқандий. Ҳўқанди латиф маноқиби. Тазкира. Тошкент. 2018 ва бошқалар.

<sup>2</sup> T. Saguchi. The Eastern trade of the Khokand khanate. Chapter VI. Memories of the Research department of the Toyo Bunko (The oriental library). Tokyo. 1965. № 24. Р. 47 – 114; В.С. Кузнецов. Экономическая политика цинского правительства в Синьцзяне. Москва. 1973, Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX вв.). Новосибирск. 1983.; L.J. Newby. The Empire and the Khanate: Political History of Qing Relations with Khoqand. 1760 – 1860. Boston. 2005; 潘志平. 中亚浩罕国与清代新疆. 中国社会科学出版社 1991; 潘志平. 1759 – 1820. 年清与浩罕关系. 新疆社会科学 1985 年 2 期. 页. 180 – 195.

<sup>3</sup> 潘志平. 浩罕国与西域政治. 新疆人民出版社. 2006.

<sup>4</sup> Чинглар (清) — 1644 – 1912 йиллари Хитойда хукмронлик қилган, келиб чиқиши манжурлардан бўлган сулола.

ёзилган, сулола тарихига тегишли асарлар; 2) тарихий асарлар; 3) Туркистонга келган элчилар, сайёхлар ва ҳарбийларнинг асарлари.

Биринчи гурухга тегишли “大清历史实录” (Чинг сулоласининг тарихий солномаси) асарининг<sup>1</sup> 596-бобида манжур зобити Дакетананинг<sup>2</sup> Кўқонга бориши, 632, 674, 676, 677, 724-бобларида Эрдонабек (1751 – 1752, 1753 – 1762) даврида Кўқон хонлиги ва Чинг империяси муносабатлари, 1202, 1203, 1206-бобларида Самарқандда яшаётган Саримсоқхожа<sup>3</sup> ва унинг уйғурлар билан алоқаси ҳакида маълумотлар берилган. Манба таркибига ҳозирда Пекин шаҳридаги Биринчи тарих архивида сақланадиган 曹機處滿文錄副奏 (“Буюк кенгашда сақланадиган манжур тилидаги ёзма ҳужжатлар нусхалари”)<sup>4</sup> ҳам киритилган.

Дакетана 1759 йил октябр ойида Ёркенд шаҳридан Мулла Мирза исмли йўлбошловчи ва таржимон, тўрт салор<sup>5</sup> ва икки ойратга<sup>6</sup> тегишли йигитлар ҳамроҳлигига, жами 28 киши билан Кўқон хонлиги томон йўл олган. Ўш қалъаси ҳокими Ҳожибек<sup>7</sup> уларни Навқат<sup>8</sup> қалъасида кутиб олган. Олти кундан сўнг улар Андижонга етиб келганлар ва Ирисқулибек<sup>9</sup> қабулида бўлганлар. Икки кундан ўтиб Марғилонга етиб борган Дакетана Эрдонабек билан учрашиш нияти борлигини билдирган.

Дакетана Чингнинг Чжао Хуэй номидан Эрдонабекдан ташқари Наманганд, Марғилон, Андижон ҳокимларининг ҳар бирига ҳам алоҳида мактублар олиб келгани савол туғдирмай қолмайди: бундан муддао нима бўлган? Яйойи Кавахара Мухаммад Ҳакимхонтуранинг “منتخب التواریخ” асарига таянган ҳолда, ушбу саволга шундай жавоб беради: “... у вақтларда Кўқон хонларининг сиёсий

<sup>1</sup> Дай Цин лично шилу. В переводах Г.П. Супрененко // Материалы по истории кыргызов и Кыргызистана. Т. 2. Ответственный редактор К. Джусаев. Бишкек. 2003. С. 136 – 195.

<sup>2</sup> Дакетана (达克塔纳) — Синзян ўлкасининг бошқарувчиси генерал Чжао Хуэйнинг (1708 – 1764) ёрдамчиси.

<sup>3</sup> Саримсоқхожа (асл исми Мухаммад Иминхожа) — Бурхониддинхожа ўғли; 1759 йили ўз одамлари билан Кўқон хонлигига қочиб ўтган, Бухоро ва Кўқонда яшаган, отасининг таҳтини қайтариб олиш учун ҳаракат қилган.

<sup>4</sup> 軍機處滿文錄副奏摺. 軍機處, 錄副奏摺. 1803. 页. 23, 55.

<sup>5</sup> Салорлар (солурлар, салирлар) — ҳозирги XХР ҳудудидаги туркий халқлардан бири; асосан Синхай вилоятининг Сюнхуа туманида яшайдилар.

<sup>6</sup> Ойратлар (жуңғорлар, қалмоқлар) — XIII асрда пайдо бўлган, дербип, баёт, тургот, ўлит, заҳчин мўғул уругларининг умумлашма оти; XVII асрда ойратлар деганда, факат Жунғор давлатининг таъсирида яшаган бир қанча мўғул уруглари тушунилган.

<sup>7</sup> Ҳожибек — қирғиз ҳалқи қаҳрамонларидан Тойлоқ ботирнинг ўғли; адигине қирғиз уругининг барқу қабиласидан; 1760 – 1764 йилларда Ўш ҳокими; Манжурлар империясига тобелигини тан олган, 1760 – 1762 йилларда Кўқон савдогарларини талаган, Эрдонабекка қарши ҳарбий иттифоқ тузишга ҳаракат қилган; 1762 йили Эрдонабек Ўш ва Ўзганни қайтариб олгач, Ҳожибек кўлга олинган ва 1764 йили Кўқонда дорга осилган.

<sup>8</sup> Навқат — ҳозирги Қирғизистон Республикасида, Ўшнинг шимоли-шарқида жойлашган қишлоқ.

<sup>9</sup> Ирисқулибек (1810 йили ўлган) – Олимхон (1798 – 1810) ва Умархоннинг (1810 – 1822) тоғаси, хонлик сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган арбоб.

куч ва құдратлари у қадар катта эмасди. Амирлар ўз хоҳишилари билан бирор хонни таҳтга ўтқазар ёки таҳтдан тушира олар әдилар”<sup>1</sup>. Бироқ “Чинг сулоласининг тарихий солномаси”да Эрдонабекни барча беклар, ҳокимлар, құшни қирғиз ва қозоқларнинг бийлари ҳам ҳурмат қилишлари, унга бўйсунишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади<sup>2</sup>.

Дакетана Қўқон саройида яхши кутиб олинганлигини унинг Ёркенда ёзилган ҳисоботлардан ҳам билиш мумкин. Жумладан, у ўзаро суҳбатдан сўнг “Эрдона уни мўғуллар услубида қурилган чодирга таклиф қилгани, дастурхонга кўй гўштидан тайёрланган турли таомлар, сархил мевалар, турфа ичимликлар қўйилганлигини” қайд этган. Зиёфатдан сўнг хон Дакетанага турли қимматбаҳо матолар, гиламлар, отлар совға қилган. Шунингдек, у ўз ҳисоботида: “Эрдона сахий бўлиб, жуда ҳашаматли яшайди. Унинг сўзлари аниқ, соф ва тўғридир. Ўз давлатидаги ҳар бир бек, оқсоқол, ҳатто қирғизлар ҳам уни жуда ҳурмат қиладилар. У Марғилон, Қўқон ва бошқа шаҳарлар аҳолисининг кундалик турмушини, от-уловини яхши билади”, деб ёзган. Дакетана Қўқон хонлигининг иқтисодиёти барқарор бўлишида Эрдонабек бош бўлганини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Эрдонабек Дакетана билан бирга Пекинга ўз элчиларини юборгани маълум<sup>4</sup>. Ўзбек ҳукмдори номидан Сянлунга<sup>5</sup> бешта от, овчи бургутлар ва лочинлар совға сифатида тақдим этилган. Ўша кезлари чинглар саройида бўлган Жузеппе Кастилийуне<sup>6</sup> (1688 – 1766) Қўқондан элчилар билан бирга келган баланд бўйли, хушсурат киши унга турли рангдаги қушларни совға қилганини ёзган<sup>7</sup>. Умуман олганда эса, тўпламдан 1759 – 1769 йиллар оралиғида Қўқон хонлигидан ўндан ортиқ элчи Шарқий Туркистондаги Чинг қўмондонлари ҳузурига, Пекинга эса тўртта элчилик гуруҳи жўнатилганини билиб олишимиз мумкин<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Яёи Кавараха. Мұхаммад Ҳакимхонтўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асари тарихий манба сифатида // Тарихий манбашуносликнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Тошкент. 2001. 87-бет.

<sup>2</sup> Дай Цин личноа шилу. В переводах Г.П. Супрененко // Материалы по истории кыргызов и Кыргызистана. Т. 2. Ответственный редактор К. Джусаев. Бишкек. 2003. С. 136 – 195.

<sup>3</sup> 軍機處滿文錄副奏摺. 軍機處,錄副奏摺. 1803. 页. 64 – 65.

<sup>4</sup> Эрдонабек 1760 йили Авазмухаммад ва Мұхаммад Ниёзни элчи сифатида император Сянлун ҳузурига юборган (潘志平. 浩罕国与西域政治. 页. 56).

<sup>5</sup> Сянлун — чингларнинг 1736 – 1795 йилларда Хитойни бошқарган етакчиси.

<sup>6</sup> Жузеппе Кастилийуне (1688 – 1766) — Хитойда масиҳийликни тарғиб этган италиялик роҳиб ва сарой рассоми.

<sup>7</sup> В.Ц. Головачёв. Биография Лан Шинина (Джузеппе Кастильоне) – придворного художника китайских императоров // Общество и государство в Китае. Т. XXVI. Москва. 1995. С. 70 – 75.

<sup>8</sup> Каранг: 潘志平. 浩罕国与西域政治. 页. 58.



Икки давлат ўртасидаги ўзаро ёзишмаларни дастлаб На Янчен<sup>1</sup> томонидан ўрганилган. У тўплаган маълумотлар ва ҳисоботлар ҳам Кўқон хонлиги тарихини ўрганишда жуда муҳим саналади<sup>2</sup>. На Янчен Жаҳонгирхожа қўзғолонидан<sup>3</sup> сўнг императорнинг буйруғи билан Синсзян ўлкасига келган ва қўзғолоннинг сабабларини ўрганган. У 47 йил ичида Кўқон ҳукмдорларининг Хитой императорларига ёзган 24 та мактубини таҳлил этган ва императорга бир неча маслаҳатлар берган. Чинг императорига ёзган ҳисоботида у, Жаҳонгирхожа қўзғолони бошланишига асосий айбдор Кўқон ва унинг Хитойдаги савдогарларидир, деган фикрни илгари сурган<sup>4</sup>. Шунингдек, Кўқонни заифлаштириш учун унинг Хитойдаги савдосини чеклаб, Кўқон савдогарлари ва фуқароларини таъқиб қилишни тавсия этган. Император унинг маслаҳатига амал қилиб, Кўқон фуқароларини таъқибга олишга буйруқ берсада, унинг бу тадбири натижасиз тугаган.

Ўзбек давлатчилигининг сўз кетаётган босқич тарихини ўрганишда Кўқон ҳукмдорларининг Чинг императори ва ноибларига ёзган мактублари сақланган хитой манбаларининг қиммати каттадир. Ушбу мактубларни муаллифларнинг ижтимоий даражаси ва давлат бошқарувидаги мавқейига кўра уч гурухга ажратамиз: 1) Кўқон ҳукмдорларининг Чинг императорларига мактублари; 2) Кўқон ҳукмдорларининг Чинг императорлари Шарқий Туркистонга тайинлаган масъул шахслар – амбон<sup>5</sup> ва ҳарбий генералларга хатлари; 3) Кўқон ҳукмдорларининг Кошғар, Ёркенд, Хўтанд шаҳар ҳокимларига мактублари.

Мактубларнинг асосий қисми туркий тилда, баъзилари форсийда битилган. Кўқон ҳукмдорларининг Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Усмонийлар салтанати, Россия империясига юборилган мактублари одатда форсча ёзилар эди. Хитойга юборилган хатларнинг аксарияти туркий тилда бўлиб, хитой ва манжур тилларига таржима қилинган. Жумладан, Кошғарда яшаган манжур амалдорларидан Жин Чэнг (1828), Жединг сингари таржимонлар ушбу хатларни манжур тилига таржима қилиб, кейин императорга юборгандар. Ҳозирги кунда ушбу мактубларнинг кўпчилиги XХР Ижтимоий фанлар архивида ва Пекиндаги бир неча музейларда сақланади. Шу билан бирга, Тожирнинг “غرانب سپاه” ва Кўқон хонлиги тарихига оид бошқа кўлёзма асарлар таркибида ҳам хатлар келтирилган.

Иккинчи гурух тарихий асарларидан бири 14 жилдлик “聖武記” (Императорлик жанглари тарихи) хитойлик тарихчи ва файласуф Вей Юан (1794


<sup>1</sup> На Янчен (1763 – 1833) — Чинг империяси амалдори, сарой мирзаси.

<sup>2</sup> На Яньчэн. На вэн-и Гун Цзоун // Китайские документы и материалы по истории Восточного Туркестана, Средней Азии и Казахстана XIV – XIX вв. Алматы. 1994. С. 142 – 211.

<sup>3</sup> Жаҳонгирхожа қўзғолони — Жаҳонгирхожа (1780 – 1828) бошчилигида 1826 – 1828 йилларда Шарқий Туркистонда Чинг империяси ҳукмронлигига қарши олиб борилган қаршилик ҳаракати.

<sup>4</sup> 潘志平. 1759 – 1820 年清与浩罕关系. 新疆社会科学 1985 年 2 期. 页. 191.

<sup>5</sup> Амбон — Чинг империясида ўрта табақага тегишли унвон.



– 1856) томонидан 1842 йили ёзилган. Жангнома йўсинидаги асарнинг 10-жилди 4 ва 5-боблари “Жаҳонгирхожа билан жанглар” деб аталиб, куйидаги сўзлар билан бошланади: “Жаҳонгир туркистонлик (Шарқий Туркистон кўзда тутилмоқда – Ш.Қ.) хукмдорлардан бири Бурхониддинхожанинг<sup>1</sup> набирасидир. Жаҳонгирнинг отаси Саримсоқхожа Кўқонга қочиб борган, унинг уч ўғли бўлган. Жаҳонгир унинг кенжа ўғли эди. У доимо Қуръон, намоз ўқиган, у ерда машхур эди. Хитойга қарши урушни тарғиб қилди”<sup>2</sup>.

Кўён хонлигига туғилган Жаҳонгирхожа ота-боболари хукмронлик қилган Еттишаҳар<sup>3</sup> тахтини эгаллашни мақсад қилган эди. Унинг ҳарбий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича илтимоси Умархон (1810 – 1822) томонидан рад этган<sup>4</sup>. Шунга қарамай, Жаҳонгирхожа удан яширин равишда хонлик аҳолиси орасидан ўзининг маслакдошларини қидириб топган. Уларнинг орасида Шарқий Туркистондан келган муҳожирлар кўп эди. Жаҳонгирхожа 1820 йилдан 1826 йилга қадар Шарқий Туркистонга уч-тўрт марта ҳужум қилган, аммо улар муваффақиятсизлик билан тугаган.

“Императорлик жанглари тарихи”да “1826 йил ёзда Жаҳонгир 500 андижонлик қирғизлар билан тоғ йўллари орқали Кошғардан 40 ли<sup>5</sup> узокликдаги Мозор деган ерга келган. Император Даогуан<sup>6</sup> Жаҳонгирхожага қарши 1000 та аскар юборган. У Жаҳонгирхожага қарши жанг қилиб, Мозорни ололмади. Мозор уч қатор девордан иборат эди”<sup>7</sup>.

“Императорлик жанглари тарихи” Жаҳонгирхожа қўзголонига Чинг империясининг таъсирини ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим манбадир. Шунингдек, асарда Чинг империяси юборган ҳарбий қўшин сони, ҳарбийларнинг исм-шарифлари, ҳатто қўлланган ҳарбий услуб масалаларининг ёритилгани унинг қимматини янада оширади. Унда Чанглин<sup>8</sup> томонидан Кўқонга юборилган элчининг вазифалари ва Кўқоннинг Бухоро билан

<sup>1</sup> Бурхониддинхожа — 1755 – 1758 йиллари Ёркенд хони; 1759 йили Чинг империяси қўшинларига қарши уруш олиб бориб, ушбу санада укаси Ҳожа Жаҳон билан бирга Бадахшонга қочиб ўтади; уларни Бадахшон хукмдори Султоншоҳ ўлдиртирган.

<sup>2</sup> 魏源. 圣武记. 体积. 10. 上海. 1842. 页. 339.

<sup>3</sup> Еттишаҳар — ҳозирги XXRнинг Шингжонг уйғур муҳтор ўлкаси; XIX асрда ушбу худудда Кошғар, Ёркенд, Хўтон, Оксув, Турфон, Янгиҳисор, Кучор каби еттига йирик шахар бўлгани боис шу ном билан аталган.

<sup>4</sup> С.В. Тимченко. Антицинская борьба народов Восточного Туркестана в первой трети XIX в. и Кокандское ханство // Из истории международных отношений в Центральной Азии. Алма-Ата. 1990. С.94.

<sup>5</sup> Ли — 576 метрга тенг ўлчов бирлиги.

<sup>6</sup> Даогуан — чингларнинг 1820 – 1850 йилларда Хитойни бошқарган етакчиси; унинг даврида 1826 – 1828 йиллардаги Жаҳонгирхожа, 1830 йили Муҳаммад Юсуфхожа қўзголонлари бостирилган.

<sup>7</sup> 圣武记. 页. 346.

<sup>8</sup> Чанглин — 1796 – 1799 йилларда Кошғар амбони, 1812 – 1826 йилларда Или вилоятининг ҳарбий ҳокими.

муносабатлари ҳам очиб берилган. Бундан ташқари, асарда ўзаро урушлар жараёнида қўқонлик аскарлар ҳамда Жаҳонгирхожанинг жияни Тўрахон ўғли Маҳмудхон (Туй Ли хан) ва хонлик арбобларидан бири Мусохон ўғли Султонхоннинг (Султонхонтўра Ахорнинг ўғли Самухан) асир олиниши ҳақидаги маълумотлар баён этилган<sup>1</sup>.

Манбада қайд этилишича, Жаҳонгирхожа билан бўлган уруш хитойликларга 10 000 000 лянга<sup>2</sup> тушган. Бу урушга Ички Хитойдан<sup>3</sup> жами 36 000 аскар тортилган<sup>4</sup>.

“Императорлик жанглари тарихи”да яна қуйидаги маълумотлар берилган: “Жаҳонгирхожа қўлга олингандан сўнг Чанглин Кўқон ва Бухорога элчилар юбориб, исёнчиларнинг қариндошларини топширишни талаб қилди. Кўқонликлар ўзлари асир олган аскарлар ва маҳаллий аҳолини топширишга тайёрмиз, деган нома билан совғалар ва элчи юбордилар. Бироқ Муҳаммад қонунларига кўра, улар хожа болалари ва набираларини топшира олмасликларини ёзганлар. Жаҳонгирхожанинг ўғли Бузрукхожа<sup>5</sup> (Бу Су Пу) атига олти ёш бўлгани сабабли император ҳозирча чегарадаги муаммолардан қўрқмаслик керак деб хисоблаб, бу ҳақда Ян Чен<sup>6</sup> ва Ян Фанга<sup>7</sup> “чегараларни кучайтириш ва Кўқон билан савдо алоқаларини тўхтатиш” ҳакида буйруқ берди. Бу билан Кўқоннинг савдосини танг ҳолатга солиш орқали Жаҳонгирхожанинг қариндошлари топширилишидан умид қилди”<sup>8</sup>.

Бу ҳолатдан айниқса Шарқий Туркистондаги қўқонлик савдогарлардан ийғиб олинадиган тушумлардан куруқ қолган Муҳаммад Алихон (1822–1842) ғазабланиши табиий эди. Шунинг учун у 1830 йили Бухорода яшаётган Жаҳонгирхожанинг акаси Муҳаммад Юсуфхожага<sup>9</sup> мактуб юбориб, Шарқий Туркистонда Чинг империяси ҳукмонлигига қарши ҳаракат олиб боришини сўраган<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> 圣武记. 页. 347.

<sup>2</sup> Лян — 37,301 грамм кумушга тент пул бирлиги.

<sup>3</sup> Ички Хитой — тарихий Хитойни ҳозирги Хитой (ХХР) дан ажратиш мақсадида қўлланилган атама (рус олимлари "собственно Китай" атамасидан фойдаланадилар, уйғурлар эса уни "Ички Хитой" деб айтишиади. А. Хўжаев. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент. 2007. 16-бет)

<sup>4</sup> 圣武记. 页. 350.

<sup>5</sup> Бузрукхожа (1820 – 1870) — Жаҳонгирхожа ўғли; 1864 йили Алиқули амирлашкар томонидан Шарқий Туркистонга юборилган; 1864 – 1867 йилларда Кошғар ҳокими бўлган.

<sup>6</sup> Ян Чэн — Чинг империяси саркардаси.

<sup>7</sup> Ян Фан — Чинг империяси саркардаси.

<sup>8</sup> 圣武记. 页. 351.

<sup>9</sup> Муҳаммад Юсуфхожа — Бузрукхўжанинг иккинчи ўғли; 1830 йили Шарқий Туркистондаги қўзғолонга раҳбарлик килган.

<sup>10</sup> شىنجاڭنىڭ قىشقە تارخي. شىنجاڭ. 516. 1982.



Бу таклифга рози бўлган Мухаммад Юсуфхожа элчи Ҳасан билан бирга Кўқонга келади. Хожани қучоқ очиб кутиб олган Мухаммад Алихон тезлиқда қўшин тўплаш учун хонликнинг турли шаҳар ва қишлоқларига ўз хабарчиларини юборган. Кўшин юриши олдидан йўш вилоятида тўрт кун турилиб, Офоқхожа<sup>1</sup> руҳига атаб худойи қилинади. Ҳаққули мингбоши<sup>2</sup> ва Мухаммад Шариф оталиқ<sup>3</sup> бошчилигидаги қўшин тўрт кун йўл юриб, Ноғорачалди<sup>4</sup> манзилига етиб боради<sup>5</sup>. Ушбу қўшин Чинг империяси истеҳкоми – карун<sup>6</sup> жойлашган Мингйўлга ҳужум қилган ва оқибатда бир неча хитой аскари ўлдирилган<sup>7</sup>.

Шу муносабат билан Шарқий Туркистонга юборилган Чанглин Кўқонга жўнатилган. Элчи қўқонликларга Хитой билан савдо қилиш имкониятини берган. Кейин Кошғар ҳокимининг Ёркендга кўчиб ўтишига буйруқ берган. Шундан сўнг Кўқон хонлиги ва Хитой ўртасида 1832 йил 13 январдаги шартнома имзоланган эди<sup>8</sup>.

Иккинчи гурух тарихий асарларидан яна бири – 西域要略 (“Фарбий чегараға оид қисқа ва муҳим маълумотлар”) бўлиб, Ци Юнши томонидан 1808 йили ёзилган<sup>9</sup>. Асарнинг “Қирғизлар ҳакида” деб номланган 4-бобида Кўқон хонлиги ва Чинг империяси ўртасидаги алоқаларда қирғизларнинг тутган ўрнига оид кўпгина маълумотлар ёритилган. Хусусан, 1765 йили юз

<sup>1</sup> Офоқхожа (1625 – 1695) — ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири, Ёркенд хонлигига таҳтга ўтирган хожаларнинг дастлабкиси; Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди; асл оти Ҳидоятилла бўлиб, у ҳалқ орасида хурмат белгиси саналмиси Офоқхожа (Ёргулик эгаси) номи билан машҳур бўлган; 1638 йили Кошғарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқтоглик хожаларга бош бўлган; 1670 йили Ёркенд хонлигига юз берган ички курашлар натижасида Кошғарни тарк этиб, Туркистон шаҳарларида, қалмоқлар (ойратлар) орасида ва Хеши йўлагидаги вилоятларда диний тарғибот ишлари билан шуғулланган; 1678 йилдан Тибетда икки йилга яқин яшаган ва бу ердаги будда дини вакиллари билан яқин алоқада бўлган; 1680 йили Тибет зодагонлари ёрдамида ойратлар хони билан танишган; 1681 йили қалмоқлар томонидан Ёркенд хонлиги таҳтига ўтқазилган. Ёғду деб номланган жойга, ота-бувалари қабри ёнига кўмилган.

<sup>2</sup> Ҳаққули мингбоши — юз уруғидан, хонлик саркардаси.

<sup>3</sup> Мухаммад Шариф оталиқ – хонлик саркардаси; 1842 йили Тошкент ҳокими бўлган.

<sup>4</sup> Ноғарачалди — ҳозирги Қирғизистон Республикаси худудида, Улугчат ва Иркештом оралигидан жойлашган қишлоқ.

<sup>5</sup> Бу юришга Ҳаққули мингбоши, Мухаммад Шариф оталиқ, Лашкар кўшбеги, Ҳаққули девонбеги ва Мухаммад Юсуфхожа бошчилик қилганлар.

<sup>6</sup> Карун (卡伦) — ҳам божхона пости, ҳам ҳарбий истеҳком; карун икки хил бўлган: аскари муқим истиқомат қиласиган ва мавсумий равишда фаолият юритадиган истеҳком; Шарқий Туркистон бўйлаб жами 117 та карун қурилган ва уларда 10 дан 30 тагача аскар яшаган.

<sup>7</sup> Ҳожи Мухаммад Ҳакимхон Маъсумхон Тўра ўғли. *منتخب التواریخ*. Фанлар академияси Шарқшунослик институти Шарқ кўлёзмалари фонди (ШИ). Кўлёзма рақами 594. 566-варақ.

<sup>8</sup> В.С. Кузнецов. Цинская империя на рубежах Центральной Азии (вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). Новосибирск. 1983. С. 94.

<sup>9</sup> 祁韵士. 西域要略. 上海. 1937.



берган Учтурфон кўзголони раҳбари Раҳматулланинг Кўқонга Баҳовиддин исмли элчи юборгани ҳақида қимматли гувоҳлик бор<sup>1</sup>.

Учинчи гурухга тегишли асарлардан бири Чун Юаннинг “西域闻见” (“Фарбий ўлкада кўрган-кечиргандарим”) деб номланган эсдалиги бўлиб, унда Кўқон хонлиги ҳақида қуидаги маълумотлар келтирилган: “Кўқон ҳукмдори Эрдонабек. Унинг вориси Норбўта. У тўртта шаҳарда ҳукмронлик қиласи. Биринчи ва энг катта шаҳар Кўқон бўлиб, бу шаҳарда 30 000 оила ёки хонадон яшайди. Бу ерда ҳукмдорнинг саройи бор. Иккинчиси Марғилон бўлиб, 20 000 хонадондан иборат. Учинчиси Найман (Наманганд) бўлиб, бу ерда 10 000 оила ва кичик шаҳар Андижонда (Анъизичжан) 1000 оила мавжуд”<sup>2</sup>. Шунингдек, асарда икки давлат ўртасида савдо ишлари ривож топаётганлиги маълум килинган. “Қозоклар”, “Қирғизлар” ва “Кўқонликлар” каби бобларида бевосита Туркистон халқлари ҳаёти ёритилган.

Чун Юан ушбу асарни ёзишда ўзидан аввал яратилган бир қатор манбалардан фойдаланган. Жумладан, “清定寰宇西域图志” (Империя даврида Фарбий ўлканинг географиясига оид маълумотлар ва харитаси)<sup>3</sup> асари асосида хонликнинг географик тузилиши ҳақида маълумотларни ёзган.

Кўриб ўтилганидек, XVIII – XIX асрлар хитой манбаларида ўзбек давлатчилиги борасида муҳим маълумотлар қайд этилган. Хусусан, Кўқон хонлигининг ташқи алоқалари масалаларига оид қимматли гувоҳликлар бор. Бироқ ушбу манбаларнинг кўпчлиги бугунгача илмий муомалага киритилган эмас. Бу эса, ўз ўрнида, ўзбек тарихчилари зиммасига хитой манбаларини ҳам ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш ва илмий тадқиқотларда қўллаш вазифасини юклайди.

<sup>1</sup> 祁韵士. 西域要略. 上海. 页. 59 – 60.

<sup>2</sup> 椿园. 西域闻见. 上海. 1777. 页. 149.

<sup>3</sup> Ушбу тўплам Фухэн исмли амалдор бошчилигидаги 36 кишидан иборат гурух томонидан ёзилган. Улар орасида Жунгория ва Шарқий Туркистонни босиб олишда иштирок этган манжур генераллари Агуй, Чжао Хуй ҳам бор эди.

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТОҒЛИ  
ТОЖИКЛАРНИНГ ЎРНИ**  
**(Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат - таворих”  
асари маълумотлари асосида)**

*Абдукаримов Жамолиддин  
Академик Б. Гафуров номли Ҳужсанӣ давлат университети  
тоҷикӣ ҳалқи тарихи кафедраси доценти*

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” номли асари Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги тарихига оид нодир манба ҳисобланади. Мазкур асар беш боб, ўн икки тоифадан (fasldan) иборат бўлиб, унинг хронологик худуди “олимнинг яратилишидан” то XIX асрнинг 40-чи йилларини ўз ичига олади.

“Мунтахаб ат-таворих”- нинг бешинчи боби ўн иккинчи тоифаси ҳажман катта бўлиб, асарнинг ярмини ташкил этади ва асосан Қўқон хонлиги таърихига бағишланган.

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асари ўрганилиши-нинг муҳим чиҳати шундаки асарда сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муносибатлар билан биргаликда, Қўқон хонлигига олиб борилган давлатчиликнинг муҳим компонентларидан бири бўлган маъмурий бошқарув тизимиға оид бошқа манбаларда умуман учрамайдиган маълумотлар ўрин олган. Муҳаммад Ҳакимхоннинг бу борадаги асарда келтирилган маълумотлари ўзининг аниқлиги билан ажralиб туради, чунки асар муаллифи Қўқон хонлари билан қариндошлиқ алоқалари мавжуд бўлиб, кисқа муддат бўлсада давлат бошқарури ишларида фаъол қатнашган эди [4: 25-6].

Муҳаммад Ҳакимхон Қўқон зодагонлар оиласида туғулиб, она томонидан Қўқон хони Норбӯтабийнинг (1770-1799) невараси, Олимхон (1799-1810) ва Умархоннинг (1810-1822) жияни эди, ота томонидан эса машхур сўфи шайхлардан Аҳмад Ҳўжаги Косоний авлодидан эди. Ҳакимхоннинг отаси Маъсумхонтўра Қўқон хонлигига катта обрўга эга эдилар. Муҳаммад Ҳакимхон ёшлиқ чоғиданоқ тогалари билан биргаликда ҳарбий юришларда, саройдаги турли тадбирларда қатнашиши унинг шаклланишида катта аҳамиятга эга эди.

Муҳаммад Ҳакимхоннинг “Мунтахаб ат-таворих” асари Ўрта Осиё ҳалқлари жумладан тожик ҳалқи тарихини ўрганишда муҳим нодир манбалардан бири ҳисобланади. Асарда хонликнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган тожик ҳалқи аждодлари ҳақида нодир маълумотлар мавжуд.

Олимхон даврида Қўқон хонлигининг сиёсий аҳамияти ошади. У тоғли тожиклар: қаротегинликлар, шуғонликлар, бадахшонликлар, эронликлар ва бошқалардан иборат ёлланма аскар қўшинлари тузади. Бу қўшин ҳоки-

миятни марказлаштириш учун курашда унинг суюнчи, таянчи бўлиб у тузган катта қўшиннинг ядроси бўлиб қолади [2: 25- 26-б].

Қўқон хонлигининг асосий қўшинлари тожик сарбозларидан иборат бўлиб, улар ўз навбатида бир неча қисмларга бўлинган. Чунончи, унинг бир қисми - хоннинг шахсий сипоҳийлари бўлиб, саройда қоровуллик вазифасини бажарап эди. Улар ўртача 2000 кишидан кам бўлмай, анча мерган бўлиб, жанговарликлари учун “гала ботирлар” ёки хон гвардияси, деб ном олганлар [5: 33-б]. Бундан ташқари Олимхон тоғли тожикларга нисбатан маҳсус эътибор қаратар, улардан иборат икки янги ҳарбий қўшин тузган эди: биринчиси 3700 нафардан иборат қаротегинликдан ва иккинчиси 2200 нафар дарвозликлар, бадаҳшонликлар, шуғононликлар, рушонликлардан иборат эди. Мазкур ҳарбий қўшин хон хазинаси ҳисобидан маош, кийим бош, яроқ билан таъминланган. Тарихий манбаларда улар “мирбача”, “бекбача” номи билан тилга олиниб уларга нисбатан “тожик” этноними ишлатилган [1: 95-б].

Қўқон хонларининг тоғли тожикларга бўлган эътиборининг яна бир сабаби улар ҳамиша қипчоқлардан ташвишда турганлар. Қипчоқлар, гарчи ўзларини ўзбек қавмларидан деб ҳисобласаларда, доимо қирғизлар билан яқин туриб, кўчманчи ҳолда яшаганлар. Қипчоқларнинг асосий қисми Фарғона водийсининг Шахрихон, Балиқчи, Қора дарё билан Норин дарёси оралиғидаги жойларда яшар эдилар. Уларнинг хавфидан қутилиш учун Кўқон хонлари муентазам қўшинларини маҳаллий гуруҳлар билан боғлиқ бўлмаган тоғли тожиклардан ва Ўрта Шарқдан чиккан сипоҳийлардан тузарди. Улар сарой гвардиясининг асосий қисмини ташкил этарди. Маълумотларга кўра, 1800 йилларда хоннинг 10 мингга яқин суворийлар полки бўлган [3: 33-б]. Бундан ташқари хонларнинг тоғли тожикларга бўлган эътиборининг ошиши ҳарбий қўшин бошликлари мазкур соҳада ўзига хос таълиму тарбия ва тажрибага эга эмас эдилар. Бу даврда нафақат хонлик ҳудуди, балки Ўрта Осиё давлатлари ҳудудида ҳарбий бирор бир ҳарбий таълим марказлари мавжуд бўлмаган [2: 35-б].

Қўқон хонлигининг XIX аср биринчи ярми сиёсий ва ҳарбий ҳаётида муҳим ўринни эгаллаган шахслардан бири тоғли тожикларга мансуб Ражабқушбеги ҳисобланади. Муҳаммад Ҳакимхон Олимхон ва Умархон даврининг муҳим сиёсий ва ҳарбий воқеаларини ёритиш жараёнида Ражабқушбеги фаолияти ва унинг хонлик мавқесини оширишдаги хизматлари ҳақида тўлиқ маълумот берган.

Мазкур мақоланинг ёзилишидан мақсад ҳозиргacha Ражабқушбеги фаолияти оид бирор бир маҳсус илмий тадқиқот олимлар томонидан амалга оширилмаган. Бундан ташқари Ражабқушбеги мисолида тожик ҳалқи аждодларининг Қўқон хонлиги сиёсий ва ҳарбий ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида муҳим маълумотларни олишимиз мумкин.

Муҳаммад Ҳакимхон асарида Олимхоннинг Тошкент мулки ҳокими Юнусхўжага қарши юриши тафсилотларини тасвирлаш жараёнида Ражаб-

кушбенинг кўрсатган шужоати ва мардонаворлиги ҳақида шундай ёзади: “Гапнинг қисқаси шуким, ўша вақтда Юнусхожа саййидлик паноҳи Хонхожани урушда енгиб, қочиргани ва сўнг қўлга туширганидан қувончидан терисига сифмаган эди. Чунки банги хаёлига “энди бу оламнинг тўрт бурчаги мендан каттароқ хурмат ва эътиборга лойиқ подшоҳ қолмади”, деган фикрлар келган ва мияси шундай истак ва манманлик ҳаваслари билан тўлганди. Бир куни ана шу хаёл орқасида қўнглига Хўқанд мамлакатларини эгалаш ҳаваси тушди. Ўша кезлари ўғилари ичида кичиги Ҳошимжон исмли фарзанди бўлиб, ўша ўғлига жуда дабдабали бир тўй қилиб бериш иштиёқида юрарди. Аммо, бундай тўйни ўтказишга етарлича маблағи ва керакли матоҳлари бўлмай, боридан ҳам кўнгли тўлмасдан тўйни ўтказиш муддати кундан- кун орқага сурилиб бораётганди. Бу нарса банги хаёлидан жой олиб, беихтиёр, “амирлар урушга тайёргарлик кўриб, Хўқанд томон юзлансинлар ва фарзандимиз тўйини Хўқандни фатҳ этгач ўша ерда катта қилиб ўтказамиз”, дея буйруқ берди. Ўша амалга ошмас орзуда тез фурсат ичида қозоқ лашкари билан Хўқанд томонга юзланди... Бу юриш хабари амир Олимхон қулоғига етди. Дарҳол отланиб, елдек тезучар чопарни тезликда Хўжандга Ражабdevонбеки олдига юборди, ўзи эса зўр бериб дабдаба билан фаридунлик шавкати парини темир дубулғали бошига қадаб, Юнусхожага қарши жанг сари юзланди. Ражабdevонбеки воқеадан хабар топгач, Хўжандни холи ташлаб, лашкар билан тез суръатда кечасиёқ йўлга тушиб, бир оқшом ичида дарёдан ўтиб олди ва ўзини Фурумсарой мавзесига етказди. Ўша вақтда Хонхожанинг катта ўғилари Юсуфалихожа ва Юнусалихожа қачон бўлса ҳам отаси қони учун ўч олиш мақсадида ўтирган бўлиб, булар ҳам ана шундай қасосли дамлар етишганидан фурсатни ғанимат санаб, тезликда барча амирлардан олдинроқ жанг майдонига етиб бордилар... Анча уриш- сўқиндан сўнг зафар насими амир Олимхон томонидан эсиб, Юнусхожа молу асбоб, сипоҳу хазинасини ташлаб, юрагида неча доғу ҳасрат билан қочиши қарорини ихтиёр айлади. Ул фалокатга тўла ҳалокат майдонидан не-не меҳнату машаққатлар гирдобида беш- олти нафар маҳрамлари билан зўрга қутулиб чиқиб, Тошканд томонга қараб қочди. Амир Олимхон эса қувлаб бориб, Тошканд қўшинидан бир бўлагини ўлдиришди, анчасини асир олдилар. Амир Олимхон бу катта ғалабани ғайбий атолардан бирига йўйиб, улуғ фатҳ шукронасини адо этди. Ўша куни Юнусалихожа ва Юсуфалихожа ҳамда Ражабdevонбекининг тожик амирлари мардлик намунасини кўрсатдилар...[5: 280- 283-б].

Умархон ҳокимият тепасига келгандан кейин Ражабdevонбекига нисбатан подшоҳона меҳрибонлик кўрсатиб, уни Тошкент шахри ҳокими вазифасига тайинлади.

Муҳаммад Ҳакимхон Умархоннинг Даشتி Қипчоқ тарафиға қўшин тортгани ва Туркистоннинг фатҳ этилиши воқеасини тасвирлаш жараёнida ҳам Ражабdevонбекининг кўрсатган матонати ҳақида маҳсус қайд қилиб

ўтади: “Амир Умархон келгуси йили баҳор фаслида Фарғона лашкари билан Тошканд томон юзланди. Сайхун дарёсидан кечиб, тоғ довонидан ўтгач, Курама вилоятидаги Оҳангарон чўлгоҳига кириб борди ва у ердан кўчиб, Тошканд вилоятига қўш ташлади. Тошканд ҳокими Раҷабкушбеги хизматкорлик тариқи ва меҳмондорлик равишини бекаму кўст адо этди. Ўша вақтда ҳозир Туркистон номи билан машҳур ва султонил авлиё Хожа Аҳмад Яссавий қабри жойлашган Яssi қалъаси амир Ҳайдар подшоҳ тасарруфи остида эди. Амир Умархон ул вилоятни эгаламоқни истаб, ба ҳақда амирларга маслаҳат солди. Шу чоғда йиғинда ўтирган Ражабdevонбеги ўртадан чиқиб, агар жаҳон паноҳ ҳазратим каминани Тошканд ҳокимлигидан бўшатиб, ўз даргоҳлари остонасини ўпиш шарафига мұяссар қилиб Ҳўқандга олиб кетсалар, худо хоҳласа, ўзим шу Яssi вилояти фатҳига мутасаддилик қилгумдир, деб қолди. Амир Умархон унинг сўзини қабул килди ва тўхтовсиз равища ул вилоят сари юзланди. Тошканд вилоятидан чиққач, Ражабdevонбенини лашкарнинг илгори қилиб, олдинроқ кетишга рухсат берди. Ўзи отланиб, унинг орқасидан кетаверди. Ражабdevонбеги урушқоқ ва ботир жангчилар билан Яssi томон равона бўлгач, ўн кунлик йўлни уч кеча- кундузда тез суръатда босиб ўтиб, қалъага бир фарсаҳлик ерда яrim кечаси жангчиларини отдан тушириб, секин- аста қалъа томон юзланди. Тонг отмасдан Яssi қўрғонига етиб олишди. Дарвозага етгач, қарасалар, дарвозабонни ғафлат уйқуси элтибди. Жангчилардан бир нечтаси не азобда нарвонларни қалъа деворига шундай жисплаб ёпиштириларки, Бухоро минорасининг тош банди ҳақидаги ривоят одамлар ёдидан чиқиб кетди. Нарвон пиллапоясини битта- битта босиб, қалъа тепасига кўтарилилар ва ўзларини таппа- таппа қўрғон ичкарисига ташлаб, дарвозахонага етдилар. Ноз уйқуда ётган дарвозабонларни барини қилич дами билан то қиёматгача уйғонмайдиган қилгач, бу жиҳатдан кўнгиллари тинчиб, дарвозани Ражабdevонбенини очиб бердилар. Девонбенини одамлари дарҳол ўзларини қутбул ақтоб султонил орифин Аҳмад яссавий мозори ичига урдилар. Ва бу буқъа Амир Темур соҳибқирон курдирган бинолардан бўлиб, жуда бир баланд иморатдир. Ким шу макон ичига кириб олса, шаҳар ўша кишиники бўлади деган нақл бор. Шаҳар ахли ва Бухоро лашкари фалакнинг бу каби ўйинидан воқиф бўлгач, ҳайрат бармоғини тишлиғанча бу балога не илож топишни билмай, ҳайрон ва саргардон туриб қолдилар, фарғоналиқ жангчилар эса қулларини қатл ва талон- торож учун чўздилар... Ражабdevонбенини вилоятни эгаллаш ишларидан кутулгач, амир Умархон олдига суюнчилаш учун одам юборди. Амир Умархон икки кундан кейин шаҳарга кириб борди ва тўппа-тўғри малаклар посбонлик қилувчи ул муқаддас даргоҳга етиб, зиёрат шартларини бажо келтирди... Амир Умархон Даҳти Қипчоқ вилоятининг Ўкуз тоғдан то Ҳазар дengизигача ерларга тўла хукмрон бўлгач, Яssi ҳукуматини Шайх Бадал Мирзога берди. Ўзи Ҳўқанд тарафига қайтиб, Тошканд шаҳрига етишганда ўз ваъдасига вафо қилди

Ражабдевонбегини мансабидан озод қилиб, ўрнига Лашкар қўшбегини қўйди...[5: 342- 345-б].

Ражабқушбеги йиллар давомида хонликнинг сиёсий ва ҳарбий мавқейини оширишда мардонавор хизмат қилган бўлсада, саройдаги баъзи бир фисқу фасодчиларнинг нопок амаллари натижасида Ахси мавзесида фожиали қатл қилинади. Муҳаммад Ҳакимхоннинг маълумотига кўра Ражабқушбеги умри муддати олтмиш олти йил бўлиб, тақрибан 1751- 1817 йилларда яшаган.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Бобобеков Ҳ.Н. Қўқон тарихи.- Тошкент, 1996.- 200 с.
2. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии.- М.,1958.- 234 с.
3. Йўлчи Қосимов. Қўқон хонлиги тарихи очерклари.- Тошкент- Намангон, 1994.-78 с.
4. Маҳмудов Ш. “Мунтахаб ат-таворих”- Қўқон хонлиги давлат бошқарувига оид муҳим манба// Профессор Ҳамид Сулаймон номли ре спублика ёш манбашинослари ва матншиносларининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағищланган илмий анжумани материаллари.- Тошкент, 2006.- 72 с.
5. Муҳаммад Ҳакимхон, «Мунтахаб ат- таворих» (форс- тожик тилидан таржумон, муқаддима, изоҳлар муаллифи Шодмон Воҳидов).- Тошкент, 2010.- 716 бет.

## ҚЎҚОН ХОНЛАРИ ЁРЛИҚЛАРИ ХУСУСИДА (XVIII-XIX асрлар)

*Мирзаева Мафтуна*

*ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги*

*Шарқшунослик институти таянч докторанти*

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёда номи ва функцияси бир-бирига яқин бўлган бир неҳста қонунчилик актлари муомалада бўлган. Улар турлича номланган: маншур, ёрлик, фармон, хукм, нишон, парвона, иноятнома, оммонома, муборакнома. Биз тадқиқ этажтган хужжатларда ёрлик, хукм, нишон, иноятнома каби қонунчилик актлари номлари учради. Бу номлар хужжатларнинг хонликлар девонхонасида аталиши бўлиб, хужжат матнида ҳар доим ҳам келтирилмаслиги мумкин. Шу жиҳатдан тадқиқотчилар бу туркум хужжатларнинг тузилиши ва таркибий қисмларини таҳлил қылган ҳолда уларни шартли равишда фарқлашни таклиф этган. А.Л. Троитская иноятномалар «дар ин вало» («айни замонда») жумласи билан бошланишини таъкидлайди<sup>1</sup>. Иноятномаларда интигуляция қисми, яъни хужжат берувчининг исми ҳам келтирилганлигини кузатдик. Адресант берилгандан сўнг асосий матн «дар ин вало» жумласи билан бошланган ва хужжат матнида ҳам иноятнома эканлиги таъкидланган<sup>2</sup>. Иноятномлар соликлардан озод этиш, маълум имтиёзлар бериш каби мазмунда берилган. Бу турдаги хужжатлар одатда олд томон юкоридан ўнга тарафга ёки орқа томон ўнг тараф ости қисмига олий хукмдор ёки юкори даражали амалдор мухрини босиш билан тасдиқланган.

Қўқон хонлиги даврида қонунчилик актлари туркий хужжатчилик анъаналарини давом эттирган ҳолда тузилганлигига гувоҳ бўламиз, лекин ушбу даврда форсий тил Қўқонда қонунчилик актлари учун қўлланиладиган расмий тил бўлиб қолди. Ёрлик, иноятнома, нишон каби ушбу турдаги хужжатлар туркий тильда тузилган таркибий тузилишини сақлаб қолди. Биз ушбу ишимизда Қўқон хонлиги хукмдорлари томонидан Фарғона водийсидаги Караскан сайидлари<sup>3</sup> берилган форс тилидаги ёрлиқларни тадқиқ этамиз. Ушбу ёрлиқлар Ўзбекистон Миллий архиви, ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Қозон Федерал университети кутубхонасида сақланади. Ўзбекистон Миллий архиви ва Қозон Федерал университети кутубхонасидаги хужжатлар асл нусха, Шарқшунослик институти фондидаги «Ёрлиқлар тўплами» эса кўчирма нусха

<sup>1</sup> Троицкая А.Л. Кадалог архива кокандских ханов XIX века. – Москва, 1968. – С. 6.

<sup>2</sup> ЎзМА, И-323, 2-рўйхат. 67-йигма жилд.

<sup>3</sup> Караскан сайидлари – Наманган вилояти Чорток тумани Караскан қишлоғидаги Султон Сайд авлиё мозори атрофида яшашган. Султон Сайд авлиёнинг авлодлари. Хонадоннинг 300 йиллик архивидан маълумки, улар шу йиллар давомида имтиёзга эга бўлиб келган.

хисобланади. Кўқон хонлиги даврида берилган хужжатлар адди 33 та бўлиб, шундан 20 таси Кўқон хонлари томонидан берилган. 16 та хужжат кўчирма нусха ҳисобланади, лекин фақат бир ёрлиқнинг, яъни Муҳаммад Алихон (1822-1841) 1245/1829 йилда берилган ёрлиқнинг Ўзбекистон Миллий архивида асл нусхаси мавжуд. Ўзбекистон Миллий архивида 2 та, Шарқшунослик институти фондида 17 та, Қозон Федерал университети кутубхонасида 1 та сақланади. Ишимизда Кўқон хонларидан Муҳаммад Сулаймон<sup>1</sup> (1 та), Норбўтахон (3 та), Олимхон (2 та), Умархон (1 та), Муҳаммад Алихон (2 та), Худоёрхон (5 та), Маллахон (2 та), Султон Сайдхон (1 та), Муҳаммад Худойқули баҳодирхон<sup>2</sup> (1 та), Насриддинхон (1 та) томонидан берилган ёрлиқлар ўрганилди.

Кўқон хонлиги даврида ҳам форс тили сарой расмий тили сифатида алоҳида мавқега эга эди. Шу жиҳатдан сарой қонунчилик актлари форс тилида битилган. Биз ўрганаётган хужжатларнинг барчаси форс тилида битилган. Ёрлиқларнинг энг сўнгиси ҳижрий 1292 йил ражаб (милодий 1876 йил август) ойида сўнгги Кўқон хони Насриддинхон томонидан Жалолиддинхўжага берилган<sup>3</sup>.

XVIII аср охири XX аср бошларига келиб Кўқон хонлигига ҳукмдорларнинг настъалиқ хатли бодомсимон ва чўққили бодомсимон муҳрлари кенг тарқалди<sup>4</sup>. Биз тадқиқ этаётган Шарқшунослик институтида сақлана олган хужжатлар кўчирма нусха бўлганлиги боис уларда муҳр сони, айrim ҳолларда эса муҳр шакли чизилиб ичига муҳр эгасининг ёзуви туширилган<sup>5</sup>. Асл нусхадаги ёрлиқдан Муҳаммад Алихон томонидан 1245/1829 йилда берилган ёрлиқда унинг кўзасимон муҳри босилган<sup>6</sup>. Норбўтахоннинг 1212/1797 йилда берилган ёрлиғида бодомсимон муҳри босилган<sup>7</sup>. Иккала хужжатда ҳам муҳр хужжатнинг олд томон ўнг тараф юқори кисмига қўйилган. Хужжат матни сўнгига ёрлиқ берилган сана келтирилган. Баъзан ой ва йил берилган ҳолда, баъзан фақат йилнинг ўзи берилган. Масалан, Норбўтабий томонидан берилган ёрлиқда шаъбон ойи 1212/1797 йилда берилгани қайд этилган<sup>8</sup>. Лекин Худоёрхон томонидан берилган ёрлиқларнинг айримларида ой акс эттирилмаган<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Муҳаммад Сулаймон – Сулаймон ибн Шодибек ибн Шоҳруҳхон. Эрданабий вафотидан сўнг тахтга чиқиб, фақат олти ой хон бўлган. 1177/1763-64 йилда вафот этган. Қаранг: Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул Ҳавоқин (Тарихи Шоҳруҳий); тожик тилидан тарижима ва ўзбек тилидан табдил муаллифи Ш. Воҳидов. – Т., 2014. – Б. 55-56.

<sup>2</sup> Худойкулихон – Шоҳруҳбий авлодларидан. 1865 йил 17 июнидан 14 кун хонлик қилган.

<sup>3</sup> Ёрлиқлар тўплами. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма № 1644. (бундан кейин Ёрлиқлар тўплами) 1-хужжат.

<sup>4</sup> Султонов Ў.А. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси. – Т., 2019. – Б. 38.

<sup>5</sup> Ёрлиқлар тўплами. 5, 6, 7, 9, 11, 12, 13, 17, 69-хужжатлар.

<sup>6</sup> ЎзМА, И-323, 2-рўйхат. 83 йигма жилд.

<sup>7</sup> Қозон Федерал университети кутубхонаси. Ёрлиқлар. 14-хужжат.

<sup>8</sup> Қозон Федерал университети кутубхонаси. Ёрлиқлар. 14-хужжат.

<sup>9</sup> Ёрлиқлар тўплами. 6, 7-хужжатлар.



Саййидларга берилган фармонлар матнини таҳлил этсак. Инвокация қисмида Ҳува, Ҳувал Ғани, Ҳувал Мулқ, Ҳувал Мулқ ал Аъзиз, Ҳувал Ҳай ал Қаюм жумлалари акс этган. Унвон қисми инвокациядан кейин интитуляция қисмида адресант исми шарифи унвонидан сўнг «сўзим, сўзимиз» жумласи ёзилган. Ёрлиқларнинг бу жумла билан бошланиш туркий хужжатчилик анъanasига хос бўлиб, Турк хоқонлиги давридан давом этиб қелган. Иккинчи Турк хоқонлиги даврида яшаб ижод этган тарихчи ва адиб Йўллуғ тегиннинг отаси Билга хоқонга атаб ёзган битиги *Täyri-täg täyri яратміш түрк Билгэ қаған сабім сўзлари билан бошланиб*, Қ. Содиков уни *Кўкдай* (улуг) тангри яратган жасур *Билга хоқон сўзим шаклида талқин* этган. Жумладаги сўнгги сабім – «(менинг) сўзим, буйруғим, ёрлигим, фармоним» маъносиададир<sup>1</sup>. Кейинги асрлардаги ёрлиқларда «сўзим» шаклида акс этган. Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг 1393 йили поляк қироли Яғайлига йўллаган ёрлиғи *Toхтамиš сўзим Яғайлага* (*Тўхтамиши сўзим Яғайлага*) ёки 1422 йил 16 январида Шоҳруҳ Мирзонинг Талхан ота мозорининг мужовурига берган нишони *Шоҳруҳ баҳадур сўзим діванларға* (*Шоҳруҳ баҳодир сўзим девонларга*) деб бошланган. Бу даврда ёрлиқларига яна бир компонент қўшилганлигини кузатишимиш мумкин. Ёрлик берувчи (адресант) билан бирга ёрлик йўлланувчи томон (адресат) ҳам киритилган<sup>2</sup>. Ёрлиқларнинг «сўзим/сўзимиз» жумласи билан бошланиши анъанаси Кўқон хонлиги даврида ҳам давом этди. Форс тилидаги ёрлиқлар ҳам бу жумла билан бошланган.

Қуйида Худоёрхон томонидан саййид Жалолиддинхўжага берилган форс тилидаги ёрлиқнинг ўзбек тилида таржимасини келтирамиз:

*Ҳувал Ҳайюл Қайюм Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур саййид Мухаммад Худоёр ва-л-наъми хон баҳодир сўзимиз Айни замонда Короскон вилоятининг – Аллоҳ оғат ва нуқсонлардан сақласун – ва Адак ва Говхона мавзесининг ҳокимлари ва буюк омиллари, шарифлар ҳайъати ва яшовчи ва турувчи ўрта ҳол раъият, ўрта ҳол ҳалқлари ва барча мубоширлари ҳамда мутлақ соҳиби дахллари воқиф ва огоҳ бўлиб билсунларки, дуогўйлик ва хайриҳоҳликлари қадимдан, ота-боболаридан тортиб, уларнинг орзу-умидлари юзасидан ва саййидлик, пок зотлик, асллик ва шарофатлик аҳволлари юзасидан зоҳир ва аъёндир. Шунга биноан, эшон саййид Жалолиддинхўжса шавкатлик хонадонга ва ва салтанат сулоласига маълум ва хотиримиздадир. Шунинг учун ўтмии хоқонларнинг ва кетма-кет ҳукм сурган хонларнинг расмий варақалари мазмунидин қаноат ҳосил қилиб, бу хусусда ўзимизни марҳаматимизни кўрсатиб, хирож ва танобона ҳамда бошиқа юрт жамаргаларидан собиқ дастур билан ҳоли қиласиз. Ҳокимлар ва амлокдорлар ҳамда сultonлик ишларининг мутакаффиллари юқорида ишорат қилинганни пешво деб билиб, қадимий дастур билан озод қилинган ва ўчирилган билиб, даҳл ва тажсовуз қиласликлари лозим.*

<sup>1</sup> Содиков Қ. Туркий хужжатчилик тарихидан. – Т., 2014. — Б. 15.

<sup>2</sup> Содиков Қ. Туркий хужжатчилик тарихидан. – Т., 2014. — Б. 17-18.



Шунга асосан муқаррар ҳисоблаб, ҳар йили қайтадан янги нишон талаб ва тамаъ қилмасынлар, карам қилиб ёзилган ҳукми ҳумоюн мазмунидан чиқмасынлар. Токи, мазкур эшон хотиржасылкік ва осойишталыкда давлатимиз доимийлиги дуоси билан машүүл бўлсинлар. Уибу шарофатлик, муқаддас, улуғ, юксак, аъло ҳукми ҳумоин бориб етар экан, тамоман ишионч ҳосил қилсинлар.

Сана 1269 (1852-53).

Муҳри Худоёрхон валенаъми бинни Шералихон.

Ёрлиқ типидаги ҳужжатларда одатда қуйидаги масалалар ўз аксини топади:

- Мансабга тайинлаш;
- Ҳукуқ ва имтиёзлар бериш;
- Солиқ ва мажбуриятлардан озод этиш;
- Жазога тортиш;
- Давлат ерларини сотиши<sup>1</sup>.

Қўқон хонлари томонидан Султон Сайд авлиё авлодларига берилган ёрликларда эса Караскан, Қизилработ, Адак ва Говхона экин ерлари Султон Сайд авлиё мозори вақфи сифатида берилиши, мозор мутаваллигига тайинланиш, солиқ ва мажбуриятлардан озод этиш, сайдларни ҳурмат қилиш, уларга зиён-заҳмат етказмаслик каби масалаларини ўз ичига олган. Хусусан, Кўқон хони Умархон томонидан 1235/1820-21 йилда Мўминхўжага берилган ёрлиқда мутаваллилик қадим замонлардан ота-боболаридан тортиб унга тааллук бўлиб келганлиги, вакфлар ва назрлар эса у билан Бобохўжа қозига хос бўлганлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Сайд Жалолиддинхўжага хонадоннинг Кўқон хонлиги даврида энг кўп ёрлиқ олган вакилидир, бунга ҳукмдорларнинг тез-тез алмашинуви сабаб бўлган бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир янги ҳукмдор даврида янги ёрликлар берилган. Шунингдек, ёрликларда парвоначидан ҳар йили янги нишон<sup>3</sup> талаб қилмасликлари таъкидланган бўлиб, ҳар йили янги ёрликлар берилган бўлиши ёки ёрлиқ тасдиқлатилиши керак бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Кўқон хонлиги даврида сарой қонунчилик актлари Ўрта Осиё сарой қонунчилик актларига мувофиқ тузилган. Сарой қонунчилик актлари нафақат ўша давр иш юритиш тизимини ўрганишда, балки давр ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тарихини ўрганишда ҳам аҳамиятлидир

<sup>1</sup> Султонов Ў.А. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси. – Т., 2019. – Б. 85.

<sup>2</sup> Ёрликлар тўплами. 17-хужжат.

<sup>3</sup> Нишон (форс.) – «белгі», ХВИ-ХIX асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган қонунчилик акти. Шунингдек бу даврда функцияси бир-бирига яқин бўлган маншур, фармон, ёрлиқ, ҳукм, парвона, иноятнома, омоннома, мархаматнома деб номланган қонунчилик актлари мавжуд бўлган. Ҳужжатшунос Л.Фекете бу ҳужжатлар араб (ҳукм, амр), форс (фармон, нишон, парвона), туркий (сўз, ёрлиқ, бўйруқ) тилларда номлансада, мазмунан бир-бирига яқин деган хулосага келган. (Қаранг: Султонов Ў.А. Тошкент вакф муносабатлари тарихига оид ёрликлар (ХВИ-ХIX асрлар) // Имом Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2015. №3 – Б. 52. / Султонов Ў.А. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси. – Тошкент, 2019. – Б. 84.

## ҚҮҚОН ХОНЛИГИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ РИВОЖИ

### ҚҮҚОН ХОНЛИГИ ҲУДУДИДАГИ ХАЛҚ БАЙРАМ - ТОМОШАЛАРИ ҲАҚИДА

*Қорабоев Усмон*

*Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомлик  
ва дизайн институти профессори, “Турон” фанлар  
Академияси академиги, фалсафа фанлари доктори*

XVIII – XIX асрларда - Қўқон хонлиги фаол ривожланган вақтда халқ маданий ҳаёти, байрам-маросимлари равнақ топган ва бу ўлкада азалдан байрамлар жуда катта тантаналар билан нишонланган. Бунда Қўқон аҳли қадимдан ўйин-кулгини хуш кўрадиган байрамсевар халқ бўлгани муҳим ўрин тутган. Шу сабабли Қўқон хонлиги ҳудудида ўтказилган байрам - томошаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Қўқон хонлари аввалига халқ ўртасида машхур бўлган байрамларга катта эътибор беришган ва уларда ўзлари ҳам қатнашишган. Масалан: Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли томонидан ёзилган “Анжум ат-таворих” (“Тарих юлдузлари”) асарида қайд этилишича, ...хукмдорнинг оиласи Наврӯз байрамини шаҳардан ташқарида бир ой давомида халқ сайли шаклида нишонлар, байрам якунида хон саройида умумий қабул эълон қилинар эди.[12:Б.1]. Қўқон хонлари халқ байрамлари бир қаторда ўз манфаатига мос тадбирларга ҳам эътибор беришган. Давлатчилик ривожланиши натижасида хонлик миқёсидаги ижтимоий-сиёсий байрамлар ҳамда хукмдор ҳаёти билан боғлиқ тўйлар, уларнинг фарзанд - неваралари ҳаёти билан боғлиқ маросимлар ўтказиш кенг ёйлади.

Маълумки, исломий байрамлар ҳам кенг ёйилиб, ушбу динга хос «Рўза ҳайити», «Курбон ҳайити», «Рамазон» каби байрамлар халқ ҳаётидан ўз ўрнини топади. Бу байрамларни ташкил қилиш учун «Намозгоҳ», «Ийдоҳ», «Мусалла-ийд» каби шаҳардан ташқари масканлар барпо этилган ва уларда ташкил қилинган ҳайит намозларида хонларнинг ўзлари ҳам қатнашишган.

Қўқон хонлиги равнақ топиши билан бу худуддаги байрамларда умумий жиҳатлар сақланиб қолинса ҳам, бироқ унда ўзига хосликлар пайдо бўла бошлаган.



Тарихчилар фикрича, Кўқон хонлари Умархон (1810—22) ва Мухаммад Алихон (1822—41) даврлари яққол ажralиб турди. Бу даврда қатор таникли ўзбек шоиралари - Дилшод отин, Зебунисо, Зиннат, Моҳзода Бегим, Маҳзуна, Муштарий, Нодира, Нозук Хоним, Увайсийлар ва кейинчалик Муқимий, Фурқат, Завқий каби етук бадиий сўз санъаткорлари етишиб чиқиб, улар ўз халқининг эрки ва озодлиги учун хизмат қилишди. Айниқса Муқимий, Фурқат, Завқий кабилар халқимизнинг гўзал байрамлари (Наврўз, Гул сайли)ни тараннум этишган. Наврўзни мадҳ этмаган Кўқонлик шоир бўлмаган. Жумладан, Муқимийнинг Наврўз ҳақидаги мисралари ҳанузгача машҳур:

*Навбаҳор! очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,  
Суҳбат айлайлик келинглар, жўралар, ўртоқлар!  
Фурқат Наврўзга атаб, туркум ғазаллар ижод этган;  
Қистирибдурму боши атрофига жсанона гул,  
Ё магар руҳсор шамъига эрур парвона гул...  
Тут ғанимат неча кун айшу тараф айёмини –  
Ким на булбул қолгуси бу боғаро, жено ва гул.*

Маълумки, баҳор байрамидан сўнг дехқонлар янги меҳнат мавсумини бошлишган. Дехқонлар ерга уруғ қадашларини нишонлаб, яхши ниятлар билан маҳсус маросимлар ўtkазилган.

Фасллар билан боғлик халқ байрам-томушалари. Водийда йил фасллари-га мос – баҳорги, ёзги, кузги ва қишки мавсумий маросим ва байрамлар мавжуд бўлган. Бу мавсумий байрам-маросимлар табиат ўзгаришлари, иқлим, йил фасллари, аҳолининг турмуш шароити, меҳнати, маданияти асосида шаклланиб ва ривожланиб боргани учун ҳар фаслга мос, яъни эрта баҳорда – меҳнат мавсумига киришдан олдин (Наврўз, Гул сайли, Шоҳ мойлар), ёзда – ҳосилни йиғиштиришдан олдин (Сув сайли, Чой момо), кузда – ҳосил йигиб олинганидан сўнг (Хирмон тўйи, Қовун сайли, Узум сайли) ва қиша чорвадор-дехқонларда бўш вақт қўпайганида (Қор хат, Яс-юсун, Гап-гаштак, Курултой) мавсумий маросим ва байрамлар ўtkазилиб келинган.

«Наврўз» кўп жойларда дала ишлари бошлангунга бозор олдидағи майдонларда ёки шаҳар чеккаларидағи маҳсус сайилгоҳларда уюштирилган. Байрамнинг биринчи куни, одатда, қуйидагича бўлган: эрталаб карнай-сурнайлар чалиниб, байрам бошлангани маълум қилинган. Сўнг дорбозлар ва полвонлар, кун ўртасида мусиқачилар, қўшиқчилар ва бошқа санъаткорлар томоша кўрсатишган. Кечки пайт эса сайиллар, халқ ўйинлари, базмлар уюштирилган.

Кун сайин томоша ва мусобақалар авжга чиқа бошлаган. Масҳарабозларнинг чиқишилари байрамда алоҳида ўрин тутган. Кўпкари, кураш, пойга каби мусобақалар байрамнинг кўрки саналган. Шу билан бирга, «Наврўз» байрами кунларида бедана, хўroz, кўчқор уриштиришлар ва қимор ўйинлари ҳам ўtkазилган.





«Наврӯз» кунлари энг катта бозорда савдо-сотиқлар ташкил қилинган ва ўша куни энг ширин таомлар тайёрланган. Чунончи баҳорнинг бошларида бу фаслнинг «шоҳона» таоми – сумалакка бағишлиланган сайил ўтказилган. Байрам кунлари Гулоб, Урик шарбат, Анор суви кабиларни ичиш урфи ҳам бўлган. Қўқон хонлари саройида ўтказилган базмларда шарбатлар шоҳона дастурхоннинг кўрки бўлган. “Ибратул хавоқин” (“Хоқонларга ибрат”) асари муаллифи Ниёз Муҳаммад Ҳўқандийнинг ёзишича, Тошкентга келган Умархон учун “Олиймақом сultonларга сазовор ва олийтабор хоқонларга лойик меҳмондорликни бошлаб, тождор хонларга хос дастурхонга оро бериб, турли неъматлар ва жондан ширинроқ шарбатларни ҳазрат жанобларига олиб кириб, сultonлик мажлиси саҳнини неъмату таом ва шарбатлар билан тўлдирдилар”. Ушбу қабулга таклиф этилганлар учун “Ошпазлар ва шарбатчилар олий саройда турли туман лазиз таомлар пишириб, ҳар хил шарбатларни тайёр ва мухайё қилиб қўярдилар” [12:Б.1].

Шоҳмояр деб номланган далага қўш чиқариш маросимига ҳар бир хонадон ўз имкониятидан келиб чиқиб, маҳсус тайёргарлик кўрган. Маросим ўтказиш вақтини қишлоқ оқсоқоллари белгилашган. Қўш чиқарилган жойга барча тўпланган. Оқсоқол дехқонлар ишига ривож тилаб, дуо қилган. Кейин қўшга олиб чиқилган хўқизларнинг шохларига «ёмон кўз тегмасин» деб зигир мойи суртилган ва инс-жинлар, ёмон руҳлар даф бўлсин, деб исириқ тутатилган. Қишлоқнинг кекса, ҳурматли оқсоқолларидан бири ерга қўш солишини бошлаб берган. Фольклоршунос олим Б.Саримсоқов кайд қилишича, оқсоқол қўш билан далада бир ёки уч марта бориб келган ва бу ишни ёшлар давом эттиришган. Сўнг далада зиёфат уюштирилган. Барча қишлоққа қайтиб, шод-хуррамлиkn давом эттирган.

«Дарвишон» - баҳор фасли ўтказиладиган тадбирлардан яна бири қуйидагича ўтказилган: ҳар йили эрта баҳор фаслида қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида 2 - 3 киши уйма-уй юриб, пул ёки озиқ - овқат тўплаган. Сўнгра бирор кишининг ҳовлисида ёки масжид ҳовлисида овқат (ҳалим) пишириб, бутун маҳалла аҳли баҳам кўрган. Бундай маросим юртда бирор оғат юз берганида (касаллик тарқалганида, очарчилик бошланганида) ундан халос бўлиш ёки дехқончилик ишига мўл ҳосил тилаш ва бошқа ниятларда худога сифиниш, ундан мадад сўраш мақсадида ўтказилган. Бу маросим баҳорни кутиб олиш, янги ҳосил йилига руҳан тайёрланиш, яхши мақсадда курбонлик қилиш, тантана хурсандчилик қилиб, меҳнат мавсумига шайланиш каби ижтимоий фойдали функцияларни бажарган.

“Ясунмаросими” қадимда эркакларнинг ўзаро йигилиши замерида пайдо бўлган тадбирлардан биридир. Шунингдек, Яс-юсун маросими кўчманчи чорвадорларнинг қимизхўрлик маросими таъсирида ҳам шакланган бўлиши мумкин. Кейинчалик у ўтроқ ғаллакорлар ҳаётига ўтиб, уларнинг анъанасига айланган. Ғалла йиғишириб олингач, қишида ғаллакорларнинг бўш вақти кўпайган. Шунда ўттиз - қирқ киши қўшилиб, шерда



(мехмонхона)га мунтазам йиғилиб туришган. Шерданинг икки хил шакли мавжуд бўлган. Биринчиси – харажат ҳарпана (харифона), яъни барча иштирокчилар берган пул ёки нарсалар асосида, иккинчиси – ҳар кун бир кишининг харажат қилиши асосида ташкил қилинади. Шерданинг раиси, раиснинг ўнг ва чап оталиклари (ўринбосарлари) маросимни бошқаради. Булардан ташқари, ушбу маросимда эшик оғаси (шерда ўтадиган уй хўжайини), бий ва унинг ўринбосарлари, буйруқларни бажартирувчи ясовул, косагул (соқий) кабилар ҳам бўлади.

“Г а п – г а ш т а к” лар ҳам кеч кузги ва қишки дам олиш шакли сифатида пайдо бўлган. Маросим гаштак аъзоларининг уйида навбати билан ёки доимо бирорта бўш хонадонда ўтказилган. Ўтириш асосан кечки пайт бошланиб, баъзида тонгга қадар давом этган. Гап-гаштакни раис ва унинг ёрдамчиси бошқарган. Улар зиёфат беришнинг навбати, зиёфатнинг меъёри, ўтиришда ўтказиладиган ўйинлар гап-гаштак чоғида тартиб-интизом сақланиши кабилар устидан назорат олиб боришган.

«Қ у р у л т о й» - қиши фаслининг охири ёки эрта баҳорда ўтказиб келинган халқ йиғин - байрамлари қаторидан ўз ўрнини топган. Курултой ўрта асрларда Ўрта Осиёда чорвадорлар, дехқонлар ўртасида катта йиғилиш, мажлис сифатида ҳар йили эрта баҳорда ўтказиладиган тантанали байрамлардан бири бўлган. Курултойда мавсумнинг долзарб муаммолари ва режалар ҳақида маслаҳатлашиб олинган. Ўзаро келишув ва маслаҳатлар тугагач, оммавий халқ томошалари, от ўйинлари – пойга, улоқ («кўпкари») бошланиб, оммавий халқ сайиллари ўтказилган. Бундай анжуманни чорвадор ва дехқонлар сабрсизлик билан кутишган ва унга катта тайёргарлик кўришган.

Х а л қ т о м о ш а л а р и. Фарғона водийсидаги байрамлар таркибида турли тадбирлар: маросимлар, театрлаштирилган томошалар, намойишлар, халқ ўйинлари ўтказилган. Одатда, байрамининг очилиш маросим-тадбири сўнг, бир жойда – байрам кўрик-танловлар; иккинчи жойда – дор ўйини, полвонлар чиқишлиари; учинчи жойда – аския ва қизиқчиларнинг чиқишлиари, қўғирчоқ театри томошалари; тўртинчи жойда – бадиий жамоалари, бешинчи жойда – спорт мусобақалари (кураш, пойга, чавандозлик) кабилар ташкил қилинган.

Қўқон хонлиги байрамларида х а л қ т о м о ш а л а р и ва қизиқчилик алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқининг миллий томошаларини шартли равища икки турга бўлиш мумкин: 1) исталган вақтда ва ҳар қандай жойда бир неча масҳарабоз – қизиқчи намойиш этадиган «Кичик томошалар» (Улар Фарғона водийсида – «Кулги-ҳикоя» номи билан юритилган); 2) йирик халқ байрами кунлари маҳсус майдонларда юзлаб - минглаб кишилар олдида ўтказиладиган «Катта томошалар» (Бундай томошалар Фарғонада – «Катта масҳарабозлик» ёки «Катта ўйин» номи билан юритилган).

Аския - Қўқон хонлиги худудидаги халқларининг энг севимли жанри бўлган. Аския айниқса байрам кунлари авжга чиққан. Бу сўз санъати ўтмишда халқнинг орзу тилакларини, озодлик ва тинчлик, инсонпарварлик

ва меҳнатсеварлик ҳис-туйғуларини ифодалаб келган. «Меҳнаткаш ҳалқ орасидан чикқан сўз санъаткорлари — асқиячилар тил шамширининг ўткиртифи — сўз ўйинлари, чандиш, ўхшатиш, муболағалар орқали текинхўр бой ва бойваччаларнинг, фирибгар қози, эшонларнинг, ўғри ва қаллобларнинг қора ниятларини аёвсиз фош қилиб, улар устидан заҳархандалик билан кулдилар, жамият иллатларини кулги асосида танқид қилдилар, қашшоқлик билан оғир кун кечираётган меҳнаткашларни кулдириб, уларга маънавий озуқа бердилар»[6: Б. 5-6].

Ўзбек асқиячиларининг бу санъатига, бу жанрнинг бетакор формаси, экспромт ижрочилик хусусияти ва бошқа антиқа жиҳатларига турли ҳалқ вакилларининг лол қолганликлари ҳақида маълумотлар кам эмас. Буюк рус олими, этнографи, Ўрта Осиё ҳалқларининг революциягача бўлган ҳаёти-нинг тадқиқотчиси, «Туркистанда ярим умр» («Пол жизни в Туркестане») китобининг муаллифи Н.С.Ликошин санъатимизнинг бу турига алоҳида эътибор бериб: «Ўзбек ҳалқ санъати ва ўйинлари ичидаги асқия энг фикрга бой, кишилар ҳиссиётига ва онгига таъсир этувчи энг таъсирчан восита, кишини ҳайратда қолдирадиган оригинал баҳс (диспуттир)»[4:Б.45-46]— деб баҳолаган эди. Ўзбек санъатининг тадқиқотчиларидан бири, йирик совет олимаси А.Л.Троицская асқияга катта баҳо берди ва унинг ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида «асқия бўлаётган вақтда тингловчиларнинг йиқилгунга қадар кулишганларини кузатгани» ҳақида ёзади[10:Б.13,81-82.]. Хуллас, асқия кишиларда яхши кайфият уйғотовувчи ижтимоий- маданий ҳодиса сифатида аҳамиятли бўлган.

*Ҳалқ ўйинлари - Фарғона водийси аҳолиси орасида кенг тарқалиб, кундалик ҳаёти ва байрамларининг ажralmas қисмига айланган. Наврӯз байрами, иил фасллари билан боғлиқ ҳалқ сайллари, тўй маросимлари ижро этиладиган: “Кураш”, “Хопитии” (“чўмилши”) “Бекинмачоқ”, “Тўптоши”, “Кўғирчоқ”, “Хола-хола”, “Меҳмон-меҳмон”, “Шолғом тортиши”, “Оқ шолими-кўқ шоли?”, “Оқ теракми-кўқ терак”, “Даста”, “Ёнгоқ ўйини”, “Ботир бола”, “Данак яшириши”, “Топил-топил”, “Кулоқ чўзма” (ўзбек), “Мўнгуз-мўнгиз” “Камон-камон”, “Эшак минди”, “Ошиқ ўйини”, “Тўтиқ ўйини”, “Оқ сўнгак”, “Пар тепиши”, “Човгон”, “Ботир чўпон”, “Улоқ (кўпкари)”, “От пойгаси”, “Қиз қувди (қирғиз, ўзбек), “Парбози” (пар ўйини), “Кушакбози” (қум ўйини), “Чим-пўшишак” (чим кийди), “Кумкафанак” (қумда судоралии мусобақаси), “Дандон ба қошиқ” каби юзлаб ўйинлар мавжуд бўлган.*

Улоқ - байрам томошалари орасида оммалашганлиги билан ажralиб туради ҳалқ ўйинидир. У Наврӯзнинг энг қадимий ўйинларидан биридир. Улокнини ўтказиш учун маҳаллий анъанага кўра, томоша майдони сифатида қир-адирлар ёки текисликлар танланади. Ўтган асрнинг ўрталарида кўплаб худудларда мусобақа уюштириш учун маҳсус тайёрланган майдонлар бўлган. Унда юздан ортиқ чавандоз ўз оти билан майдонга киради. Чавандозлар тўдасидан улоқни олиб чиқиб кетиш ҳар кимга ҳам насиб

этавермайди. Санъватшунос - олим Иброҳим Абдураҳмонов маълумотларига қараганда: кўпкарининг уч хил кўринишдаги қоидаси: «улоқ айириш», «мехмон келди» ва «қоралиғ» деб аталаган. Улоқ айириш шартига кўра, чавандоз баковул томонидан ўртага ташланган улоқни тўдадан олиб чиқиб, олдиндан белгиланган манзилга етказиб берса, ҳалол ҳисобланади ва эълон қилинган совринлар унга тантанали топширилади.

Дорбозлик. Қўқон хонлиги худудидаги ҳалқларининг қадим мероси орасида дорбозлик санъати бой тарихга эга. У аввал. Ўзбекистоннинг Шарқий қисмида, айниқса Қўқон, Куба, Асакада тараққий этган. Ўтмишда ўзбек дорбозлари Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, 18-19 асрларда эса Россияда ўз маҳоратларини намойиш этганлари тўғрисида маълумотлар кўп.

Дастлаб дор паст қурилган, машқлари ҳам содда бўлган. Давр ўтиши билан дор тобора баландроқ қурилиб, ўйинлари мураккаблаша борган. У ўзининг кўп қирралиги ва мураккаблиги билан ажralиб туради. Унда ҳалқ ўйинлари, полвонлик, бесуяқ бозлик, масхарабозчалик, қизиқчилик, кўзбоғловчилик, нотиқлик, рақс, мусиқа каби анъанавий санъат ва спорт турлари уйғуналашиб кетган.

Гул сайллари. Қўқонликларнинг баҳор фаслига бағишлиланган маросим ва байрамлар орасида табиатнинг энг сўлим чечаги – гулга бағишлиланган сайиллар алоҳида ўрин тутган. Чунки табиат уйғониб, ўзгача чирой касб этган пайтда кишиларнинг сўлим жойларга бориб, ундан завқлангиси, баҳра олгиси келади. Табиат уйғониши билан эса тоғ бағрида, кир-адирларда турли гуллар очилади – табиат ўзининг гўзаллигини намоён қилади. Шу сабабли қадим даврларда ҳам «Наврўз»дан сўнг кир-адирларда гуллар қийғос очилганида турли сайиллар ўтказилган. Тарихий манбаларга қараганда Фарғона водийсида «Лола сайли», баъзи тоғли туманларда, жумладан Чустда «Сумбула сайли», яна бошқа жойларда «Бойчечак» каби байрамлар ўтказилган. Этнограф-фольклористлар берган маълумотларга қараганда, Фарғона водийсининг тоғ ёнбағриларида уюштирилган «Лола сайли» байрамини ҳалқ томонидан сайланган «Лолачилар» бошқарган.

«Лолачи» ўз дўстлари билан лола сайлини қачон ва қаерда ўтказилишини аниклаб, ҳалққа хабар берган. Сайил ўтказилишидан олдин «лолачи» ўз дўстлари билан маҳсус дарахт ёки дарахтнинг чиройли шохини кесиб олиб, лолалар билан безатган. Кейин уни қишлоқ кўчаларидан олиб ўтган. Буни кўрган одамлар кўчага чиқиб, кўнгилга туғиб қўйган орзу-истакларини айтиб, дарахт шохига турли мато парчалари, дастрўмоллар боғлашган. Сўнг «лолачи»га эргашиб, ўйин-кулгу қилишиб, кўшиқлар айтишиб, лолазор томон йўл олишган. Белгиланган жойга келишгандан сўнг «Гул дарахти» байрам ўтказиладиган майдон марказига ўрнатилган ва оқсоқолларнинг дуоси билан байрам бошланган [9:Б.374-380.]

\* \* \*



Кўқон байрам-тomoшалари ҳақида элчилар, сайёхлар, элшунослар ва бошқалар таассуроти. Ўрта ва кейини асрларда ўтказилган ўлкамизда байрамлар юксак даражада ўтказилгани ватанимизга ташриф буюрган сайёхлар, элчилар, этнографлар (Х.Вамбери, И.Иброҳимов, С.Никитин, Н.С.Ликошин, А.Эйхгорн кабилар) томонидан ҳам эътироф этилган. Улар мавсумий байрамларда кўрсатилган томошаларни юксак баҳолашган. Маҳаллий халқ учун оддий туюлган томошалар хорижликлар учун жуда қизиқарли антиқа ҳодиса бўлиб кўринган. Уларнинг баъзилари бу антиқа томошалар ҳақида ўз таассуротларини ёзиб қолдиришган. Наврӯз байрами Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган тарихчилар, элшунослар ва бошқа олимларда ҳам катта таассурот қолдириган.

Худоёрхон саройида бўлган рус элчисига тилмочлик қилган И.Иброҳимов 1872 йилда Кўқонда баҳор бошида уюштирилган катта сайилнинг иккинчи куни ва ундаги намойиш ҳақида қизиқарли маълумот ёзиб қолдириган: «Узокдан майдонга қараб, - деб ёзади И.Иброҳимов, - бир неча гурухларга бўлинган санъаткорлар келарди. Олдинги қаторда бир саф бўлиб мусиқачи ва ашулачилар, сўнгра фонусчалар билан безанганд қайиқларда саф-саф бўлиб баччалар ўтадилар... Майдонда қизлар кийимидағи баччалар гурухи пайдо бўлади. Улар қўлларида машъала кўтариб олишган... Сўнгра қизиқчилар гурухи кириб келади, бир тўда кишилар эса гуллар билан безатилган арча дарахтини кўтариб борадилар. Улар кетидан бир гурух актёрлар хор айтишиб, афсонавий қаҳрамон Рустам ва унинг хотини ҳайкали ўрнатилган ясама филни етаклаб келадилар. Рустам шоҳона ясанган, бироқ бошига узунчоқ қалпоқ кийиб олган. Кўлида таёқ, унга айланаб турувчи ер курраси ўрнатилган. Рустамнинг хотини тақинчоқлар билан безанганд. Худди турк аёлларига ўхшайди. Ҳар иккала қиёфа майдонга ўрнатилади ва улар гулхан ва машъала билан ёритилади»[3:11:Б.85].

Этнограф Н.С.Ликошин 1902 йилда Хўжандда қози Саид Аҳмадхон Бузрукхўжаев ўғлиниң суннат тўйида антиқа томошани кўриб, қуйидаги ларни ёзади: «Кенг кўчада катта тўп келмоқда. Олдинда никоб кийган ўйинчилар. Улар ортидан айиқ никобидаги киши ўйнаб келади. Унинг орқасидан ёғоч от минган кишилар от юриш қилиб йўрғалаб келаётир. Шундан сўнг кокил таққан баччалар, ёғоч қилич билан куролланган жангчилар ўтади. Уларнинг ҳаммаси қизил тўн ва қизил салла ўрашган, улар орқасидан араб ҳикоясидаги Шахризода кийимини кийган кишилар турли матолар билан безатилган нарсани кўтариб ўтадилар (Н.С.Ликошин таърифидан яққол англашилиб турибдики, бу ерда гап «Кема ўйин» ҳақида бормоқда). Сўнгра бир қанча кишилар елкаларида Рустамнинг забардаст суратини кўтариб ўтадилар. Бу сурат яхши ишланган: қизил юз, қора соқол, сартга ўхшайди, олтинсимон рангли салла ўраган, зангор баҳмал тўн кийган, заррин попуклик қилич таққан ...»[5:11:Б.86-88].





Умуман олганда, XVI-XIX асрларда эса тез-тез урушлар бўлиши, хонлик ва бекликларга бўлиниш юз бериши байрам, маросимлар ўtkазилишига салбий таъсир кўрсатса ҳам. Кўқон хонлари даврида маданият равнақ топиб, байрам-маросимлар кенг ривожланган.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Бобобеков Ҳ., Кўқон тарихи, Т., 1996.
2. Вамбери Г. Очерки жизни и нравов Востока. СПб, 1877, стр. 205.
3. Ибрагимов И. Русское посольство в Коканде // Туркестанские ведомости. 1972. 24 апреля. № 16. ). (Кўчирма олинди: Муҳсин Қодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. - «Фан». 1993. – 85 – бет.
4. Ликошин Н. С. Чем развлекаются туземцы. Ежегодник Туркестанского Народного университета. № 2, Тошкент, 1918, 45—46- бетлар
5. Ликошин Н.С. Пол жизни в Туркестане. С. 34 – 35). (Кўчирма олинди: М. Қодиров Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т.: «Фан». 1993. – 86 - 88 – бетлар.
6. Мұхаммадиев Р. Асия. Faфур Fулом номмдаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970, 5—6-бетлар.
7. Никитин Л.Н. Письма из Бухары // Туркестанские ведомости. 1885. 14 мая.
8. Саримсоқов Б. Маросим фольклори // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т., 1990. – 117-бет
9. Пешерева Е.М. Праздник тюлпана (лола) в сел. Исфара Кокандского уезда // сборник Бартольду В.В. – Т.: 1927, с.374 –380
10. Троицкая А.Л. А.Л. Из истории народного цирка в Узбекистане, журнал «Энтомография», М., 1948, 13, 81—82-бетлар.
11. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Т.: «Фан». 1993. – 86 - 88 – бетлар.
12. Эгамбердиев А. Хонлар ва амирлар ўтказган базмлар дастурхонининг кўрки. <http://uz.aуз/posts/328760>.



НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИ АНЬАНАЛАРИНИНГ ҚЎҚОН  
ХОНЛИГИ ДАВРИДАГИ ТАКОМИЛИ  
(Сайид Умархон девони мисолида)

*Содиқов Қосимжон*  
*Филология фанлари доктори, профессор, ТДШУ*

Қўқон хонлиги даври адабий муҳити, унинг равнақига катта ҳисса қўшган кишилардан бири Сайид Умархондир. У 1809–1822 йилларда юртни бошқарган; ўша давр тарихчилари ва тазкиранависларининг ёзишига қараганда, ўзи ўқимишли, санъат ва адабиётни севган, шоиру билим кишиларининг ҳомийси эди. Умархон *Amīr~Amīrī* тахаллуси билан туркий ва форсий тилларда шеърлар битган. Ўзбек адабиёти тарихида девони билан таниқли.

Умархон неча йиллар Қўқон адабий муҳитининг бошида турди. Унинг топшириғига кўра Фазлий ўз даври шоирларининг тазкирасини тузган эди. Бу жараёнларни ва ўша кезларда яратилган китобларни адабиётшунослар яхши билади.

Умархон ўз девонининг дебочасида халқ фаровонлиги йўлида олиб борган ишлари, девонининг яратилиш тарихи тўғрисида яхши маълумот берган.

**Сайид Умархон девонининг тавсифи**

Ишда мен Амирий девонининг учта нусхасидан фойдаландим.

(1) Биринчи манба Амирий девонининг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзма нусхасидир. У Амир Умархон тарафидан туздирилиб, турк сultonига совға қилинган «Мұхаббатнома» деб аталувчи мажмуя таркибида. Тўплам 1234/1818–19 йили қўчирилган бўлиб, кутубхонада 5452- рақам остида сақланаётир.

Мажмууга Алишер Навоийнинг «Ҳазойину-л-маоний»си таркибидаги тўртала девони, сўнг Сайид Умархон, Лутфий ва Фузулий девонлари киритилган (*тўлиқ маълумот учун қаранг*: Эркинов 2021,283–290).

Девон Амирийнинг ўзбек ёзма адабий тилидаги гўзал бир бадиий дебочаси билан бошланган. Дебоча қўлёзманинг 350b- бетидан бошланиб, 353a- бетида тугайди. Матни насрда бўлиб, ора-ора рубойи, китъя, маснавий ва байтлар билан бойитилган.

Қўлёзманинг 350b–351a- бетларига қўш зарварақ ишланиб, дебоча унинг ичига бир устунда ёзиб чиқилган. Давоми кейинги тўрт бетга сидирғасига битилган; ҳошиялари нақшли.

353b–354a- бетларга симметрик ҳолда иккита унвон ишланган. Девон ана шу бетлардан бошланади. Матн икки устунга олинниб, тевараги нақш билан ўроғлиқ. Кейинги бетларда эса ўргада ҳам, ҳошиядга ҳам шеърлар битилган. Уларнинг ҳам тевараги нақшли.

Девон бошдан-охир қўш чизиқли жадвал билан ўралган; ўта кўркли қўлёзма. Хати чиройли насхтаълиқда.

(2) Манбалардан иккинчиси Амирий девонининг Россия ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмасидир (қаранг: DAM). Мисоллар унинг факсимиль нашридан олинди.

Девоннинг ушбу қўлёзмаси ҳам дебоча билан бошланган. Дебоча 1b-саҳифадан бошланиб, 7a- саҳифада тугайди. Дебочадан сўнг бўш варақлар бор. Девон матни эса 9b- саҳифадан бошланиб, 23b- саҳифада тугайди. Орада бир неча варақ ва девон тугагандан кейин ҳам яна бир варақ бўш.

Дебоча икки чизиқли – чети кўк, ичидагиси зарҳал жадвалга олинган. Девондаги шеърлар эса икки устунли зарҳал жадвалга ўроғлик. Четидан яна умумий қилиб кўк чизиқ билан ўраб қўйилибди. Шеърлар ораси ҳам қўшалоқ зарҳал чизиқлар билан ўртаси бўш қолдирилиб, ажратиб чиқилган.

Хати қорада. Дебочанинг хати ҳам қорада, бироқ орада кечган байтларнинг бошланишидаги *rubā'î, qīt'a, masnavî, bayt, naṣm* сингари қўрсаткич-ёзувлар, шеърларни ажратиб турувчи нуқтачалар, шунингдек, айrim сўзлар устига тортиб қўйилган чизиқчалар қизилда.

Ёзув тури настаъликда, унга шикаста услуби ҳам қоришиб кетади.

Қўлёzmани ким қўчирганлиги маълум эмас. Лекин муқовасига ишланган тамғада сахҳофнинг оти ва китобнинг яратилган йили (мулла Аваз Мухаммад; 1262/1846 йил) ёзиб қўйилибди (۱۲۶۲ عمل ملا عوض محمد صحف).

(3) Мен фойдаланган манбалардан учинчиси Амирий девонинг Истанбулда тошбосма усулида чоп этилган араб ёзувли ҳарфтерма нашридир (İslâmbul, 1299).

Ушбу нашр анча жиддий қўлёзма асосида яратилган қўринади. Унинг бошқа қўлёзмаларда учрамайдиган ютуқ ва афзалликлари бор.

Сайд Умархон девонининг ушбу нусхаси ҳам дебоча билан бошланган. Унга «*Kitâb Debâčâ-yî devân-i ‘Umarxan amîr-i Farğâna*» деб ёзиб қўйилибди (DA.2).

Дебоча тугагач, «*Tamâm šud Debâčâ-yî Sayid ‘Umarxan amîr-i Xoqand dar Qusṭanṭâniya. Sana 1299*» деб ёзилган (DA.6).

Девоннинг бошланишига «*Devân-i ‘Umarxan amîr-i Farğâna*» деб сарлавҳа қўйилган (DA.8).

Девондан жой олган шеърларга *ḥamد, na't, γazal, mukhammas, musaddas, tarjî'band, band, fardiyât* сингари сарлавҳалар қўйиб борилган.

Амирий улуғ ижодкорлар Навоий, Жомий, Лутфий, Сойиб, Камол, Бедил, Холис, Нобий сингари шоирларнинг шеърларига мухаммаслар боғланган. Девоннинг ушбу нусхасида орадаги мухаммасларнинг қай бир шоир шеърига боғланаётганини қўрсатиш мақсадида «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Navâyî*» (DA.25,4); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Bedil*» (DA.25,4); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Şâyîb*» (DA.16,17); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Jâmî*» (DA.180,6); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Luṭfî*» (DA.178,21); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Xâliş*» (DA.151,26); «*Muxammas-i Amîr bar γazal-i Nâbî*» (DA.206,9) сингари сарлавҳалар қўйиб кетилган.

Амирий энг кўп мухаммасларини Навоий ғазалларига боғлаган.

Сайд Умархон девонининг ўзига хослиги шундаки, у ширу шакар усулида бўлиб, тўпламга киритилган шеърлар туркий ва форсий тиллари дадир. «Девони Амирий» тошбосма нашрининг сўнгида келтирилган колофонда ушбу китоб «Хоqand-u Faryāna zamīn ḥukmdārī Sayid ‘Umarxan ḥaḍratlarinij šīr-u šakar miṣāl fārsī va türkī Amīr taxalluṣlī devānī» дея қайд этилган (DA.221,5–6).

Дебочада шоир ўз шеърларининг туркий тил ва форсий лафз билан ёзилганини шундай ургулаган: Ba’disi türk sumanbarlarř savdāsidiň türkī til birlä aytılıyan va ba’disi tāžik parîvaşlarinij sarv-i qaddi havāsida fārsī lafz birlä yazılıyan erdi (DAI.353a,5–7).

Дебоча бадиий тилда: турли поэтик санъатлардан унумли фойдаланилган. Куйидаги жумлаларнинг услубига эътибор қилинг:

‘ilm-i dāniš nūriddin bahra aldīm, funūn-u ma’ānī javāhirlarıdin könjüл xazinasıya saldīm (DAI.352a,26–27).

Va čūn har abyāt gūharlarin xayāl dafinasidin terip va har nażm javharlarin andişa xazinasidin čiqrarip zāhir qilur erdim (DAI.352b,15–17).

Ul musāvvadalarni jam’ qilip ayyārdin pinhān tutup, juz-i devān ganjinasida yaşurur erdim va gāhî birär yazal-kim, mulâzimlar arasında maşhūr bolup qalur erdi (DAI.352b,18–20).

### Қўқон хонлигига ота-боболар меросига ёндашув

Темурийлар сулоласи ва ҳокимияти (1370–1506) мусулмон шарқининг кўп мамлакатлари учун намунавий модель саналиб, унга бир неча юз йил мобайнида тақлид қилиб келинган. Айни жараёнда Амир Темур шахсияти ва сўнгги темурийлардан бўлмиш Ҳусайн Бойқаро давридаги Ҳирот маданий, адабий мухитининг ўрни катта бўлган (Эркинов 2021,271–274).

Қўқон хонлиги давридаги давлат бошқаруви, маданий ва адабий ҳаёт, ҳатто ёзма адабий тил ҳам, кўп жиҳатдан, темурийлар сулоласига, улар яратган адабиёт ва ёзма адабий тил анъаналарига эргашади.

Қўқон хонлигига, айниқса, Умархоннинг юрга эгалиги чоғида ижтимоий-сиёсий мухит изга тушиб, фан, адабиёт ва санъат ривожлана бошлади. Бу давр хонлик тарихида маданий кўтарилишлар, юксалишлар билан ажralиб туради. Қўқон хонлари ўз тарихи, миллий маданияти, ота-боболарининг анъаналари, айниқса, ўзларининг келиб чиқиши, генеалогиясига катта эътибор қаратдилар.

Қўқон хонлари ўзларининг генеалогиясини темурийларга боғлаганлар (қаранг: Эркинов 2021,ўша жойда).

Умархон ўз девонига ёзган дебочасида ўзининг келиб чиқишини Амир Темур ва Бобур султон билан боғлаб: «Vujūdum gulbunī Temür körägän gulistānij ūjalarasinij ʂamarasidur... Va xilqatim nihālī-kim, Bābur sultān čamanij navbādasidur» дея ургулаган эди (DAM.2b,10–13).



Сайд Умархон давлат сиёсати ва жамият бошқарувида темурий хукмдорлардан бўлмиш Ҳусайн Бойқаро йўлини тутган эса-да, шеъриятда кўпроқ Навоий, Лутфий ва Фузулийга эргашди. Бу нарса уларнинг шеърларида боғлаган мухаммасларида, тақлид қилиб ёзган ғазалларида, уларнинг мавзу кўлами, поэтикаси, тили ва услубида шундоққина билиниб туради.

Қизифи шундаки, бу анъана Умархон ижодигагина эмас, ўша давр Кўқон адабий муҳити намояндаларининг асарлариغا ҳам хос.

Хозирги замон ориенталистикасида XV юз йилнинг иккинчи ярми – XVI юз йил бошларидаги туркий адабиётнинг классик босқичини «чиғатой адабиёти», тилини эса «туркий», «эски ўзбек тили» отлари билан ёнма-ён «чиғатой тили», «чиғатой туркийси» деб аталаётир. Бу отнинг тарихий келиб чиқиши, унинг маънолари, айниқса, туркий тилга нисбатан қўлланиш қўламини Я. Эккман ўз асарларида кенг ва яхши берган (қаранг: Eckmann 1996, 133–139).

*Čiyatay ~ čayatay* сўзи атама сифатида XIII юз йилдан бошлаб қўлланган. Манбаларга қараганда, бу атама бошлаб (XIII–XIV юз йилларда) Чигатайхон сулоласи (турк-мўғуллар), давлат ҳокимиятининг олий табақа вакиллари, шунингдек, черикка нисбатан қўлланган. Кейинчалик (XV юз йилда) бутун Мовароуннаҳр ва Хурросондаги турк улусига нисбатан, XVI юз йилдан бошлаб Мовароуннаҳрдаги ҳам туркий, ҳам форсий тилли улусга нисбатан ишлатилган (Благова 1982, 155–156).

XV–XVI юз йилларда бу атаманинг ижтимоий-сиёсий вазифаси кенгайган бир шароитда бутун Мовароуннаҳр элини, унинг ҳалқини ва тилини ҳам ифодалай бошлади: юртни, элини *Čiyatay ~ Čayatay*, *Čiyatay ~ Čayatay eli*, ҳалқини *čiyatay ~ čayatay ulusī*, *čiyatay ~ čayatay xalqī*, унинг тилини эса *čiyatay ~ čayatay tili* дейилди.


Алишер Навоий ҳам ўз асарларида *čiyatay ~ čayatay* атамасини ишлатган. «Фавойиду-л-кибар»да кечган ғазалларнинг бирида шундай байт бор:

Navāyī istä mažāhirda čehra-i maqṣūd,  
Arab-u gar čiyatay, yoqsa türkmän-u xalaj (FK.211a,6).

Бу байтда *čiyatay* деганда «халқ, улус» кўзда тутилган.

Навоий *čayatay xalqī* атамасини ҳам ишлатган. У «Мезону-л-авзон» рисоласида *tuuyı*, *qośıq* сингари туркий шеър ўлчовлари хусусида хабар берар экан, ёзади: Yana türk ulusī, bataxşīs čaŷatay xalqī ara šāye' avzān-kim, alar surudlarin ul vaznlar bilä yasap, majälīsda ayturlar (MA.275b, 25–276a, 1).

«Мезону-л-авзон»да Навоий *türk tili* атамаси билан ёнма-ён *čayatay lafżī* атамасини ҳам қўллаган: Türk tili bilä qalam surdum va har nečük qāidada-kim, ma'ni abkārīya ziynat-u ārāyiš körgüzüp erdilär, čaŷatay lafżī bilä raqam urdum. Andaq-kim, bu maðkūr bolyan til-u lafż bināsīdur, heč nāzimya bu dast bermäydür va heč rāqimya bu muyassar bolmaydur (MA.269b, 6–8).





čiyyatay tili атамаси *türkçä*, *türkî* атамалари билан ёнма-ён қўлланиб, китобий адабий тилни фарқлаш учун ҳам хизмат қила бошлади.

Манбаларда *čiyyatay türkisi* дейилганда XV–XVI юз йиллардаги китобий ёзма тил қўзда тутилган. Ушбу атама ҳам қорахонийлар даври манбаларида қўлланган «буғрахон тили», «хоқония тили», «кошғар тили» атамалари сингари адабий тилни англатади. Темурийлар замонида Мовароуннаҳр ва Ҳурросон адабий, маданий муҳитида шаклланган адабий тил («чиғатой тили») шу ўлкадагина эмас, балки Марказий Осиёдаги бутун турк-мусулмон муҳитининг китобий адабий тили даражасига кўтарилган эди.

XVI юз йилда юз берган темурийлар салтанатининг инқирози ва Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятининг барпо этилуви, ўзбек-қипчоқларниң бу ўлкага кириб келуви оқибатида ушбу атама ҳам истеъмолдан чиқа бошлади.

Қизифи шундаки, Сайд Умархон девони Истанбул тошбосма нашрининг илк бетидаги усмонлича аннотацияда ушбу китоб Мовароуннаҳр ва Фарғона шоирларининг чиғатой ва форсий тилда битган асарларидан бири экани (Čayatay va fārsī lisānlarī üzrä Māvarāu-n-nahr va Faryāna zamīn šu'arāsīnīj adabiyata dair aşarlarī olan (Devān-i Amīr va Majmuatu-š-šu'arā) nām kitāb) ёзиб қўйилган (DA.1). Бу жумлада Умархон девони чиғатой тилида экани таъкидланмоқда.

### Қўқон хонлиги даври ўзбек ёзма адабий тили

Қўқон хонлиги даврида яратилган ёзма манбалар тили темурийлар даври ёзма адабий тили (яъни *čiyyatay tili*), ўша чоғларда шаклланган ва улуғ ижодкорлар тарафидан ишлаб чиқилган ёзма адабий тил ўлчовларини яхши сақлаганлиги билан ажralиб туради.

Амирий ғазалларидан олинган байтларнинг услубига эътибор қилинг:


Qalmadī köylümdä la'līñ ārzūsi yaşurun,  
Ul şifat-kim, şīşada pinhān emäs gulgūn şarāb (DAM.30b,3).

Boldī tā h̄usnujnī šāhī ‘išq mulkidä Amīr,  
Jān-u dil birlä köyl̄ devānasī äylär du'ā (DAİ.355b,7).

Ğamza birlä dambadam äylär halākim muŷbača,  
Bolmas ārām-i dil anduhīna-kim, muŷbača (DAİ.356aH,7-8).

Ёки *zeb* радифли ғазалидан:

Gul niqābīn ačmadī gulşanda sunbul tapmadī,  
Berdi tā ruxsārīya ul ṭurra-i ṭarrār zeb.



Qan tökär har laḥza yaš ornīya köz mardumlarī,  
Tā beripdür ‘ārađīya γāza birlän yār zeb.

‘Ārađī xaṭ zāhir äyläp boldī manzūr Amīr,  
Berdi bu āyīna iqbalīya zangār zeb (DAM.24b,9–11).

Сезган бўлсангиз, келтирилган байтлар поэтика доирасидагина эмас, фонетик, морфологик, услубий жиҳатдан ҳам чигатой тили асарларига ўхшаб кетади.

Қуйида матн тилининг классик тилга мос келувчи ва ундан фарқланувчи айрим қирраларига тўхталааман.

Амирий шеърларининг унлилар тизими шундай: [a], [ă], [e], [i], [i], [o], [ö], [u], [ü].

Ўзлашган сўзларда чўзиқ [ă], [i], [ö], [ü] унлилари ҳам ишлатилган. Лекин улар туркий йўғон [a], [i], [o], [u] унлиларига вариант сифатидадир.

Унлилар тизими ёзувда учта ҳарф ва ҳаракатлар билан берилган: *alif* ҳарфи [a]~[ă], [ă], [e] ларни; *uā* ҳарфи [e], [i]~[i], [i] ларни; *vāv* ҳарфи [o]~[ö], [ö], [u]~[ü], [ü] ларни ифода этади. Сўз охирида [a], [ă], [i], [i], [e] товушлари билан ҳам ифодаланади.

Муҳими, Амирий шеърларида эски ўзбек тили учун аҳамиятли саналган унлилар уйғуналиги (туркий сингармонизм) ҳодисаси яхши сақланган: *tamāšāq* (DAI.354a,6); *aylayıl* (DAI.353b,3); *yoqluy tayī* (DAI.352a,9); *tanıqlıq* (DAI.353b,12); *şafqat körgüzdüm* (DAI.352a,1); *yekürdüm* (DAI.352a,17); *köylüm* (DA.93,9).

Буда ҳодиса матн оҳангига, жозибосини таъминлашга ишлайди. Араб ва форс шеъриятида аруз оҳангига унлиларнинг чўзиқ-қисқалигига таянган бўлса, туркий арузнинг оҳангига унлиларнинг чўзиқ-қисқалиги билан бир қаторда, сўздаги унлиларнинг уйғуналиги, уларнинг ингичка-йўғонлигига ҳам таянади.

Байтларнинг оҳангига эътибор қилинг:

Yā ajal, yā mehnat hajrīj meni öltürgusi,  
Qīl alardīn ilgāri jān almaq istär-sen šitāb (DAM.30b,5).

Kečä taŋ atqunča hajrīj bazmida may ornīya  
Meñä la’līj yādida xūn jigar boldī ma’āš (DAM.99a,2).

Bāda tābīdīn yüzüj şavqī čamanşa urdī ot,  
Küydürüp gul şāxī bargın qıldī bulbulnī kabāb (DAM.30b,1).

Elgä ot saldīj vale men nātavānγa tüsti ot (DAM.42b,2).



Унлилар теграсидаги танглай ва лаб уйғунлиги, ундошлардаги жаранглилик / жарангсизлик уйғунлиги туфайли, ҳар бир қўшимчанинг фонетик вариантлари бор, худди Навоий асарларида ишлатилгани сингари.

Араб ва форс тилидан ўзлашган сўзларга қўшимчаларнинг йўғон вариантлари қўшилади: *sulṭānīyya* (DA.93,12); *vayrānīyya* (DA.93,9); *γατ dāmīya* (DAM.47a,7); *kitāb silkīya* (DAI.352b,17) сингари. Байтларда шундай келган:

Tökär-men qanīnī har kim-ki dildārīyya dušmandur,  
Mejä dušman erür ham-kim, meniŋ yārīyya dušmandur (DA.62,20).

Bolma maḥzūn bāybān bāyīṛa kirmās mahvašīm,  
Sarvdur qaddī anī ruxsārīdīn gulzārī bar (DA.63,26).


Қўлёзмаларда *bā* ҳарфи жарангли [b] ва жарангсиз [p] ундошларини билдиради; айрим ўринлардагина [p] ни айириб кўрсатиш учун уч нуқтали ҹ дан ҳам фойдаланилган; *kāf* ҳарфи [k] ва [g] ни англатади; *jīm* ҳарфи [j] билан бир қаторда [č] товушини ҳам билдиради; айрим ўринлардагина [č] ни айириб кўрсатиш учун уч нуқтали ҹ ҳарфи ҳам ишлатилади.

Амирий шеърлари тилида сиргалувчи (икки маҳраж орасидаги) [ž] товуши ҳам бор; матнда у ј ҳарфи билан ифодаланади: *mužda* (مزده) (DA.19,20); *mužgān* (مزگان) (DA.80,3); *aždar* (اژدر) (DA.167,28); *tāžīk* (تازیک) (DAI.353a,6) сўзларидаги сингари .

Байтда шундай келган:

Šahīd-i nāz mužgānī erür-men,  
Bu xanjardur meni jānīyya maxşūs (DA.93,15).

Мухими шундаки, араб ёзувли туркий матнларда, хусусан, Амирий девони қўлёзмасида ҳам, араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни англатувчи ҳарфлар туркий матнларда ҳам ўзгаришсиз ёзилган. Бундай сўзлар арабча матнларда қандай ёзилса, туркий матнларда ҳам ўшандайлигича қолади: *qışşa* (قصه) (DAM.80a,10); *maxşūs* (مخصوص) (DAM.101a,3); *‘arūd* (عروض) (DAM.6b,13); *xaṭ* (خط) (DAM.100b,7); *laṭāfat* (لطافت) (DAM.205a,11); *żulm* (ظلم) (DAM.133b,6); *ḥamd-u ṣanā* (حمد و شنا) (DAI.351b,1); *dakīṭab'* (ذکر طبع) (DAI.352b,23); *jihān* (جهنن) (DAM.124b,11) сўзларидаги сингари. Лекин улардаги араб тилигагина хос бўлган товушларни туркий тил талабларига бўйсунган ҳолда талаффуз этилган. Масалан, арабчадан ўзлашган сўзлардаги ҹ ва ҹ туркий матнлар тилида [s]; ڏ، ڏ، ڻ ва ڻ ҳарфлари [z], ڦ



харфи – [t], арабча ئ va ح харфлари туркий матнларда [h] сифатида талаффуз қилинган.

Девон тилида қуидаги фонетик ҳодисалар күзатилади:

Айрим туркий сўзларда жарангсиз [p] нинг [f] га ўзгариш ҳодисаси: *tufrayidin* (تفراغیدن) (DA.19,4).

Сўз охирида [w] товушининг тушиши ва бунинг эвазига ундан аввалги унлиниг чўзиқ айтилиши; қорахонийлар даври ёдгорликларида қўлланган *suw* сўзи Амирий девонида *su* шаклида ишлатилган: *qaṭra sudīn* (قطره سودین) (DAM.2a,12); *tuz suyī* (تور سویی) (DAM.46b,4); *kavṣar suyī* (DAM.46b,10) сингари. Шундай ҳодиса Навоий асарларида ҳам бор.

Сўз охирида [γ] товушининг тушиши ва бунинг эвазига ундан аввалги унлиниг чўзилиши: *qanlıγ yašīm* ўрнида *qanlu yašīt* ишлатилади. Байтда шундай келган:

‘Ārađīn pīnhān qīlur qanlu yašīm körgäč, Amīr,  
Öylä-kim, yayīn kūni tüšmiš quyaš üzrä saḥāb (DAM.27b,1).

Навоий асарларидан фарқли ўлароқ, Амирий девонида, баъзан, товушлар ўйғунлигининг бузилиш ҳолати ҳам учраб қолади. Масалан, қуидаги байтга эътибор қилинг:

Jihān sawuyligidä bar iṣiqlīγ,  
Ne üçün-kim, kelür qīsdīn kin yaz? (DAM.83a,5).

Ушбу байтда *sawuyliγida* ўрнига *sawuyligidä* (ساو غلېكىدە) ёзилган.

Ёки: Кеčä kündüzya berdi šā'm mehr-i māh ilä ārā (DA.353b,5).

Үйғунликнинг бузилиши қофия талабига кўра ҳам юз берган ўринлар бор:

Kömgän yaŋlıγ keräk γam tayī üzrä yürgäli,  
Fikr ilä āsān emäs šīrīn labiŋni sorgäli (DAM.42a,13).

Ушбу байтда қофия эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда *soryali* ўрнига *sorgäli* ёзилган. Чунки бу шеърнинг бошқа байтлари *etkäli*, *raŋīn etkäli*, *ot ürgäli*, *küydürgäli* сўзлари билан қофияланган.

Ёки яна: Амирий девонининг Истанбулда чоп этилган ҳарфтерма нашрида: *tušqay* (توشقای) (DA.26,15); девон қўлёзмасида эса *tüškäy* (توشكای) (DAM.30a,11) сингари. Бу ерда қўлёзмадагиси тўғри. Шунга ўхшаш мисоллар яна топилади.

Ўзбек мумтоз адабиёти манбаларининг ҳозирги нашрларида равишдош шакларини *келиб*, *кетиб*, *улгайиб* шаклида берадилар. Бу ўринда уларнинг ёзувда *bā* ҳарфи билан ёзилгани асосга олинган чоги. Бироқ, ўзбек тили



тариҳида равищдошларнинг талафузида, хозирги нутқимиздаги сингари, жарангсизлашиш кучли эди. Шунинг учун уларни жарангсиз [p] билан берилгани маъқул: *yaš töküp* (DAM.27b,8); *qanlar yutup* (DAM.27b,8) сингари.

Байтда шундай келган:

Labij firāqida mejä boldi šarab talx,  
Har dam közüm tökär labij istäp gulab talx (DAM.46b,3).

Амирий шеърлари морфологик жиҳатдан ҳам Навоий асрлари тилига яқин туради.

Масалан, Амирий асрларида араб ва форс тиллари га хос кўплик шакллари ҳам ишлатилади. Ургулаш ўринлики, бундай кўплик ўша тиллардан ўзлашган сўзлардагина ишлайди, туркий сўзларга хос эмас. Яъни улар араб ва форс тилларида қандай шакл ва маънода ишлатилган бўлса, туркийга тайёр ҳолда ўзлашган. Масалан: *şifat* (**صفات**) – *şifat* нинг кўплиги (DAI.351b,9); *masākin* (**مساکین**) – *miskin* нинг кўплиги (DAI.352a,1); *havādis* (**حوادث**) – *hadiṣ* нинг кўплиги (DAI.353a,2) сўзларидаги сингари.

Чиқиши келишиги Навоий асрларидаги сингари *-dīn*, *-din* / *-tīn*, *-tin* шаклида ишлатилган:

Yār qadidin kasb ur tāvus raftāri γalaṭ,  
Başlayil söz ‘āraqidin bāy gulnāri γalaṭ (DA.95,27).

Zāhir etmiš gar şafaq ul la’l-i xandāndin havā,  
Yiylamaq kasb äylämiš bu časm-i giryāndin havā (DA.19,13).


Sarv guldin zāhir etti şāhid gulzār zeb,  
Bāy ara dermiš magar ul sarv gulruxsār zeb (DAM.24b,5).

Kadāz ālūda aškim yazdī xatlar ‘išq sözidin,  
Köjül avraqiñ gōyā daftar, söz-ü kadāz ermäs (DAM.100a,8).

Амирий шеърларида тушум келишигининг қўшимчалари *-ni*, *-ni*; *-n* (-*iñ*, -*in* / -*in*, -*üñ*); қаратқич келишигининг қўшимчаси *-niñ*, *-niñ* / *-niñ*, *-niñ* дир.

Шуниси борки, тушум келишигининг *-ni*, *-ni* қўшимчаси, ўрни билан, қаратқич келишиги (яъни *-niñ*, *-niñ* / *-niñ*, *-niñ*) ўрнида ҳам ишлатилган. Бу нарса шевага хос хусусиятнинг ёзма адабий тилга таъсири кучли эканини кўрсатади. Мисолларга эътибор қилинг:

Yār ’išqidin parilar e’tirād äylär magar  
Har birini boynida ta’vīd ilä tūmāri bar (DA.64,4).  
Laylī-vu Majnūn bilä Farhād Šīrīn-men sejä,  
’Išq devāniñ ara har kimsäni barbādi bar (DA.64,14).



Küygä(n) yüräkni šörinï ‘aškim fūzün etär,  
Andaq-ki, tuz suyï bilä bolay kabâb talx (DAM.46b,4).

Келтирилган байтлардаги *birini* ўрнида *biriniŋ*; *kimsäni* ўрнида *kimsäniŋ*;  
*šörinï* ўрнида *šörinïŋ* бўлмоғи керак эди.

Амирий шеърларида инкорнинг *-mas*, *-mäs* қўшимчаси ўрнида [z]-лашган *-maz*, *-mäz* варианти ҳам ишлатилган:

Xaṭ čiqardij, la’l-i xandāniŋ keräkmäz-mü sejä?  
Xiđra verdiŋ, āb-xayvāniŋ keräkmäz-mü sejä? (DAM.17b,5).

Keldi vayrān köjlümä ul ay xayālî yaşurun,  
Pâs tut, ey dîda mehmâniŋ keräkmäz-mü sejä? (DAM.17b,8).

‘Āraqiň şarxiда bir otluŋ söz aydîm, ey Amîr,  
Salmaŷil daftaryा, devâniŋ keräkmäz-mü sejä (DAM.18a,3).

*-miš*, *-miš* аффиксли сифатдошнинг қатъий инкори Навоий асарларидаги сингари *-ma*, *-mä* қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *salmamîš*, *sormamîš-sen* сингари. Булар «солмағай», «сўрмағайсен» деган маънолардадир. Байтларда шундай келган:

Salmamîš gul birlä sunbul sarïya Majnûn nažar,  
Tapmîš ul møy sîri čâk-i giribândin havâ (DA.19,15).

Sormamîš-sen zâr hâlim-kim, čüčük äylädi,  
Bir-birigä ul iki la’l-šakkar barïjnî band (DAM.53a,12).

Феълнинг орттирма нисбати *-qur*, *yur*, *-küř*, *-gür* аффикси билан ҳам ҳосил қилинади. Байтда шундай келган:

Yâr köyi tufrayidîn ’atr keltürdi nasîm,  
Gul isin yetkürdi bulbulya gulstândin havâ (DA.19,4).

Ўзгага буйрук, шунингдек, ният, қасам маъноларини анлатувчи қўшимча *-sun*, *-sün* шаклида ишлатилган:

Sendin özgä yâr paydâ äyläsäm čijsun közüm,  
Čayr dîdâriŋ tamannâ äyläsäm čijsun közüm (DA.356a,10).  
Кесимлик боғламаси *-dur*, *-dür* шаклида ишлатилади:

Meni âšufta etkän ul šakar guftârlardurlar,  
Junûnum bâisi bolay sakar guftârlardurlar (DA.64,26).

Qılur maylublarni ‘išq γālib,  
Kabutardur bu vādī ičrä šahbāz (DAM.83a,6).

Har kiši köjlidä öz maylıča bardur ārzū,  
Xiđrya āb-i baqā, mejä lab-i jānān havas (DAM.87b,3).

Амирий шеърларида ўхшатиш кўмакчиси *kibi* шаклида ишлатилади:

Men kibi yoqtur bu ‘ālam ičrä yaksān sāya-deg,  
Sen kibi xūršíddin bir δarrača yoqtur vafā (DAM.18b,3).

Gulstān nārī kibi yüz pāra köjlüm boldī qan (DA.19,20).

Хозирги ўзбек тилидаги *билан* кўмакчиси Амирий ғазалларида *birlä, bilä, ilä* шаклларида ишлатилган:

Sordum: Ne may edi kečä ayyār bazmida?  
Širīn labiň yađab bilä berdi javāb talx (DAM.46b,5).

Навоий асарлари тилида ўғуз тилларига хос хусусиятлар ҳам мавжуд. Лекин бу ҳодиса ўша давр тили, хусусан, Навоий асарлари учун табиий ҳол эди.

Үғуз тилларига хос хусусиятлар Амирий шеърларида ҳам бор. Бунинг сабабини икки омилга йўйиш мумкин: биринчидан, чифатой тили анъаналиринг таъсири; иккинчидан эса, Амирий асарлари тилига ўғузлар мухитидаги ёзма адабий тил, кўпроқ, Фузулий ижодининг таъсири дея баҳолаганимиз маъкул. Бундай дейишимнинг боиси, Амирий шеърларида ҳатто ўғуз тилига хос сўзлар ҳам учраб туради. Навоий тилида ўғузча фонетик ва морфологик хусусиятлар учрагани билан, лексик бирликлар чекланган.

Туркий тилларда *bol-* феъли икки хил: қарлук-чигил ва қипчоқ тилларида *bol-*, ўғуз тилларида эса *ol-* шаклида ишлатилган. Ўтмишда ҳам шундай эди: уларнинг ишлатилишига қараб ёзма ёдгорлик кўпроқ қайси гурух таъсирида яратилганини аниқлаш мумкин.

Муҳими шундаки, Амирий шеърлари тилида феълнинг *bol-* шакли етакчи эса-да, ўрни билан, *ol-* шакли ҳам аралаш қўлланади. Феълнинг бу шакли матнда поэтик нутқни кучайтиришга ишлайди:

Čāk oldī jān baqāsi desäm, ačiγiň nedür?  
Har kez demäs kitāb sözini māhitāb talx (DAM.46b,6).

Ноаниқ ўтган замон сўзловчи бирлигига *-miš*, *-miš* аффиксли сифатдошга *-men* боғламаси билан бир қаторда *-am*, *-ām* қўшимчаси қўшиш йўли билан ҳам ҳосил қилинади:

‘Umrlardur-kim, yoluñ üstidä tufray olmišam,  
Kāš bir yol ‘āşıq-i bečāra dep qilsaŋ xiṭāb (DAM.27b,10).

Ёки:

‘İşq-u vafā tarīqïda šād olmišam Amīr,  
Tā yārnii raqībïγa boldi ‘adāb talx (DAM.46b,11).

Навоий асарларидаги сингари жўналиш келишигининг -ya, -qa, -gä, -kä қўшимчаси билан бир қаторда -a, -ä қўшимчаси ҳам ишлатилади: ‘āşıqlara (DAM.42b,3).

Байтда шундай келган:

Faryād-kim, raqīblara dardīm etti fāš,  
Āh-i bayābī ilä damādam közümdä yaš (DAM.98a,12).

Ёки:

Kečälär sarxūš čiqip, alma jamālīndin niqāb,  
Tüškay āšūb ‘ālama gar kečä čiqla ūftab (DAM.30a,11).

Амирий шеърларида баъзан ўғузчага хос сўзлар ҳам учраб туради. Масалан, «кўп, бисёр» маъносида ўғузча čox сўзи ҳам ишлатилган. Шоирнинг ҳатто čox радифли ғазали ҳам бор. Мана ўша шеъридан олинган байтлар:

Ey parī, ayyārnii yād etmä čox,  
‘Āşıqiñni γamda nāšād etmä čox (DAM.47a,1).

İtläri γavγāsida andīša qil,  
Kečälär köyidä faryād etmä čox (DAM.47a,6).

### Хулоса ўрнида

Сайд Умархон ўзининг ижтимоий фаолиятида кўпроқ Ҳусайн Бойқарога ўхшашга интилди. Унинг сингари шоирларга ҳомийлик қилди, адабий жараёнларнинг бошида турди, ўзи ҳам шеърлар ёзил девон тузди.

У шеъриятда, гарчанд уларга тенглаша олмаса-да, Навоий, Лутфий, Фузулий сингари улуғ классикларга эргашди.

Кўқон хонлиги даврида яратилган бадиий адабиёт тили, хусусан, Амирий шеърларининг тили классик чигатой тили, Лутфий, Навоий сингари улуғ ижодкорлар ўз асарларидаги ишлаб чиқсан ёзма адабий тил анъаналарини давом эттиргани билан аҳамиятлидир. Умархоннинг юртга эгалиги чоғида



ва ундан кейинги даврларда Кўқон адабий муҳитида улуғ шоирлар авлоди етишиб чиқди. Улар тарафидан яратилган бадиий адабиёт тили классик тил анъаналарини сақлагани ҳолда орада кўприк бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг юзага келишига замин яратиб берди.

**Фойдаланилган ёзма манбалар ва илмий асарлар:**

*DAI* – Сайд Умархон девонининг Истанбул университети кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси. 5452- рақамли «Муҳаббатнома» деб аталувчи мажмуа таркибида.

*DAM* – Диван Амира (دیوان امیری). Факсимиле Дивана кокандского хана Умара из библиотеки хивинского наследника Ибадуллы-туры. Рукопись из собрания Института востоковедения РАН. Составление и вступительная статья И.В. Зайцева. – М., 2019.

*DA* – Сайд Умархон девонининг ilk ҳарфтерма нашри: *Devān-i Amīrī*. İslāmbul, 1299.


*FK* – «Фавойиду-л-кибар»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (202b–265b).

*MA* – «Мезону-л-авzon»: Франция Миллий кутубхонасида сақланаётган Suppl. Turc. 317 / 1513 кўрсаткичли Навоий куллиётида (269b-277b).

*Благова 1982* – Благова Г.Ф. Тюркское склонение в ареально-историческом освещении. – М., 1982.

*Eckmann 1996* – Janos Eckmann. Harezm, Kırçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. Yayına hazırlayan O.F. Sertkaya. – Ankara, 1996.

*Эркинов 2021* – Эркинов А. Навоийни англаш сари. – Анқара, 2021..



## ҚАЮМОВЛАР СУЛОЛАСИ

*И момназаров Мұхаммаджон  
Филология фанлари докторы, профессор, ТДШУ*

Құқон менинг она шаҳрим. Шу заминда туғилдім, ўсдім-улғайдім, мактабға бордім, шеъриятта меҳр қўйдім. Мактабни битирғач, заводда ишлаб туриб, ўша пайтлар Құқон педагогика институты адабиёт кафедраси мудири бўлган Содирхон ака Эркинов<sup>1</sup> раҳбарлигидаги адабий тўгарак фаолиятида то 1961 йили Тошкентта ўқишига кетгунимга қадар иштирок этдим. Бу орада Қўқондаги Муқимий хужра-музейи ходими таниқли шоир Чархий ва Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад ота билан танишдим. Қўқон адабий мұхитига илк кириб боришим ўша даврлардан бошланған эди, десам муболаға бўлмас. Аммо ушбу адабий мұхитнинг энг ёрқин намояндалари ва асосий тадқиқотчилари бўлмиш Қаюловлар сулоласи билан жиддий танишувим фақат 1974 йили Москвада аспирантура муддатимни якунлаб, Тошкентта келгач, ўша пайтда янги очилган Тошкент давлат маданият институтида форс тили ўқитувчиси сифатида ишга тайинланишим жараёнидан бошланди. Шу жараёнда тақдир менга сулоланинг энг машҳур иккинчи бўғин вакиллари - Азизхон ва Лазизхон Қаюловлар билан яқинлашув ва уларнинг бевосита раҳбарликлари остида маълум муддат хизмат фаолиятини олиб боришни насиб этди. Кейинчалик уларнинг падари бузрукворлари, сулола асосчиси Пўлатжон домла Қаюмов фаолияти ҳақида ҳам ўғиллари сабаб маълумот ҳосил қилиш имконияти туғилди. Ушбу сулола вакилларининг XIX-XX асрлар Қўқон тарихи ва ундаги адабий мұхитни ўрганишда алоҳида ҳиссалари борлиги шубҳасиз.

### 1. Пўлатжон домла Қаюмов

Менинг онам Пўлатжон домланинг қизлари Мунисхон ая билан қадрдан ўртоқ әдилар. Синглимнинг ҳикоя қилишича, ёш болалик пайтида (50-йиллар ораси бўлса керак) онам синглимни эргаштириб Пўлатжон домланинг уйларига борган эканлар. Ўша пайтларда ҳовлиларидан бир катта ариқ ўтар эди, деб хотирлайди синглим. Бу ҳовли шаҳарнинг Ҳайдарбек маҳалласида бўлиб, Шарқ кўчасида жойлашган. Пўлатжон домла 1885 йили

<sup>1</sup> Устоз кейинчалик Тошкентта, ЎзФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтига ишга ўтиб, Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин” достонини шу мавзудаги бошқа достонлар билан қиёсий таҳлили асосида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб, профессор унвонларига эришдилар, бирнече йирик илмий рисолалар яратиб, институтнинг етакчи илмий ходими вазифасида узоқ йиллар хизмат килдилар.

шу хонадонда атоқли хаттот Абдулқаюм Мирзо оиласида дунёга келди. Ул кишининг боболари Абдураҳим Мирзо ҳам зиёли одам бўлиб, хон саройида котиблик хизматида бўлганлиги домланинг ўзлари келтирган маълумотларга биноан машҳурдир. Оталари кўчирған Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимизнинг девонлари Тошкентда литография усулида босиб кўпайтирилган. Пўлатжон домла Қаюмов давр билан ҳамнафас қадам ташлаб, ҳам эскича мактаб-мадрасаларда, ҳам ўша пайтда янги расм бўлган рус-тузем мактабида таълим олиб, XX аср бошларида янги усул мактабларини ташкил этган жадид маърифатпарварларининг олдинги сафларида бўлдилар. Ўша даврда Кўқон шаҳрида фаолият олиб борган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Иброҳим Даврон, Ашурали Зоҳирий, Исмоил Афғоний, Муҳаммаджон Холиқий каби илғор зиёлилар билан ҳамкорликда ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулландилар. 1910-1917 йилларда ўз ташабbusлари билан мактаблар ташкил этиб дарс берган бўлсалар, Шўролар ҳукумати карор топгач, давлат ташкил этган мактабларда, олий ўкув юртига тайёрлов курсларида (рабфақда) тил ва адабиёт фанларидан дарс бериб, кейинчалик “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи” узвонига сазовор бўлдилар<sup>1</sup>.

Кўқон шаҳрида бу таниқли муаллимдан сабоқ олган инсонлардан баъзилари яқин-яқинларгача ҳаёт эдилар. Шулардан, масалан, XXI аср бошларида 94 ёшда дунёдан ўтган тоғам Иброҳимжон Ортиқов рабфақда, ул кишининг рафиқалари, келинойимиз, мактабда Пўлатжон домладан дарс ўқиганларини хотирлаганлари эсимда. Республикаning атоқли арбоблари - ёзувчилар Абдулла Қаҳҳор, Усмон Носир, кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти даражасига кўтарилигтан олимлар Теша Зоҳидов, Убай Орипов, узоқ вақт Тошкент давлат политехника институтининг ректори бўлган академик Муҳаммаджон Ўрозбоев ва бошқалар Пўлатжон домланинг шогирдлари ва ўқувчилари бўлишган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Пўлатжон домла Қаюмов Кўқон ўлкани ўрганиш музейида тарих бўлимини бошқариб, шаҳар тарихи ва ўзбек адабиётига оид кўплаб нодир қўлёзмаларни тўпладилар, ўзлари ҳам олим сифатида илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, ўлкашунослик ва адабиётга оид бир қатор асарларни форс тилидан ўзбек тилига ўғирдилар. Шу билан бирга ўзларининг икки йирик мустақил илмий тадқиқотларини ҳам яратишга муяссар бўлдилар. Улардан бири “Кўқон тарихи ва адабиёти” аталиб, уч дафтардан иборат. Иккинчиси, “Тазкирайи Қайюмий” асари бўлиб, ўғиллари Азизхон Қаюмов ташабbusи билан Мустақиллик даврида (1998 йилда) ilk бора Тошкентда уч жилд китоб ҳолида нашр этилди. Босма нусхада 714 саҳифадан иборат бўлган ушбу асар араб ёзувидаги асл қўлёзмада 611 саҳифа бўлиб, унинг ҳозирги ўзбек ёзувидаги Азизхон Қаюмов томонидан кўчирилган нусхаси 6 дафтар (778 саҳифа)ни ташкил этган.

<sup>1</sup> Сайёра Самандарова. XX аср ўзбек тазкираси// “Тазкирайи Қайюмий”. Т., 1998. С. 682-684.



Тазкира 324 нафар ўзбек шоири ҳақидаги қисқа маълумотлар ва ушбу шоирлар асарларидан намуналарни ўз ичига олган. Асар Алишер Навоий ижодининг қисқача тавсифи ва ғазалларидан намуналар билан бошланади. Китобда XI-XVII асрларда яшаган 26 шоир ҳақида маълумотлар учрайди. Улар қаторида Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий (китобда “Юнақий” ёзилган), Яссавий, Бокирфоний, Рабғузий ва XIV-XVII асрга оид қатор шоирлар, жумладан, Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи, Юсуф Амирий, Сайид Аҳмад, Атоий, Саккокий, Дурбек, Лутфий, Гадоий, Ҳусайнний, Шайбоний, Бобур, Убайдий, Машраб ва бошқалар тилга олинган. Тазкирадаги қолган 298 шоирнинг деярли барчаси XVIII-XX асрларда яшаб ўтган бўлиб, уларнинг аксарияти (169 шоир) Фарғона водийси ва Тошкент воҳасидандир. Шулардан 100 дан ортиқ шоир Қўқон шаҳрида истикомат қилган.

“Тазкирайи Қаюмий” 1960 йилда ёзиб тугатилган. Лекин уни бугун ўқиган китобхон “Шўролар даври”да ёзилган асар эканлигига ишонгиси келмайди, чунки муаллифнинг масалаларга муносабатида мутлақо ўша даврдаги аксарият тадқиқотларга хос бўлган ҳукмрон мафкура талабларига мослашиш ҳаракати сезилмайди, китоб ниҳоятда холислиги ва ҳалоллиги билан ажralиб туради. Муаллифнинг кўп масалаларга ёндашувига эътибор берилса, улар худди юртимиз мустақиллик ва ҳурликка эришган даврда ёзилгандек таассурот уйғотади. Биргина мисол: ўтган асрда яшаб ижод қилган қўқонлик машҳур шоир, адаб ва драматург Собир Абдулла 50-йилларда Муқимий ҳақида бир роман ва пьеса ёзган бўлиб, пьесаси Қўқонда ҳам саҳнага қўйилган. Унда ўша давр руҳига мослаб Муқимий – демократ, ҳалқчил шоир сифатида, унинг замондоши Муҳий эса реакцион, ўз даври ҳукмрон доиралари манфаатини ёқловчи шоир сифатида тасвирланган эди.

Спектаклни кўрган Пўлатжон домла ҳамشاҳари Собир Абдуллани истеъоддли шоир ва адаб сифатида юқори баҳолаши ва эҳтиромига қарамай, унинг ушбу асаридаги тарихий ҳақиқатни ёлғон ғояларга бўйсундирилиб, бузиб кўрсатилганини ўта талабчанлик ва қаҳр-газаб билан қоралайди. Тазкирадаги шоир Муҳийга бағищланган саҳифаларда, жумладан, шундай сатрлар мавжуд:

*“Фақир Муҳийни кўрган кишиидурмен. Суюкли шоиримиз Муқимий билан оралари бироз совуқроқлиги маълумдор. Лекин Собиржон театрусида кўрсатган сингари душмани жон ва мол, обрў дараҷасида эмас эди. Келишимовчилик шундаки, Муқимий базм, тараннум, завқ, сафога мойил табиатдаги кишиидур. Муҳий эса бутунлай бунинг акси бўлган ҳарактерга эгадир. Бир мадрасада яшадилар, бир даврнинг кўзга кўринган шоирлариидур. Ҳар иккилари ҳам фақирдурлар... (Уларнинг бирортаси) имом ё муаззин, ё мутавали ё мударрис бўлиб бирор жойда ишлаганлари маълум эмасдур. Ҳар иккиси ҳам Бухорода таҳсил кўрмисилар. Олим, фозил, танилган шоирдурлар. Фақирликда Муҳий Муқимийга нисбатан жуда фақир эди. Ҳовли-жойи, рўзгор, хотун, бола ва қариндоши бутун бўлмагандур...”<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Тазкираи Қайюмий, с.554.





*“Навоийга қарши Бинойни салбий ролда кўрсатган сингари Муқимийга қарши Муҳийни қўйилса ҳам ортуқчалик зиёда бўлиб, бу эса тарихни бўяшдур. Икки шоир бир-бирига душманлик назари ила қараб юрадурган даражада нафратомез ҳолда яшаганлари театруда кўрсатиладур, бу тўғри эмасдур. Театруда Муқимийнинг ҳаётини гавдалантириб кўрсатишга ташаббус этгандари учун Собиржондан хурсанд ва миннатдор эсак-да, ҳақиқатга хилоф бўлган томонига кўз юмиб ўтиб бўлмайди.*

*Муносабатда мунчалиқ этиб муболага этиши келажакни алдаш, тарихни сохталашибди. Собиржондан кўра биз Муҳийни яхшироқ таниганмиздан ҳақиқатга виждон ила қарадик... Модомики, қўлимизда қалам бўлиб келажак авлодга тарихий воқеаларни ёзиб қолдираётган эканмиз, ҳақиқатни ёзишимиз керакдур”.<sup>1</sup>*


Пўлатжон Қаюмов Шўролар тузумига қарши одам бўлган десак, ҳақиқатга хилоф бўлади. Ушбу софдил муаллим ўша тузумнинг камчиликларини албатта сезган, аммо унга қарши исёнкорлик кайфиятида бўлган эмас. Фақат гап бу ерда илмда ҳақиқатдан чекинмаслик, замонасозлик қиласман, деб ўтмишни бузиб кўрсатмаслик хусусида кетмоқда. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон қўлига қалам ушлаганда ҳақиқатга хилоф гапни қофозга туширмаслиги керак, деган ақидани Пўлатжон домла доимо ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам таъкидлаб келган. Олимнинг асари бошдан охиригача ана шундай ҳаққонийлик ва ҳалоллик руҳи билан суфорилган. Олимнинг Амир Умархон ва Маъдалихонлар даври адабий мухити тасвирида ҳам шундай холис ёндашуви асарнинг ютуқларидандир.

Пўлатжон домла 1914 йили уйланганлар ва 1918 йили қизлари Мунисхон туғилган. Мунисхон ая ҳам оталари сингари муаллим бўлиб етишдилар. Мен у кишини таниганимда Қўқон шаҳар Фурманов кўчасидаги уйимиз рўпарасида жойлашган Мехрибонлик уйи (Етим болалар тарбияланадиган мактаб-интернат)да мудира бўлиб ишлар эдилар. Онам билан тез-тез сұхбатлашиб туришар эди.

Мунисхон аядан Фотима ва Зухра қизлари қолган бўлиб, ўзлари 35 йил муаллим ва мураббий бўлиб хизмат қилиб 1975 йили 57 ёшларида вафот этгандар. Қизлари Фотима Ҳусаинова ҳам тоғалари изидан бориб, олима бўлиб етишди, XIX аср охри – XX аср бошларида Қўқонда яшаб ўтган иқтидорли шоира Анбар отин ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиб, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди, университетда талабаларга адабиётдан дарс бериб, доцентлик илмий унвонини олди, шоира ҳақида рисола чиқарди, унинг асарларини чоп эттирди. Фотимахон 1937 йилда туғилиб, 1991 йили 54 ёшларида вафот этди. Мунисхон аяннинг иккинчи қизлари Зухрахоннинг фарзанди Нозиҳаҳон кейинчалик тоғалари Азизхон домланинг меҳрибон қизи сингари ул кишининг тарбиясида

---

<sup>1</sup> Тазкираи Қайюмий, с.555-557.



улғайиб, ҳозирги кунда бола-чақали, невара чеварали онахон сифатида Тошкентда истиқомат қилиб келмоқда.

Пўлатжон муаллимнинг бош ўғиллари Ҳафизхон 1924 йили туғилган бўлиб, Қўқондаги З-мактабда аъло баҳолар билан ўқиган. Ҳафизхон жуда истеъододли йигит бўлиб, шахмат ўйинига жуда моҳир экан. Афсуски, 2-жаҳон уруши бошлангач, бу шиҷоатли йигит ихтиёрий равишда фронтга кетиб, 1944 йили ҳалок бўлган.

## 2. Азизхон Қаюмов

Азизхон оиласида З-фарзанд эди. “Тазкирайи Қайюмий”нинг 6-дафтарида 664-668 саҳифалар ёш шоир Азизийга бағишлиланган бўлиб, унда қуидаги маълумотлар келтирилган:

“*Азизий - Ҳўқанд шаҳрида Ҳўжсанд даҳасига қарашили Ҳайдарбек II маҳаллада ҳозирда I Шарқ-кўчаси 15-нўмирили ҳовлида 1926 йил 19 январда отасининг учинчи боласи бўлиб (2-ўғил) дунёга келди. Кўзлари очиқ, энага қўлида ялангоч тургани ҳолда атрофга қараб ишгламай термулар эди. Шоир Мажзубнинг номи (XIX аср бошларида яшаган машҳур суфий шоир Мажзуб Намангоний назарда тутилади) эканини назарда тутиб Абдулазиз аталди. Кейинча Азизхон ном бўлиб кетди. Муаллим Пўлатжоннинг ўғлидур. Бобоси Абдулқаюм Мирзо, катта бобоси ўзбек элининг юз қабиласи саркардларидан Абдурраҳим Мирзодур. Унинг отаси Нематуллоҳ баковулбоши ва Шунқорбийга борар эмиши. Абдураҳим Мирзо хон саройида котиб бўлиб тургани “Ансоб ус-салотин” китобида бордур. Адабий соҳага муҳибилиги бобомдан қолган қитоблардан маълум бўлса-да, шоирлик бутун кўрингани ўйқдур. Фақат шеър Азизийда кўринди. Шеърий ижодига раҳбар устоз домулла Асгарали Чархийдур... ”<sup>1</sup>*

Азизхон Қаюмов ҳам илмий изланишларини XIX аср Кўкон адабий муҳитини ўрганишдан бошлади. Махмур ижоди хусусида номзодлик ва XIX аср биринчи ярми адабий муҳити бўйича докторлик ишини ҳимоя қилгач, кўп ўтмай турли даражадаги мансабдорлик вазифаларига тайинланиб, ҳукумат ишлари билан ўта банд бўлиб кетди. У қаерда, қайси мансабда ишламасин ҳалқ ишига садоқат ва фидойилик билан меҳнат қиларди. Истеъододли олим ва масъулиятли раҳбар 1961 йилдан то Тошкент давлат маданият институтининг ректори қилиб тайинлангунча асосий вақти раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолияти билан ўтарди. Шунга қарамай, у ҳеч қачон жиддий илмни ташлаб қўйгани йўқ.

Олий партия мактабида чет эллик тингловчиларга ўз қизиқишлиаримга мутлақо алоқаси йўқ фандан дарс бериб, докторлик диссертациясини ёзиб тугаллашга вақт тополмай бўғилиб юрган пайтларимда устоз менга маслаҳат

<sup>1</sup> Анбар Отин. Шеърлар. Рисола. Т.,Faфур Ғулом номидаги Санъат ва адабиёт нашриёти, 1970, 112 сах.

йўсинида шундай дер эдилар: “Мен ҳар қандай раҳбарлик лавозимларида юрганимда ҳам эрталаб соат бда тураман. Ювениб-тараниб, нонушта қилиб олгач, ҳар куни 1 соат 7дан 8гача ўтириб илмий ижод билан шуғулланаман. Сўнг ишга кетаман. Бу одатимни турли хизмат сафарларига чиққанимда ҳам канда қилмайман. Сиз ҳам шунга ўргансангиз кам бўлмайсиз. Бир кунда бир сахифа ёзсангиз, бир йилда 365 сахифа матн қоғозга тушади”. Шу услугуб билан ишлаб улуғ устоз 24 йил ичида 5та катта тадқиқот, 100дан ошик илмий ва илмий-оммабоп мақолалар яратиб улгурди. Олий ўкув юртига раҳбар бўлгач, бу жараён янада тезлашиб, 5 йилда 5та китоб, 30га яқин мақолалар чоп этилди. Устознинг қизиқиш доиралари ниҳоятда кенг: қадим туркий тошбитиклардан тортиб аллома Берунийнинг адабий ижодга муносабатигача ул инсоннинг нигоҳидан қочиб қутулмайди. Аммо бу йилларда Азизхон Қаюмов биринчи навбатда йирик навоийшунос сифатида ном чиқардилар. 1961-1985 йиллар орасида олимнинг бу мавзуда 5 рисола ва 40қа яқин мақолалари босилиб чиқди. Навоий даҳосига бўлган меҳр олим дилини қанчалик эгаллаб олган бўлмасин, она шаҳрининг ижод аҳлига эътибор унинг дикқатидан четда қолгани йўқ. Бу йўналишда ёзилган қатор мақолалар, нашрга тайёрлаш ишлари ва сўзбошилар, тақризлар, ёш олим ва олималар ишларига раҳбарлик ва китобларига муҳаррирлик, таржималар ва уларга редакторлик билан қониқмаган устод йиллар ўтиб яна жиддийроқ асар яратиш фикрига тушдилар. Шундай эзгу ният билан 1983 - 1986 йилларда XIX аср 2-ярмининг мумтоз шоири, мураккаб тақдирли Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ҳақидаги илмий-адабий эссе яратилди. Бу асарнинг биринчи қисми “Шарқ юлдузи” журналининг 1986 йили 4 ва 5-сонларида, иккинчи қисми эса 1989 йил 5 ва 6-сонларида босилиб чиқди<sup>1</sup>.

Асарнинг биринчи боби “Ғиштқўприк” деб аталади. У шундай бошланади:

“Ўтган асрнинг ўрталарида ҳам Кўқон сойи шаҳар ўртасидан ҳайқириб оқиб ўтар эди. Кўқон сойнинг белбоғлари – Бой ота, Ғиштқўприк, Ёғ бозори ҳамда Қаландархона кўприклариdir. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шакл ва безакка эга. Ғиштқўприк иккита катта кўчани бир-бираiga улайди. Унинг қачон қурилганини аниқ айтмоқ маҳол. Ғиштқўприк ўз номига кўра тишиқ, “мусулмони” гиштдан қурилган. У ёй тарзида, сойнинг устида чамбарак янглиғ осилиб туради...”

Ўзбек мумтоз насрода ҳам шеърият сингари тасвир ниҳоятда тиник, жойлар, воқеалар ва қаҳрамонлар кўз олдингизда ёрқин намоён бўлади, адаб ўз мақсади ва ғояларини китобхонга жуда усталик билан “юқтиради”, шу билан бирга бундай асарларни ўқиётган одам воқе ҳаётда мавжуд бўлган маконлар, воқеалар, инсонлар ҳақида тўлақонли маълумот ҳам олади,

<sup>1</sup> Қаюмов А. Шоир Фурқат. Эссе// Шарқ юлдузи, 1986, № 4-5. 1989, № 5-6. Қаюмов А. Шеърият жилолари.- Т.: “Ўқитувчи”, 1997. Кейинги икки асар нашри хозир ноёб бўлгани учун устознинг ўз қутубхоналаридан лутфан менга фойдаланиб туриш учун берилди.

тасаввур ҳосил қиласи. Бундай услугуб Бобирнинг “Воқеот”ида ҳам, Абдулла Қодирийнинг бадиий прозасида ҳам сақланган бўлиб, Азизхон Қаюмов тадкиқотчи сифатида ўз ишини қанчалик пухта эгаллаган бўлса, унинг эссеистикиси ҳам мумтоз анъанага қанчалик содиқлигини намойишидир. Устознинг асосий мақсади доим элга маърифат, зиё тарқатиш, ўтмиш аллома шоирларимиз изходи, уларнинг дилларидан шеърларига кўчган эзгу орзу-тилакларини инсонлар кўнглига олиб кириш бўлган. Буни биз бир сўз билан маърифатчилик деймиз. Энди устоз ўзининг адаблик қувватини ишга сола бошлаган экан, яна ўша танлаган йўлидан чекинмай, ўқувчига ҳаётий воқелик ҳақида маърифий билим бериш тамойилини сақлаб қолади. Шу сабабли “Шоир Фурқат” деб оддийгина номланган илмий-адабий эссе олим ва шоир учун бирдек она диёр бўлмиш Кўқон шахрининг XIX аср 2-ярмидаги жонли манзараларини китобхон кўз ўнгидаги гавдалантириш билан бошланади.

Юқорида тасвир этилган Кўқонсой ва унинг устига қурилган ғиштин кўпприк асар қаҳрамони Зокиржон Фурқат туғилиб ўсан Биринчи Бешарик маҳалласи билан Пўлатжон Қаюмовлар оиласи яшаган мавзени ажратиб турар эди, яъни бўлажак олим ўз ота ҳовлисидан чиқиб улуғ шоир ёшлигини ўтказган хонадон тарафга йўл олса, айни асар бошидан тасвирангандан кўпприкдан ўтиб бориши лозим бўларди. Шоирнинг дадаси Мулла Холмуҳаммаднинг носфурушлик дўкони ҳам кўпприкнинг бериги тарафида худди Азизхон таваллуд топган маҳалланинг бошланишида бўлиб, адаб тасвирини бошлашидан бизни Мулла Холмуҳаммаднинг дўконига етаклаб келади-да кейин шоирнинг дадаси билан бирга дўконни ёпиб, яна Ғишткўпприк тарафга қайта йўллайди. “Уста Холмуҳаммад кўпприкдан ўтиб маҳалла кўчасига йўналар экан, бир гуруҳ хивич от миниб чопишиб ўйнаётган болаларга дуч келди. Болалар Мулла Холмуҳаммадни кўришгач, ҳаммалари салом бердилар. Уларнинг орасидан олти-етти ёшлар чамасидаги озғин, бўйчан, қорамтири болакай “от”ини ташлаб Мулла Холмуҳаммад сари чопди:

- *Дада, дадажон, ассалому алайкум.*

*Бу Мулла Холмуҳаммаднинг ўғли Зокиржон эди”.*

Шундай қилиб, бизнинг энди “мактабга қатнайдиган вақти” яқинлашиб қолган 5-6 ёшдаги Зокиржон Фурқат билан илк бор танишишимиз юз беради.

Ўзбекнинг маънавий бобокалони Навоийдан сабоқ олган устоз ўз асарларида бирор сўзни бехуда ишлатмайди. Агар мабодо баъзан бизга шундай туюлгудек бўлса, дарҳол ҳушёр тортишимиз керакки, демак, биз бу матн мазмунида бирор жиҳатни илғай олмабмиз.

Устознинг ҳаёт чоғларида илмий ва илмий-адабий асарларининг 10 жилдлиги (12 китоб) нашр қилинди. Аммо академик Азизхон Қаюмов қаламидан тўқилган дурдоналар бу 12 китобга сифмади. (*Устоз ҳақида 2 қисм, 10 бобдан иборат режалаштирган асаримнинг фақат биринчи боби - “Азизхон Қаюмов ва Кўқон адабий муҳити” алоҳида нашр қилинганда 192 саҳифа бўлди. Қолган боблариниң режаси энди шаклланмоқда*).

### 3. Лазизхон Қаюмов

1989 йилда Лазиз Қаюмовнинг “Ҳамза” асари босмадан чиқди. Сарлавҳа остига “Ижтимоий ва ижодий фаолияти ҳақида илмий-бадиий лавҳалар” деб изоҳ берилган бу 335 саҳифалик йирик китоб “Машҳур кишилар ҳаёти” сериясида эълон қилинган бўлиб, олим ижодининг ва ўтган аср 80-йиллар охиригача Ҳамза Ҳакимзода устида олиб борилган жиддий тадқиқотларнинг мантиқий якуни эди.<sup>1</sup> Ундан илгари 1962 йилда “Инқилоб куйчиси”, 1964 йилда “Инқилоб ва ижод”, 1970 йилда “Инқилобий драма” асарлари босилиб чиқкан эди. Охирги китоб икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим “Ҳамзашунослик тарихидан” деб аталса<sup>2</sup>, 2-бўлим “Революция эпопеяси” деб номланарди. 1- бўлимнинг 1-қисмида олим Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти, ижодий ва ижтимоий фаолиятига оид йигилган материаллар ва манбалар ҳақида сўз юритади. Уларнинг энг бойи ва муҳим аҳамиятга эга бўлгани Ўзбекистон Фанлар академияси Бируний номидаги Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондидир. Бу фондни биринчилардан бўлиб ўрганиб, у ҳақда матбуотда маълумот берган Азизхон Қаюмов ва Қувомиддин Мунировлар эканлиги ҳам шу китобда айтилган.<sup>3</sup> Бундан ташқари шоир ҳаёти ва ижодига оид ЎзФА Алишер Навоий номидаги республика адабиёт музейида, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик илмий-текшириш институтида, Шоҳимардондаги Ҳамза музейи, Қўқондаги шоирнинг уй-музейи, Қўқон адабиёт музейи ва бошқа ташкилотларда сакланаётган материаллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилади. Ҳамзанинг 1917 йилгача ва ундан кейинги ижодий мероси тўла тавсиф қилинади. 1-бўлимнинг 2-қисмига “Ҳамзашунослик тарихи” деб сарлавҳа қўйилган. Олим 23 саҳифада бу мавзууда ўзидан олдин ким нима ёзганлигини батафсил таҳлил қилиб беради. Бундан ташқари “Инқилоб куйчиси” китобининг охирида “Ҳамза Ҳакимзода асарларининг библиографияси” илова қилинган бўлиб, унда 49та “Поэтик асарлар” (1. “Девони Ниҳоний”), 3та “Педагогик асарлар”, 16та “Прозаик асарлар” ва 42та “Драматик асарлар” рўйхати келтирилган.<sup>4</sup> Олим кейинги тадқиқотлари натижасида охирги рўйхатни 59тага етказди<sup>5</sup>.

1982 йилда Комил Яшиннинг Ҳамза романи нашрдан чиқди. 616 саҳифали бу йирик асарда тарихий шахслар билан бир қаторда Миён Кудрат, Содикжон бойвачча, Олчинбек Назирий, Оқсоқ дарвиш, Кора

<sup>1</sup> Лазиз Қаюмов. Ҳамза. Т., “Ёш гвардия”, 1989. 335 сах.

<sup>2</sup> Лазиз Қаюмов. Инқилобий драма. Т., 1970, с.5-43.

<sup>3</sup> А. Қаюмов ва Қ. Муниров. Ҳамза Ҳакимзода кўлёзмалари.// “Шарқ юлдузи”, 1954, 9-сон. А. Қаюмов. Рукописи Ҳамзы Ҳакимзоде в институте Востоковедения АН УЗССР. // «Известия АН УЗССР», 1956, № 1. А. Қаюмов. Рукописи Ҳамзы Ҳакимзоде. // г. «Ташкентская правда», 1956, 20 мая.

<sup>4</sup> Лазиз Қаюмов. Инқилоб куйчиси. Т., 1962, с. 176-182.

<sup>5</sup> Лазиз Қаюмов. Инқилобий драма. Т., 1970, с.47-160.

Қоплон, Соколов, Рустам Пўлатов каби тўқима тимсоллар ҳам кенг тасвир этилган. “Социалистик реализм” методининг темир қонунларига мувофиқ уларнинг ҳар бири ўша даврга хос синфий тоифаларнинг муайян бир вакили вазифасини “қулоқ қоқмай” бажарадилар, бири – ГПУ ходими, бири – улуғ рус оғамизниң типик тимсоли, Ҳамзаниң доимий ҳимоячиси (аммо негадир унинг ўлими режалаштирилган пайтда ғафлатда қолади), бири ўта маккор ва йиртқич маҳаллий ҳукмрон синф вакили, бири – миллий буржуа синфининг ғоявий байроқдори, иккюзламачи сотқин “жадид”, яна бири – маҳаллий ҳукмрон синфларнинг “қонли пичоги”, босмачилар қўрбошиси, бири – ниқобланган инглиз жосуси, ва ниҳоят, инқилоб жарчиси Ҳамзаниң туғилишиданоқ ашаддий мухолифи ва кушандаси бўлишга бел боғлаган энг асосий салбий қаҳрамон – диний-клерикал тоифалар етакчиси. Асли бу романга Ҳамза Ҳакимзода ҳақидаги 17 сериали фильм сценарийси асос бўлганлигини ушбу фильмни кўрган кўпчилик томошабин ва китобхонлар шубҳа қилмайдилар. Ҳамза 8 ой қўлида мирзолик қилган реал ҳаётдаги Обиджон Маҳмудов билан роман ва фильмдаги Содиқ бойвачча қиёфалари орасида ер билан осмонча фарқ бор. Албатта, Обиджон Маҳмудов ва Ҳамза бир тоифа вакиллари эмас, уларнинг ҳаётга муносабатлари ҳам фарқ қилади. Бири – катта бой ва устомон тадбиркор, иккинчиси – камбағалпарвар ва тўғрисўз, чўрткесар шоир. Ҳар иккисининг ҳам ўзига яраша ҳақиқати бор, феълида ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Аммо Обиджон Маҳмудов Ҳамза хайриҳо бўлган Туркистон мухториятининг савдо нозири эди, ўзига яраша маърифатпарварлиги ҳам, саховати ҳам йўқ эмас эди. У кейинчалик шўролар билан ҳам тил топиша олган, то умрининг охиригача ўз ватанини тарқ этмай, аммо ГПУ қатағонларидан ҳам соғ-омон ўтиб ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган одам, Кўқонда Қаюмовлар оиласининг яқин қўшниси бўлган<sup>1</sup>.

Филология фанлари доктори, профессор Лазиз Қаюмовнинг умри бўйи яратган Ҳамза ҳақидаги тадқиқотлари Ҳамзаниң деярли барча саҳнага қўйилган драматик асарларини давр руҳига мослаб “қайта ишлаган” йирик ўзбек ёзувчи ва драматурги Комил Яшиннинг охирги романидан нимаси билан фарқ қилади? Албатта, мафкуравий ёндашувни нашр юзини кўриши ўзи тасаввурга сиғадиган иш эмас эди. Ҳамзаниң “ким бўлиши керак эканлиги” 30-йиллар охиридаёқ “ўзбек совет адабиётининг асосчиси” тамғаси билан қатъий белгилаб берилган эди ва бу “қуюшқон”дан салгина четга чиққан тадқиқотчи “совет олими” шарафига “доғ туширган” бўлур эди.

Олим асарларининг роман-үйдирмадан энг асосий фарқи унда бирорта ҳам тўқима фактнинг йўқлигидадир. Бу тадқиқотлар қанчалик “инқилобий” номланган бўлмасин, тўлиғича мавжуд ҳужжатларга асосланади ва шу

<sup>1</sup> Мустақиллик даврида ўзи яшаган кўчага унинг номи берилди.

хислати билан бизни шоир ҳаёти ва ижодий-ижтимоий фаолияти ҳақида мустақил тасаввур ва холис хулосалар қила олишимизга имкон қолдиради.

Профессор Лазиз Қаюмов Ҳамза ижодини комплекс ўрганиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Унинг ёзганлари мафкуравий ёндашувидан қатъи назар шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасаввурларимизни жуда кенгайтириб юборгани инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бу изланишлар 80-йиллар охири – 90 йиллар бошларида шоир меросига оид икки катта нашр ишининг юзага чиқишига туртки берди. Уларнинг биринчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 5 жилдлик “Тўла асарлар тўплами”нинг чоп этилиши бўлса<sup>1</sup>, иккинчиси кўп томлик Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архиви каталогининг босилиб чиқиши бўлди<sup>2</sup>. Илгарги нашрлардан фарқли ўлароқ ушбу нашрлар мафкуравий холислиги ва Ҳамза ижодини мукаммал ва бутун хилма-хиллигига ёритиши билан ажралиб туради. Биргина мисол: ушбу нашрда 50 йил давомида Шўролар иттифоқининг барча театрларида Ҳамза Ҳакимзода асари сифатида саҳнага қўйиб келинган машҳур “Бой ила хизматчи” драмасининг Комил Яшин яратган нусхаси Ҳамза асарларининг асл нусхалари ва ҳатто варианatlари қаторида ҳам эмас, балки 3-жилднинг “Илова”сида аниқ қилиб “Комил Яшин томонидан қайта ишиланган нусха” деган изоҳ билан келтирилган. Бу нусхани Ҳамзанинг ўз варианtlари билан қиёслаб кўрган одам ўзбек адабиётида “социалистик реализм методининг асосчиси” аслида ким эканлиги ҳақида ҳеч қандай гумонга ўрин қолдирмайдиган далилга эга бўлади.

#### 4. Қаюмовларнинг кенжаси.

Мустақиллик даврида XX аср иккинчи ярми - XXI бошларида Кўқон адабий муҳити ҳақида маълумот берувчи бир китобча нашр этилди. Соддагина қилиб “Кўқон шоирлари” деб ном қўйилган бу китобнинг ташаббускори ака-ука Қаюмовларнинг кенжаси филология фанлари номзоди Насимхон Қаюмов эди<sup>3</sup>. 2007 йилда Кўқоннинг ўзида босилган бу мажмуада 49 ижодкорнинг асарларидан намуналар мавжуд бўлиб, улар деярли барчаси маҳаллий ижодкорлардир. Фақат китобда номлари келтирилган Азизий (Азизхон Қаюмов) ва Фарида Афрўзгина ўша йиллари пойтахт Тошкентда яшаб ижод этишлари маълум эди.

(Қаюмовлар сулоласи ҳақида бу ёзганларимиз уммондан томчи бўлиб, мавзуга астойдил киришилса, бирнече жилдан иборат асар вужудга келиши шубҳасиз).

<sup>1</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла асарлар тўплами. 5томлик. Т., “Фан”: 1-том. Девон. 1988, 380 сах.; 2-том. 1988, 564 сах.; 3-том. Драмалар (1915-1920). 1988, 288 сах.; 4-том. Драмалар. (1921-1928). Мақолалар. 1989, 348 сах.; 5-том. 1989, 380 сах.

<sup>2</sup> Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивининг каталоги (кўп томлик). 1-том. Т., “Фан”, 1990, 456 сах.; 2-том, Т., “Фан”, 1991, 432 сах.

<sup>3</sup> Афсуски, Пўлатжон қаюмовнинг кенжа ўғли акаларидан анча олдин 61 ёшида вафот этди.

## ҚҮҚОН ХОНЛИГИ ХАЗИНАСИННИГ ТАҚДИРИ

**Бобобеков Ҳайдарбек**  
Турон ФА академиги, тарих фанлари доктори

Ватанимиз тарихидан озрок хабардор бўлган инсонлар яхши билишадики, Қўқон хони Худоёрхон ғоят мураккаб тақдир эгаси сифатида ўзида жуда кўп қарама-қаршиликларни жо қилган мураккаб бир шахс бўлган. Унинг ҳукмдорлиги даврида Қўқонда узок йиллар давомида шакланган давлатчилик анъаналари узил-кесил барҳам топади, ҳокимият амалда чор маъмурлари ихтиёрига ўтади, ҳўрлик ва адолатсизликка қарши қўзғолон лар қўтарилади. Бир сўз билан айтганда эса, Худоёрхон даврида хонлик ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий бўхронлар гирдобига тушиб қолади.

Хўш, нега бундай бўлди?

Нега Худоёрхон катта бир юртнинг пешвоси бўла туриб, кўплаб қабих ишларни амалга оширди? Юз минглаб раият унингadolатli қарорларига илҳақ эканини, эҳтимолки, хон етовида юртга чанг солмоқчи бўлган ёғийга қарши қурашга шайлигини билмас эдими? Ўз ҳалқи учун таҳликали вазиятлар яқинлашганида азбаройи жон сақлаш илинжида бош олиб кетишдан мантиқ қани? Тили, дини, миллати бир бўлган хонлар билан шундай вазиятда ўзаро қурашларни четга суриш ўрнига ўз таҳтини сақлаб қолиш, узокроқ ҳукмфармолик қилиш умиди билан Кауфманга мурожаат қилди? Ор-номусли, тоза имонли ватандошлари, сўлим водийлар ва ота маконидек асл бебаҳо бойлиги бўла туриб, нега хонлик тасарруфидаги олтину кумушлар, дуру жавоҳирлар билан бегона юртларга от солди? Хонлик хазинаси ҳалқнинг пешона тери, ҳалол меҳнати эвазига тўпланганини, шу боис, бойликнинг асл соҳиби шу юрт, шу ҳалқ эканини билмайдиган даражада жоҳил эдими? Бу саволларга жавоб излаш учун, энг аввало, Худоёрхон ўзи ким, қандай қилиб тарих саҳнасига чиқиб келган, деган саволга жавоб топиш керак бўлади.

Худоёрхон кўп йиллар Қўқонда ҳукмфармолик қилган минг сулоласининг вакили Шералихоннинг ўғли. Отаси суюқасд натижасида ўлдирилгандан сўнг мингбоши Мусулмонқул қипчоқ 12 ёшли қизини 14 ёшли Худоёрхонга никоҳлаб беради. Анчадан бери хонликка кўз тикиб юрган Мусулмонқул куёви воситасида бу орзусига эришиш учун қураш бошлайди. Аёнлар орасида унинг таъсир доираси катта эди. Шу боис, таҳт вориси Маллабек қолиб, кичик шаҳзода Худоёрбекни хон деб эълон қиласи. Ёш хонга оталиқ бўлиб олган Мусулмонқул амалда хонликни ўзи бошқаради. Секин-аста энг муҳим лавозимлар қипчоқлар кўлига ўтади ва улар хоҳлаганича бебошликлар қила бошлайдилар. Натижада ички қураш кучайиб кетади ва бу вақтга келиб вояга етган Худоёрхон ҳам валинеъматидан

ошкора юз ўгиради. 1853 йили қирғин бошланади ва оқибатда 20 минг нафарга яқын қипчоқлар ўлдирилади, Мусулмонқул эса Қўқонда дорга осилади. Шу тариқа Худоёрхоннинг мустақил ҳукмронлик даври бошланади. Аммо давлат бошқаришда тажрибага эга бўлмагани туфайли кўп хатоларга йўл қўяди. Шу боис у .... йилларда уч марта тахтга ўтиради. Дастлаб Мусулмонқул, кейин Бухоро амири Музффар, кейинроқ .... кўмагида тахтга ўтирган Худоёрхоннинг калтабин сиёсати туфайли, энг аввало, авом халқ кўп азият тортди.

Қўқон хонлигига ички курашлар авж олаётган бир пайтда Чор Россияси ҳукумати хонлик худудига тажовуз солиб турар, 1853 йилда Оқмачит ва бошқа унга ёндош қалъалар чор аскарлари томонидан ишғол қилинган, ниҳоят 1864 йилда Туркистон ва Чимкент, 1865 йилда эса Тошкент ёв измига ўтган эди.

Хўш, Худоёрхонни оддий халқ нега ёмон кўрар эди?

Чунки, у халқ бошига беҳад оғир қунларни соглан, аёвсиз қийнаган, ўз халқига нисбатан кўп ноҳақлик қилган эди. Қўқон хонлиги тарихида халқнинг энг оғир ва қийинчилик даври Худоёрхон ҳукм сурган даври бўлган. Қўқон аҳли ҳеч қачон Худоёрхоннинг қўзғолончилар бошлиқларини қозикқа ўтқазиб, минг азоблар билан қийнагани, музокарага келган 40 нафар оқсоқолни шафқатсизларча қатл эттиргани, қўқонлик 300 зодагонлар Бухоро амирига ёрдам сўраб мактуб ёзгани учун уларни бирин-кетин ўрдага чақириб “гумдан” қилгани, ҳашар йўли билан қазилаётган каналда катнашмаганларни калтаклатиб, айримларни ўлгунча урдиргани, сув тўғонни бузиб юборганилиги учун, сувни тўхтатолмай, Тўхтасин исмли эркакларни топиб, тўғонга тириклийн кўмдириб юборгани ва бошқа жоҳилона ишларини кечирмайдилар.

Бироқ шу билан бирга Худоёрхон табиатан тадбирли киши эди, чунончи, у ҳукмдорлик қилган даврда қишлоқ хўжалигига эътибор берилиши натижасида янги анҳор ва ариқлар қазилди; Америкача пахта нави келтирилиб, Қўқонга яқинидаги Афғонбоғда тажриба учун экилди; маҳсус пиллачилик мактаби очилиб, у ерда пилла қуртининг парвариши юзасидан ўқитиш ишлари йўлга қўйилди; Қўқонга фотоаппарат олиб келинди ва Бердиёр исмли йигит ундан фойдаланишни ўрганди; болалар от ўйини ҳам унинг ташаббуси билан хитойликларнинг қайиқ (кайма) ўйинига тақлид қилиб қўқонликлар турмушига татбиқ этилди; чўян печка олиб келинди; XIX аср Ўрта Осиёда барпо этилган энг катта ва кўркам бинолардан бири — хон ўрдасининг қурилиши 1873 йили ниҳоясига етказилди; “Мадрасаи Олий”, “Мадрасаи Ҳоким ойим”, “Мадрасаи Султон Муродбек” каби маҳбатли обидалар бунёд этилди. Худоёрхон фармони билан Маҳзун (Зиёвуддин Ҳўқандий) 1696 саҳифалик “Шоҳнома” асарини ёзди (ушбу қўллэзма асар Истанбулда сақланмоқда. — X.Б). Аммо бу далиллар уни оқлашга асос

бўла олмайди, зеро зулм ваadolatsizlik билан амалга оширилган тадбирлар туфайли минглаб бегуноҳ инсонлар жабр кўрганлар...

Худоёрхоннинг ҳукмронлик даврида Кўқон хонлигининг худуди анча қисқариб қолганлиги туфайли хазинага даромад кам тушадиган бўлиб қолган эди. Хазинани тўлдириш учун турли солиқлар ўйлаб чиқилди, аввалги солиқлар оширилди. Бунинг устига 1868 йилги Туркистон генерал-губернатори билан тузилган “тeng ҳуқуқли” шартномага мувофиқ, рус савдогарларига хонликнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида бўлиш ва карvonсаройлар қуриш, рус товарларини хонлик худуди орқали бошқа давлатларга бож тўламасдан бемалол олиб ўтиш ҳуқуқи берилди; рус савдогарлари қўқонлик савдогарлар билан teng микдорда бож тўлайдиган бўлди.

Худоёрхон Туркия ва Бухоро билан яхши алоқада бўлишга интилди. Англия эмиссарлари билан учрашиб, улардан мадад олишга интилди. Аммо юзага келган сиёсий вазият туфайли у Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман билан кўпроқ яқинлашишга мажбур бўлди. Бунга эса Худоёрхоннинг Тошкентдаги расмий вакили Мирза Ҳаким парвоначи катта ҳисса қўшди. Чунки Мирза Ҳаким парвоначи, аслида, “Умидов” лақаби билан Чор ҳукуматининг махфий агенти бўлиб, унинг манфаатига хизмат қилган. Худоёрхон эса буни билмас, ваҳоланки, қўқонликлар Мирза Ҳакимнинг сотқинлигини сезиб, қўзғолон кунлари унинг уйини ёқиб юборишади.

Тахт учун курашлар, ўзаро урушлар, солиқларнинг кўпайиб кетиши мавжуд ижтимоий-сиёсий аҳволни оғирлаштириб юбориши натижасида хонликда тез-тез қўзғолонлар бўлиб турди. Шулардан энг каттаси 1873 йили бошланади ва бу тарихга “Пўлатхон қўзғолони” деган ном билан кирди. Худоёрхон аскарлари бу қўзғолонга қаршилик кўрсатишга ожизлик қиласди, ҳатто, хон аскарларининг асосий қисми қўзғолончилар томонига ўтиб кетади. Буни кўрган Худоёрхон Кауфманга расман мурожаат қиласди ва рус аскарларини юбориб қўзғолонни бостиришни илтимос қиласди. Аммо бу ёрдамни кутмасдан Хўжанд орқали Тошкентга қочишига мажбур бўлади. Қочищдан олдин 5 арава олтинни номаълум томонга юборади, аммо бу ҳақда Кауфман маълумот олади. Бу олтинларни тақдири эса шу кунга қадар маълум бўлганича йўқ. Тўғри бир арава олтинни Бешариқ атрофида аҳоли томонидан талон-тарож қилинган деган тахминлар ҳам йўқ эмас, бироқ нима бўлган тақдирида ҳам хонлик хазинасининг каттагина қисми изсиз ғойиб бўлади. Худоёрхон қолган барча хазинани олиб(!), Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази бўлган Тошкентга қочади. Худоёрхон Кўқонда қочиши режасини тузатганда хазина қўзғолончилар кўлига тушиб қолмаслиги учун уни махфий равишда номаълум томонга жўнатади. Чунки, аввалроқ унинг Сўхдаги яширин хазинаси қўзғолончилар кўлига ўтган эди. Худоёрхон хонлик хазинаси ва ўзи билан мавжуд кумуш ва қисман тилло тангаларини Тошкентга олиб қочади. Россия Давлат банкининг Тошкент бўлими бошқарувчиси Бахтиёров унинг олдига келиб ёнидаги кумуш ва



олтинларни сотиб, рубль ҳисобида банкка қўйишни маслаҳат беради. Ҳисоблаб кўрилганда кумуш тангаларнинг нархи 139 минг 500 рубль 25 тийинга тўғри келади ва у буни банкка топширади. Айтиш жоизки, бу маблағ ўша даврлар учун жуда катта эди, масалан, ўша пайтда Кўқонда битта қўйнинг ўртача нархи 1, 1,5 рубль эди. Хазина банкка ўтказилгач, хоннинг қўлига шундан фақат 20 минг рубль бериб, 10 минг рублни Оренбург банкига, қолган 109 минг 403 рубль 85 тийинини Москва банкига ўтказадилар. Унинг Оренбургдаги 10 минг сўмини олган-олмаганлиги номаълум, аммо Москвадаги 109 минг 403 рубль 85 тийин миқдоридаги пулни олмаганлиги аниқ. Бу пулларнинг шу кунга қадар неча фоиз ошганлиги ва ҳозирги пул ҳисобида қандай миқдорда бўлиши кўз олдингизга келгандир!

Юқорида айтилган кумуш тангалар (2720 кг!) ҳақидаги маълумотлар Санкт-Петербургдаги Давлат тарихи архивида сақланмоқда. Бу ҳужжатларни топиш учун икки хафта ичида Россия империясининг 1875-1880 йиллардаги банкига оид кўплаб ҳужжатларни қўриб чиқишига тўғри келди. Биз қуйида топилган ҳужжатлар (ЦГИА РФ, 587-фонд, 33-рўйхат, 141-иш) таржимасини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Биринчи ҳужжат: Молия вазирлиги. Давлат банки. Тошкент бўлими. 12 август 1875 йил. № 465. Тошкент шахри.

3 сентябрь 1875

Давлат банкига

*Давлат банкининг Тошкент бўлими шу йил 12 августда Кўқон хонидан сотиб олинган Кўқон тангаси ҳисобидаги 6806 фунт 48 мисқол кумуши, ҳар бир фунти 20 рубль 50 тийиндан, жами бир юз ўттиз тўққиз минг беши юз уч рубль 25 тийинга сотиб олинганилиги ҳақидаги актни сизларга юборишига муяссар бўлмоқдаман. Давлат банкидан маҳсус кўрсатма олишишимизга қадар пулни майдалаши (размен) бўлимининг ҳисоботида кўрсатамиз.*

Бошқарувчи Баҳтиёров (имзо)

Иккинчи ҳужжат: "Телеграмма № 200. Тошкентдан. 690 ПТГ (Петербург - Ҳ.Б.). Тошкентдан. 300.50.13.12.20.д.


*Хондан бир юз етмииш пуд Кўқоннинг кумуши тангаси 90-проба сотиб олинди. Фунтига 20 рубль 50 тийин пул билан сотиб олин ва шундан йигирма минг сўм хонга берилди, қолганлари хон номига Оренбург, Москвага ўтказилди.*

*Олтиндан фақат 1140 сўмлик сотиб олдиқ, қолганларини ўзи билан олиб кетди. Кумушларни банкка юборайликми ёки шу ерда сотайликми? Фойдаси эллик минг сўм бўлади, сўрайманки бу пулга бўлим учун уй сотиб олсан ёки курсан.*

Бошқарувчи Баҳтиёров (имзо)

Учинчи ҳужжат: Акт. 1875 йил. 12 август.

*Давлат банкининг Тошкент бўлими ушибу актни шул мазмунда туздики, шу куни Кўқон хонидан Кўқоннинг кумуши тангаси ҳисобидан олти минг саккиз юз олти фунт ва қирқ саккиз мисқол, бир фунтига 20 рубль 50*



тийиндан, жами бир юз ўттиз түккүз минг беш юз ўттиз уч рубль йигирма беш тийинга ва кредит билет билан берилди.

Бошқарувчи Баҳтиёров (имзо)

Түртинчи ҳужжат: Молия вазирлиги. Давлат банки. Тошкент бўлими.  
1875 йил 23 август. № 518

20 сентябрь 1875

Давлат банкининг жаноби бошқарувчисига.

Сиз ҳазратнинг шу йил 14 август № 6354-рақамли телеграммангиз туфайли давлат банкининг Тошкент бўлими Кўқоннинг тангасини қабул қилиши ҳақидаги маълумотни хабар берисига муяссармиз: 10 август эрталаб соат 12 да бошқарувчи Н.М.Баҳтиёров бўлим контролери Поливацкийни, кассир Мягковни ва таржимон Батиришкинни таклиф қилиб эълон қилдики, Кўқон хони Худоёрхон банк бўлимига ўзининг Кўқон тангаларини сотмоқчи, лекин уларни на ўзи, на ишончли кишиси билан бўлимга олиб келолмаслигини эътиборга олиб, бўлим бошлиги билан уйига бориб ўша ерда қабул қилиб олиши зарурлигини айтди. Хоннинг уйига жаноби чиновниклар келгач, унинг ўзига қанча миқдори, оғирлиги ва неча сўмлик тангаси борлиги номаълум бўлганлиги туфайли, биз, ҳисобчи ва қоровуллар ёрдамида уларни торозида торта бошладик. Аввал бир тангани, кейин 10 тангани, сўнгра бир фунт тангани, икки маротабадан 8 фунтдан, кейин ҳаммасини доналаб санаб чиқиб, бир танганинг ўртacha оғирлигини ҳисоблаб чиқдик ва 1 фунтда неча танга борлигини аниқладик. Кўқон тангасининг оғирлигини ўртacha 65 қисм дробъ билан ва бир фунтда Кўқон тангасидан 141 11/29 та тўғри келди. Бўлимнинг тарозуси тўғри келмаганлиги туфайли (10 фунтлик) хондаги 98 та халтадаги 68067 фунт тангалари, дўкон тарозусида яхшилаб текшириб кўрилгандан кейин майдалаб тортиб олишига тўғри келди. Бундан кейин кумушиларни 25 та чарм сандиқларга солиб муҳрлаб қўйдик, аммо қулфлар бўлмаганли сабабли қулфланмади ва вақт кеч бўлганлиги учун барчасини хонникида қолдириб кетдик. Эртаси куни соат 11 ларда контролернинг катта ёрдамчиси ва кассир назорати остида хазина омборига олиб ўтилди, у ерда бўлим бошқарувчиси қабул қилиб олди. Қабул қилиб олинган тангалар учун хонга бошқарувчи томонидан белгиланган бир фунт учун 20 рубль 50 тийин ҳисобидан ёки 1 танга учун 14 1/2 тийин (27 июль № 24 кўрсатмаси асосида), жами 139533 рубль 25 тийин тўланиши керак эди, булардан хон 12 августда ўтказиши (переводный) билетлар билан 10000 рублни Оренбург ва 109403 рубль 85 тийинни Москвага ўтказди, булар хон эълон қилган, илова қилинаётган нусхадан кўриниб турибди.

Юқоридагиларга қўшишма қилиб шуни айтмоқчимизки, сандиқларда бошқарувчи, контролер ва кассирларнинг муҳрлардан ташқари қулфлар ҳам осиб қўйилди, уларнинг қалити жаноби бошқарувчида сақланмоқда.

Бошқарувчи Баҳтиёров (имзо)

Контролер (имзо)

Кассир (имзо)



Шу тариқа асрлар давомида тўпланган катта бойлик юртимиздан олиб чиқиб кетилади. Фон Кауфман император билан келишган ҳолда Худоёрхонни Оренбургга сургун қиласди. У бу ердан қочиб Маккага боради. Кейинчалик, Кўқон хонлигининг қолган худудларини ҳам Россия босиб олгандан сўнг Худоёрхон К.П.Кауфманга расман мурожаат қилиб сиёсий ишларга аралашмасликни ваъда қилиб, Кўқонга қайтишга рухсат сўрайди, аммо рухсат берилмайди. У иккинчи марта мурожаат қиласди ва бу ариза сенатда кўриб чиқилиб, Худоёрхоннинг Кўқонга қайтишига ижозат берилади. Аммо бундан беҳабар бўлган Худоёрхон яқин одамларидан бўлмиш Нурмуҳаммад шарбатдорнинг ташвиқоти билан яширин ҳолда Кўқонга қайтмоқчи бўлади. Сафарда Худоёрхоннинг елкасига чипқон чиқади ва афғон жарроҳлари ярани даволайдилар. Аммо хон яхшироқ тузалишини кутмай сафарни давом эттиришгани боис, касали оғирлашиб хижрий 1299 (1884) йили Карруҳда, ҳозирги Афғонистон худудида вафот этади. Абдураҳмон Офтобачи ёрдамида Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек эса Кўқон хони деб эълон қилинади.

Нихоят, мақоламиз аввалида қўйган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласмиз. Орадан бир асрдан мўлроқ вақт ўтиб, ўша даврнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий муҳити билан яқиндан танишиш асносида айтадиган хулосамиз, эҳтимол, эриш туюлиши мумкиндир. Лекин, шу юрт тарихи — сизу бизнинг тарихимиз эканини унутманг! Тарихчи учун эса ўтмишни ҳалол ва объектив баҳолаш олий мезон бўлиши шарт.

Худоёрхон катта бир юртнинг пешвоси бўла туриб, ўзининг маънавий савияси билангина иш тутди. Машварат ўтказиб, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш ўрнига ҳал қилувчи дақиқаларда ҳам тубан кимсалар билан кенгашди. Демак, у салтанат соҳиби учун муҳим бўлган одам таниш хусусиятидан мосуво эди.

Юз минглаб раият унинг адолатли қарорларига илҳақ эканини, эҳтимолки, юртга чанг солмоқчи бўлган ёғийга қарши хон етовида курашга шайлигини билган. Аммо ўзи бирорга ишонмаганидек, унга ҳам ишонмасликларидан қўрққан. Демак, хонда ўз-ўзига ҳам, бошқаларга ҳам мустаҳкам ишончи йўқ эди.

Яқинлари томонидан кўпгина олий сифатлар билан эркалаб чақириладиган хон учун бу ҳол чиндан-да, аянчли эди. Хон бу қилмиши билан ўз ҳалқининг ор-номуси ва шаънини оёқости қилиб кетди. Ўзига нонтуз берган, камолга етказган ватанини деб жонни тикиш учун жўмардлик, олижаноблик ҳисси лозим бўлади. Афсуски, бу сифатлар “Сайид Баходир Худоёрхон”да йўқ эди...

**ФАЗЛИЙ НАМАНГОНИЙНИНГ “МАЖМУАИ ШОИРОН”  
ТАЗКИРАСИННИНГ ТҮЛІК МАТНИ ВА ФАКСИМИЛ НАШРИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ ЗАРУРЛИГИ ҲАҚИДА**

*Махмуд Ҳасаний*

*Тарих фанлари доктори,*

*ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти*

Қўқонда Амир Умархон (1810-1820) даврида фаннинг кўпгина соҳалари қатори адабиёт фани катта ривожга эга бўлди. Кўқоннинг бу адабий мухити Марказий Осиёда кўплаб ширларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Айниқса, Амир Умархон кўрсатмаси билан Фазлий Наманганий томонидан тузилган “Мажмуаи шоирон” тазкираси адабиётнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Бу ҳақда олимлардан академиклар А. Қаюмов, В. Абдуллаев, ф.ф.д. Э. Шодиев, т.ф.д. М. Ҳасаний, ф.ф.н. А. Халилбеков ва бошқа олимларнинг фикрларини ўқиши мумкин.<sup>1</sup>

Фазлий Наманганий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Намангандаги туғилган. Шоир дастлаб Намангандаги, сўнг Тўракўронда турли касбларда фаолият кўрсатган. Кейинчалик Умархон даврида Кўқонга келиб, сарой шоири сифатида ҳаёт кечирган. Кўқон хони Умархон томонидан “Малик уш-шуаро” (Шоирларнинг подшоси) деб эълон қилинган. Умархоннинг вафотидан сўнг, 1822 йилда Намангандаги келиб, шу ерда вафот этган.<sup>2</sup>

Фазлийдан биззача бир неча асарлар етиб келган бўлиб, улардан бири “Умарнома” деб аталади. Унинг иккичи номи “Зафарнома”дир. Мазкур асарда Умархоннинг ҳаёти ва олиб борган жанглари форс тилида шеърий усуlda баён қилинган бўлиб, унинг ягона нусхаси Россия ФА Осиё мамлакатлари институтининг Санкт-Петербург бўлимида сакланмоқда.

Унинг илм аҳлига шу кунгача маълум бўлмаган яна бир асари “Қудсий ҳадислар шарҳи” деб аталади. Унинг иккита нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўллёмсалар фондида 1083, 7597 рақамлари остида сакланмоқда. Рисолада дастлаб қудсий ҳадис келтирилган бўлиб, у ўзбек тилига шеърий таржима қилинади, сўнг “Муножот” номлари остида шоирнинг ички кечинмалари шеърда берилади. Рисола 70 сахифадан иборат. Унинг форс тилидаги ғазаллар девони Душанбеда сакланмоқда. Ўзбек тилидаги ғазаллар девони эса ҳозирча топилмаган. Фазлий Мирзо Қаландар

<sup>1</sup> Карап: А.П. Қаюмов. Кўқон адабий мухити. Т.: Фан, 1961; Ўзбек адабиёти тарихи. II-жилд. Тузувчи В. А. Абдуллаев. Т.: Ўқитувчи, 1980; Э.Шодиев. Фазлий Наманганий ва Хўжанд шоирлари. Хўжанд, 1993; А.Халилбеков. Фазлий Наманганий. Т.: Мажмуаи шоирон, 2018. –Б. 13-23; М.Ҳасаний. Фазлий Наманганий ва унинг “Мажмуаи шоирон” китоби ҳақида. Т.: Тафаккур қаноти, 2018. Б. 3-12.

<sup>2</sup> Абдулкарим Фазлий Наманганий. Мажмуаи шоирон. Т.: Тафаккур қаноти, 2018. Б.-3.

Мушриф билан ҳамкорликда тузган асл номи “Мажмуаи шоирон” бўлган бу тазкира “Мажмуат уш-шуаро” деган ном билан машхур бўлган.

Фазлий кўп ўринларда мазкур тазкиранинг номини келтириб ўтирамай, уни “Нусха” номи билан атайдерган. Кейинчалик эса уни тошбосма усулида нашр қилган ноширлар “Мажмуат уш-шуаро” номи билан атаганлар. Тазкиранинг яна бошқача номлари ҳам мавжуд бўлиб, у “Мажмуат уш-шуаройи Фазлий” ва “Мажмуат уш-шуаройи Умархоний” ҳам дейилади. “Мажмуат уш-шуаройи Умархоний” дейилишига сабаб унинг Умархон буйруғи бўйича тузилганидир. “Мажмуат уш-шуаройи Фазлий” деганда эса унинг тузувчиси Фазлий экани англашилади.<sup>1</sup> Тазкирани тузишда шоир ва тарихчи Мирзо Қаландар Мушриф ҳам иштирок этган бўлиб, унинг исми тазкиранинг номида акс этмаган, бунинг сабаби тазкиранинг асосий тузувчиси Фазлий эканидир.

Шу ерда Мирзо Қаландар Мушриф ҳақида ҳам маълумот бериб ўтмоқчимиз. У Исфарада туғилган, туғилган йили маълум эмас, вафоти 1825 йил. У дастлаб Қўқон мадрасасида таълим олган. 1818 йилдан бошлаб Умархон армиясида лашкар қозиси вазифасини бажарган. Шу даврда “Рисолаи аскарий” номли асар ёзган, бироқ у ҳали топилмаган. Муҳаммад Алихон даврида Исфарада қози бўлиб турган.

Мушриф Умархон кўрсатмаси билан “Шоҳномаи нусратпаём” (“Ғалабадан хабар берувчи шоҳнома”) китобини ёзган. Олимларнинг таъкидлашича, у мазкур асарни Фазлийнинг “Умарнома” асари асосида ёзган. Арабча “Далоил ул-хайрот” китобини форсийга таржима қилган бўлиб, у ҳам топилмаган. Унинг қаламига мансуб “Шоҳнома”нинг қўлёзма нусхаси Россия ФА Осиё мамлакатлари институтининг Санкт-Петербург бўлимида 471 рақами остида сақланмоқда.

“Мажмуаи шоирон” 1821 йилда ёзиб тугатилган бўлиб, қўлёзма ҳолида тез тарқаган. Унинг турли даврларда кўчирилган 15 та қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Дарҳақиқат, бу тазкиранинг номи ён-атрофга тарқалгач, Хоразм ва Бухорода ҳам унга тақлидан шеърий тазкиралар тузила бошланган.<sup>2</sup>

“Мажмуаи шоирон” адабиёт аҳллари орасида машхур бўлиб, ундан ўз ишларида унумли фойдаланган бўлсалар-да, бироқ нашрга тайёрланмай келмоқда эди. Баъзи ўртоқлар бизга илтимос қилиб, шу хайрли ишни амалга оширишга ундар эдилар. Шулар орасида адабиётчи олим Ортиқбой Абдуллаев ҳам бўлиб, бизни бу ишга қаттиқ тарғиб қиласр эди. Кўп ўтмай, Фазлийнинг Тошкентда яшайдиган авлодларидан бири ҳам топилиб қолди. Валижон Раҳмонов номли бу киши касби бутунлай бошқа бўлса-да, адабиётга ихлоси баланд экан. Унинг ҳам қатор илтимослари бизни шу ишга ундей бошлади. Натижада, мазкур илтимосларни бажаришни бўйнимизга олдик.

<sup>1</sup> Мажмуаи шоирон, 4 б.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 6 б.



“Мажмуаи шоирон”нинг тузилиши ўзига хос бўлиб, ҳар бир шоирнинг ғазали келтирилганда, албатта, шу шоир ҳақида баъзан ўзбек, кўпроқ форс тилида таржимаи ҳолига оид маълумотлар келтирилган. Масалан, бир шоирнинг бешта ғазали ҳар хил саҳифаларда келтирилган бўлса, беш марта таржимаи ҳолига оид маълумот қайд этилган. Насрий йўл билан ёзилган тазкираларда бундай ҳолни учратмаймиз, шоир ҳақида бир марта маълумот берилади ва шеърларидан, рубоийларидан бир нечтаси бирданига келтирилади. Тазкиранинг Шарқда биринчи марта шундай тартибида тузилиши ҳақида Фазлийнинг ўзи ҳам қуидагиларни ёзган эди:

Ба асли салотини пешин ки дид,  
Ки мисли ҳамин нусха омад падид.

(Шундай китоб пайдо бўлганини ўтмиии сultonларидан қайси бири кўрибди.)

Бу тазкиранинг тузилаётгани ҳақида ён-атрофга овозалар тез тарқала бошлайди. Чунончи, Фазлий бу ҳақда дейди:

Чу ин гуфтаҳо ҳусни авроқ шуд,  
Ба як лаҳза машҳури оғоқ шуд.

(Бу шеърлар варақларнинг ҳуснига айлангач, бир лаҳзада оламга машҳур бўлди.)

Фазлий ва Мушриф тазкирани тузиб тугатганларидан сўнг, уни қўчириш учун машҳур хаттотга берадилар. Бу ҳақда Фазлий шундай ёзади:

Буд роқими ин саҳифа ба ном,  
Ки хаташ дошт ҳусни тамом.  
Буд дар Самарқанд маъвойи ў,  
Кунун гашта ин остон жойи ў.  
Варо хизмати шоҳ матлуб буд,  
Ба Юсуф Муҳаммад мухотаб буд.  
Чу ин нусхаро ў ба поён расонд,  
Ба расми ҳадоё ба султон расонд.<sup>1</sup>

(Бу саҳифа роқимининг хати жуда чиройли бўлиб, унинг яшаш жойи Самарқандда эди, ҳозирда бу ер унинг жойидир. Унга шоҳнинг хизмати маъқул бўлди, унинг номи Муҳаммад Юсуф эди. Бу китобнини қўчириши охирiga етгач, уни ҳадя сифатида султон (Умархон)га етказди.)

Фазлий тазкирада бу машҳур хаттотнинг ғазалини ва яна у ҳақдаги маълумотларни келтириб, қуидагиларни ёзган:

Чи Юсуф Муҳаммад Фалотуни фан аст,  
Аз ин шеър аҳволи ў равшан аст.

<sup>1</sup> Ўша китоб, ўша бет.



(Мұхаммад Юсуф илм Афлотунидир, унинг қуийдаги шеърида ақволи маълум бўлади).

Буд хомаашро машқи жали,  
Хати насхи нусхай Мир Али.

(Унинг қалами жасалий хатини ёзарди, унинг насх хати *Mir Ali Xaravii* хати каби эди.)

Биз бу мақоламизда тазкирадаги шоирлар, уларнинг сони, фаолияти ҳақида гапирмоқчи эмасмиз. Биз асарнинг нусхаларини ўрганиш, танқидий матнини тузиш, Амир Умархон ва Фазлий тирик даврида уларнинг кўрсатмаси билан тузилган асл дастхат нусхасининг факсимил нашрини амалга ошириш зарурлиги ҳақида гапирмоқчимиз. Чунки, Қўқон ва унинг атрофида яшаган юзлаб шоирларнинг таржимаи ҳоли ва асарларидан намуналар тазкирадан ўрин олган. Уларнинг кўпи ҳалигача адабиётчилар томонидан ўрганилмаган. Бунинг сабаби эса унинг юқорида айтилган нусхалари мавжуд эмаслигидар.

Биз “Мажмуаи шоирон”нинг турли даврларда кўчирилган 15 та қўлёзма нусхаси билан танишиш жараёнида, шу нарсага амин бўлдикки, уларни кўчириган котиблар истаган ғазални тушириб қолдирган ёки кейинчалик бошқа ғазалларни орага қўшиб кетаверган экан. Котибларнинг савиялари ҳам ҳар хил бўлиб, кўчириш жараёнида сўзларни ўзгартирган ёки кўчиришда хатога йўл қўйган. Тазкиранинг 9914 рақамлиси билан танишганимизда, у мазкур тазкира тузилган йили, яъни 1237/1821 йили кўчирилганининг гувоҳи бўлдик. Бироқ унинг котиби кўрсатилмаган эди. Демак, қўлёзма тазкиранинг ёзилганидан бир йил ўтгач кўчирилган экан. Бу пайтда Амир Умархон ва Фазлий тирик бўлган.

Биз Мұхаммад Юсуф томонидан кўчирилиб, Амирга берилган нусха шу бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ, 7515 рақамли қўлёзма билан танишганимизда фикримиз ўзгарди. Негаки у 1236/1820 йилда кўчирилган бўлиб, кўчирувчиси Фазлий тилган олган ўша машҳур котиб Мұхаммад Юсуф Самарқандий эди. Кўлёзманинг охирида шундай ёзув бор:

“Ин китоби мажмуат ул-аиъор ...ба фармони амир ул-муслимин Сайид Мұхаммад Умархон...ба дасти фақири ҳақири Мирзо Юсуф Самарқандий дар таърихи шаҳри рабиъ ус-соний сана 1236/1820 навишишта шуд.”( Бу шеърлар мажмуаси китоби ...амир ул-муслимин Сайид Мұхаммад Умархон фармони билан ...фақири ҳақири Мирзо Юсуф Самарқандий қўли билан 1236(1820) йил рабиъ ус-соний ойида ёзиб тутатилди).<sup>1</sup> Амир Умархон кўлига топширилган мазкур нусха давр ўтиши билан ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондига келиб қолган. Демак, олимлар учун мазкур тазкиранинг яхлит ва тоза нусхасини ўрганиш ва нашр қилишда фойдаланиш имконияти мавжуд.

<sup>1</sup> Ўша китоб, 7 б.

Мазкур нусханинг факсимил нашрни амалга ошириш олдимизда турган вазифалардан бириди. Бироқ асл дастхат нусхада ҳам хатолар ўтиб кетиши мумкин. Уларни бартараф қилиш учун ЎзР ФА ШИ да сақланыётган қўлёзма нусхалар ёрдамга келади.

Тазкира икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи қисми фақат форсча касидаларни ўз ичига олади. Иккинчи қисми эса, шоирларнинг форсча ва ўзбекча ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари ва рубоийларидан иборат эди. Биз иккинчи қисмидаги ўзбекча ғазалларини танлаб олдик. Бироқ, бу ғазалларнинг ҳар бирига ғазални ёзган шоирлар ҳақида форсча шеърий маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг ўзбек тилига насрой таржимасини илова қиласди. Тазкирани тўлиқ таржима қилиш учун тил биладиган ва арабча матнни ўқий оладиган шоирлар гурухи керак бўлади. Бироқ, биз ҳозирча, илм аҳлларини тазкира билан таништириш мақсадида, хамир учидан патир сифатида, мазкур китобни тайёрладик. Ундаги ўзбекча ғазалларнинг ўзи 350 бетни ташкил этди. Эндиgi навбат ундаги форсча ғазалларни ҳам нашрга тайёрлаш керак. Улар ҳам, тахминан, 350 бетни ташкил этади. Форсча ғазалларни нашр этилиши ҳам адабиётимиз тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Амир Умархон даврида Кўқонда адабиётнинг гуллаб-яшнагани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳақда Фазлий шундай ёзган эди:

Ба ин жумла дод он қадар зебу зайн,  
Ки мансух шуд даври Султон Ҳусайн.

(*Шу жумладан, (шеъриятга) шу қадар зебу зийнат бердики, Султон Ҳусайннинг даври ҳеч нарса бўлмай қолди.*)

Матоъи сухан қиймату қадр ёфт,  
Хирадманд ҳам жой бар садр ёфт.<sup>1</sup>

(*Сўз мулки қиммат ва қадр топди, донолар ҳам иззат тўрига ўтириди.*)

Бундай байтларни бошқа шоирларнинг шеърларида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Шоир Адо ёзади:

Гар Навоийдин Адо сўзини ўткарса не тонг,  
Шайх Умар афзалму ё Султон Ҳусайнни Бойқаро.  
(*Адо ўз шеърини Навоийдан ўтказиб юборса, ҳайрон бўлманг,  
Шайх Умар афзалми ёки Султон Ҳусайн Бойқароми?*)

Бундан ташқари Умархон даврида ўзга мамлакатлар билан маданий соҳада ҳам алоқалар мавжуд бўлган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг хазинасида Абу Исо ат-Термизий “Шамоилнома”сининг турли даврларда кўчирилган 20 га яқин қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Уларнинг ичидаги

<sup>1</sup> Ўша китоб, 9 б.

қадимийлари ва гоятда нафис хаттотлик услуги билан кўчирилганлари, нақшлар ва олтин суви билан ишланган жадвал ва унвонга эгалари бор.

Биз мазкур қўлёзмаларни маҳсус каталог (фиҳрист) китоби учун тавсифларини амалга ошираётганимизда қизиқ бир маълумотга дуч келдик. 7562 ашё рақами билан сақланаётган нусханинг тўртта ерида Кўқон хони Амир Умархонинг ўз қўли билан босган тўртта муҳри мавжуд эди. Муҳрларда “амир ул-муслимин Саййид Муҳамад Умар ибн Норбўтахон” сўзлари ёзилган. Нусханинг кўчирилган йили ва жойи кўрсатилмаган. Котиби – Шайх Муҳаммад ибн Шайх Фарид ибн Али. Хати ва қоғозига қараб, у XVIII асрда кўчирилган дейиш мумкин. Чиройли насх хати билан силлиқ шарқона қоғозга кўчирилган. Унвон ва жадвал ишланмаган. Пойгиrlари бор. Ҳошия ва сатрлар остида арабча ва форсча тушунишиллар мавжуд. Матн ҳаракатлар билан тўлиқ таъминланган.

Қўлёзма нусхани тавсифлаш жараёнида унинг энг сўнгги охирги варағидаги маълумотга кўзимиз тушди. Маълумот араб тилида бўлиб, “Ҳазрати амир ул-мўъминин салламахуллоҳу таъоло” (“Ҳазрати амир ул-мўъминин, Аллоҳ уни саломат сақласин”) номли сарлавҳа билан бошланади. Бу маълумотни ёзган одам ўзи келтираётган маълумотни Амир Умархонинг ишончли ва эътиборли кишисидан эшитганини ва “Шамоилнома”нинг бу нусхаси Қустон халифаси томонидан Амир Умархога тухфа сифатида юборилганини қайд этади. Қустон луғатларда Қустантания, яъни Константипол шаҳари экани ёзилган. Қўлёзма Андижонда яшовчи Мир Қурбон орқали олиб келингани айтилган. Маълумотнинг давомида Амир Умархон бу нусхани ёқтиргани ва ўз яқинлари билан биргаликда ўқиб, ундаги масалаларни ўргангани ҳақида баён қилинади.

Собиқ иттифоқ даврида Фазлий тазкирасига эътибор кам бўлган. Ундаги шоирлар маддоҳлардан иборат деган тамға урилиб, у ҳақида кам ёзилган. Ваҳоланки, ҳозирда шу тазкира орқали Туркистон, хусусан, Кўқонда яшаган шоирлар ҳақида маълумотга эгамиз. Душанбеда тазкира ҳақида номзодлик диссертацияси ёзилган бўлиб, тазкирага катта баҳо берилган. Академик Азиз Қаюмовнинг отаси Пўлатжон Қаюмов томонидан ёзилган “Тазкираи Қаюмий”да асосан Фазлийнинг тазкирасидан фойдаланилган. “Тазкираи Қаюмий” ҳақида Тошкентда номзодлик диссертацияси ёқланган бўлиб, диссертант бу тазкирани Фазлий тазкираси билан солиштириб, ижобий фикрларни олға сурган.

1. Ўзбекистонда яшаган шоирлар ҳақида номзодлик диссертацияларини, мақолаларни ёзаётган олимлар Фазлий тазкирасига мурожаат қилмасдан иложлари йўқ. Бироқ, унинг тўлиқ матни шу кунгача нашр қилинган эмас. Мазкур тазкирани чуқур ўрганиш, тўлиқ матнини ҳамда факсимил нашрини амалга ошириш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

ҚҮҚОН АДАБИЙ МУҲИТИГА ТЕГИШЛИ ТУРКИЯДАГИ  
АСАРЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*Болтабаев Саидбек*

*Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Карабук университети*

Х асрда Сирдарё ёқасидан 24 уруғли ўғуз халқининг ғарб томонга турли сабаблар билан кўчиб борган эди. 1071- йилда Салжуқийларнинг Малазгирт (Манзикерт) жангига Византияни мағлуб этишидан кейин Онадўли диёрига туркий халқларнинг жойлашиши жадаллашган. XIII асрда эса Чингизхон ва авлодларининг бутун шарқни ғарб томонга сиқувга олган эди. Буларнинг барида туркий уруғлар оммавий равишда ғарбга силжиб борар эди. Натижада ўша даврга келиб Кичик Осиё ҳудуди туркий халқларнинг иккинчи ватанига айланиб улгурди. XIII – XV асрлар оралиғида Онадўли, Эрон ва Кавказ минтақасида яшайдиган ўғузлар орасида «қоришиқ туркий тил» билан асарлар яратилди. Туркологияда бундай матнларга «қоришиқ/аралаш тилли асарлар» деб ном берилади. Яъни айни асрда икки ёки ундан ортиқ тилнинг/лаҳжанинг хусусиятлари аралаш ҳолатда кўрилади. Бундай асарлар асосан Онадўли диёрида салжуқийлар даврида яратилгани тахмин қилинади. Қоришиқ тилли асарларнинг энг асосий хусусияти ўғузча билан бир қаторда Каспийнинг шарқий томонидаги туркий тилнинг фонетик ва морфологик хусусиятлари параллель равишда учрайди. Масалан бундай асарларда *болмақ* ва *олмақ* феъллари тенг ишлатилади. Шу боис тадқиқотчилар бундай қоришиқ хусусиятдаги асарлар масаласини *болға-олға масаласи* деб атайдилар [Арат, 1987:312; Текин, 1973-1974: 59].

Баъзи олимларнинг фикрига кўра қоришиқ тилли асарлар умумий эмас, индивидуал ҳолатдир. Бу фикрни тасдиқловчи олимлар қоришиқ тилли асарларни муаллифга боғлайдилар. Уларнинг фикрича Онадўли диёрига ўғуз халқи оммавий кўчиб келган даврда уруш ва босқин сабабли сиёсий нотинчлик даври эди. Бу даврда адабий фаолиятлар амалга оширила олмади. XIII асрдан кейин минтақада барқарорлик таъминлангач адабий фаолиятлар жонланди. Бироқ илк адабий асарларни Ўра Осиёда таълим олган, асл тиллари ўғузча бўлмаган олим, адиб ва шоирлар юзага келтирган. Шу сабабли улар ўз тилларининг (қарлук/қипчок) хусусиятларини ҳали яхши ўзлаштиргмаган ўғузча хусусиятлар билан аралаш равишда қўлланганлар [Текин, 1973-1974:59-157].

Кейинги даврларда Юнус Эмро каби халқ тили билан куйловчи шоирларда Аҳмад Яссавий сезилса, Алишер Навоий билан бирга ўғузлар орасида ҳам Навоийга назира ёзувчи, ундан илҳом олиб ўғузча эмас айнан Навоий тилида асарлар ёзиш анъанаси ҳам юзага келди. Натижада XIX асрда Навоий асарларини ўғузлар томонидан янада осонроқ тушунилишини

таъминловчи «Абушқа» ва «Ал-луғатун навоийя вал-истиҳодотул-чиғатоийя» деб номланувчи луғат юзага келди. Бу айни пайтда тарихда тўлигича икки туркий тил орасида яратилган илик луғат бўлди [Качалин, 2011]. Навоий тилида шеър ёзиш ва луғат тайёрлаш анъанаси ўғузлар орасида XIX асргача сақланиб келди. Она тили ўгузча бўлган шоирлар ғазал, робоий, мухаммас, тахмис, қитъа ҳатто, қасида ёзганлари маълум [бу ҳақда қаранг: Серткая, 1970, 1971, 1972, 1976, 2004; Чавушўғлу, 2011; Эркинов, 2017]. Қолаверса Фотих Султон Муҳаммаддан эътиборан жиддий даражада илм-фанга, адабиёт ва санъатга берилган эътибор шарқий минтақалардан Али Қушчи сингари олим, шоир, санъаткор каби маърифат эгаларининг Онадўлига келиб ижод қилгани кузатилган. Бу ҳолат аждодларимиз яратган асарларнинг Европага етиб боришини ва таржима қилинишини тезлаштириб юборган.

Қўриниб турибдики, тарихнинг турли даврларида Онадўлида она юртдаги адабиётга эътибор юқори бўлган, шарқий ҳудудларда яшовчи туркий халқларнинг тилида ёзилган асарлар ўқилишда давом этган ва у ердаги илмий, маърифий, адабий жараёнлар кузатиб борилган. Бу ҳолат Шайбонийхонлар, кейинчалик хонликлар даврида нисбатан камайган бўлсада, бус-бутун узилиб қолмаган. Шу сабабли Усмонли давлати ҳукмрон бўлган минтақаларга аждодларимиз томонидан яратилган туркий, форсий ва арабий ҳар хил соҳаларга оид асарларнинг нусхалари олиб келинган ёки шу ернинг ўзида кўчирилган. Натижада Туркия давлатида Ўрта Осиё минтақасида айнан мумтоз туркий тильда ёки бошқа тилларда яратилган асарларнинг кўп сонли нусхалари сақланади. Муҳими шундаки, буларнинг орасида баъзи қўлёзма асарлар давлат ҳукмдорлари томонидан Усмонли давлатига совға сифатида юборилган.

Қўқон адабий муҳитига тегишли Туркиядаги асарлар

Туркия ҳудудларида Қўқон адабий муҳитига тегишли қўйидаги асарларни зикр этиб ўтиш мумкин:

1) Амир Умархон томонидан Усмонли султони Маҳмуд ИИ учун юборилган «Муҳаббатнома» тўплами.

2) Истанбул университетида сақланувчи Фузулий ва Амирий девони нусхаси.

3) Отатурк кутубхонасида сақланувчи «Мажмуаи шуаро» нусхаси.

Айтиш мумкинки, уч асар Усмонли давлатининг пойтахти бўлган Истанбулда сақланади. «Муҳаббатнома» ва «Амирий девони» нусхалари даставвал Усмонли давлатининг Юлдуз саройида сақланган. Демак саройга Кўқон хонлиги томонидан юборилган. Кейинчалик Отатуркнинг буйруғи билан Юлдуз саройида сақланувчи қўлёзма асарлар Истанбул университетининг нодир асарлар кутубхонасига кўчирилган. Шу сабабли ҳозирда шу кутубхонада сақланмоқда. Қўйида ҳар бир асар ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирилмоқда.


«Муҳаббатнома» тўплами



1819- йилда Кўқон хони Амир Умархон ўз даврининг обрў-эътиборли уламосидан бири бўлган Сайийд Мир Қурбон Охунд бошчилигидаги гуруҳни Усмонли давлатига элчи сифатида юборгани маълум. Ушбу элчилик ҳайъати ўзи билан усмонли султонига бир қатор совға-салом олиб келган. Уларнинг орасида Ўрта Осиё ва Кичик Осиё алоқаларининг энг ёрқин санъат ва маданият меросларидан бири бўлган «Муҳаббатнома» тўплами бор эди. Ушбу тўплам ҳозирда Истанбул университетининг нодир асарлар кутубхонасида TY5452 раками остида сакланади. Тўплам ҳақида илк илмий маълумот Миён Бузрук Солиҳов томонидан 1930- йилда берилган. Кейинчалик А. Левенд, А. Қаюмов, Ҳ. Болтабоев, А. Эркинов, О. Жўрабоев каби олимлар алоҳида тадқиқотлар олиб борган<sup>1</sup>.

Китоб ўлчови 48,6 x 27 см, матн ўлчови эса 36,4 x16,6 см. Настаълиқ ёзуви билан ёзилган ушбу тўпламдан жой олган ҳар бир асарнинг бошланғич қисми тазҳиб билан безалган саҳифадан бошланади. Тўпламда 496 варакдан иборат бўлиб, китобнинг турли қисмларида ҳаммаси бўлиб 18 варак бўш қолдирилган. Жадвал ичига олинган матнда 21 сатр ёзув бор, хошияларга эса 28 сатр матн ёзилган.

<sup>1</sup> Бу тадқиқотлардан баъзиларининг библиографияси куйида келтирилмоқда:  
Миён Бузрук Солиҳов. Орта Осиё ўзбек адабиёти тарихига умумий қарашиб. 1-қисм. – Тошкент, 1930. 59-60-бетлар.;  
А. Қаюмов. Кўқон адабий муҳити. – Тошкент: Фанлар академияси, 1961. 36- б.;  
Ҳ. Болтабоев. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент: Адолат, 2004. 59-65-б.;  
А. С. Левенд. Тўркие Китаплклариндаки Неваи Язмалари. // Тўрк Дири Араштирумалари Йиллиги — Беллетең 6. Анқара, 1958. 147-150- б.;  
А. Эркинов. Ноёб қўлёзма изидан // Мозийдан садо. 2009. №4. 20-22-б.;  
О. Жўрабоев О. «Хазойин-ул-маоний»нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари” // Адабиёт кўзгуси. №12, Тошкент, 2011, 10-17-б.;  
О. Жўрабоев. «Навоий асарлари қўлёзма ва матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари» // «Алишер Навоий ва XXI аср» мавzuидаги республика илмий-назарий анжумани. Тошкент, 2016, 34-35-б.;  
О. Жўрабоев. Матннинг матности сирлари. Тошкент: Тамаддун, 2017, 46-56- б.;  
А. Эркинов. “Умархон туздирган «Муҳаббатнома» тарихий манба сифатида” // Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. Тошкент, 2009, 217-223-б.;  
А. Эркинов. «Ноёб қўлёзма изидан» // Мозийдан садо. 4 (44), 2009, 20-21-б.;  
А. Эркинов. «Амир Умархон тухфаси» // Жаҳон адабиёти. №3 (178), 2012, 162-168- б.;  
Эркинов А. «Хазойин ул-маоний»га эга «Муҳаббатнома» тўплами Оғаҳ Сирри Левенд тавсифида” // «Алишер Навоий ва XXI аср» мавzuидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент, 2018, 378-382-б.;  
А. Эркинов. «Рукопись на службе геополитики Кокандского ханства: Мухаббат-нама как дипломатический подарок Ўмар-хана (1810–1822). османскому султану Махмуду ИИ (1808–1839)». // Тезисы Санкт-Петербург. Восточный факультет СПбГУ. XXVII Международная научная конференция по источниковедению и историографии стран Азии и Африки «Локальное наследие и глобальная перспектива» «Традиционализм» и «революционизм» на Востоке. 24–26 апреля 2013. С.109-110.





«Мұхаббатнома» түпламида Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» куллиёти, Амирий девони, Лутфий девони, Фузулий девони жой олган бўлиб, сўнгги қисмига «Хотима» илова қилинган. 493а саҳифасида Фузулийнинг «Шикоятнома»сидан 6 байт берилган, 496б саҳифасида эса түплам котибларининг ҳуснихаттидан бошқача услубда нақшбандия тариқатига кўра кишининг Аллоҳдан ўз ҳожатларини тилашидан олдин ўқиши керак бўлган дуо ва суралар, уларнинг сони, кимга бағишланиши кераклиги форс тилида ёзилган.


Тўплам хижрий 1234- (милодий 1818-19) йилда тамомланган. Қизик томони, 492б саҳифасида келтирилган Фазлийнинг қуйидаги тарих қитъасида ўтган «вафо» ва «хатмун-навоий» сўзларидан 1234 эмас, 1235 сони келиб чиқмоқда:

*Биҳамдиллāҳ-ки сāр-тā-сāр язилдī  
Навāйниј кāлāмī дилкīşāсī  
Бу девāн хатмī тāрīхиндā Фазлий  
Вафā бирлā деди хатмун-Навāй*

Китоб Навоийнинг «Бадоеъул-бидоя» учун ёзган дебочаси билан бошланади. Бироқ дебочанинг охирги қисмлари бошқа нусхалардан фарқлироқ. Шоирнинг илтимослари сифатида ўрин олган сўнгги 4 рубоий орасига бироз ўғузчалаштирилган матн киритилган. 2- рубоийдан кейин ўрин олган ушбу матн транскрипцияси қуйидагича:

(11) “Пас бу муқаддиматී շариф маҳмидатී мунифдин (12) маълтум олінді-ким бу абыатී париšāн баъзісі сіғар саніда ва бархийси ъунфувані шабабда (13) ва баъзісі замані күхұләтдә ва бархийси авқатී шайбда айтілміш йүйн тартиб верўрдә (14) Амір Хусрав Дәхләвий тартібидә-ким “Тұхфатус-сіғар” ва «ҶАЙНУЛ-КӘМĀЛ» ва “Васатул-ҳайат” ва «Бақіятул-Нақийя» (15) төрт деваніна тасмия қіліпдур, татаббуын айлап ол деване-ки аввалғы һамді (16) қәфиясінда дәл ҳарфи илә ибтидә олінді «Гарайибус-сіғар» ва иккінчи деван-ки аніє (17) аввалғы ҳамдінда ҳәм шул ҳарфи мазкүр масұрдур. Аммā бу иккиси тафриқасі будур-ким (18) «Гарайибус-сіғар»нің аввал матлауи ашрақат мин ъакси șамсил-каъси анвāрул-худā әрмиш ва соңғусі (19) ким «Навадирыш-шабаб» ат қоюлміш мағлауи зиҳи зуҳирі жамалій қуяş кәби пайдадур. (20) Ва йүйнчи деван-ким «Бадаеъул-васайит» мусаммā олунмішдур. Аввалғы ҳамдінда вāв ҳарфи язилмішдур (21) ким мағлауи бул әрмиш: эй навбаҳарі ՚арізій субхіѓа жаң-парвар ҳава. Ва төртүнчи деван-ким (22) «Фавайдул-кибāр» аталмішдур, аввалғы ҳамдін ибтидай қәфиясін нин ҳарфи илә эътибāр (23) олінді. Аммā мағлауи будур-ким эй етти манзар тархیѓа меъмāрі сунъуждін бинā.”

Дебоча аслида «Бадоеъул-бидоя» девонига тегишли бўлишига қарамай «Хазойинул-маоний» девонлари ҳақида маълумот берилмоқда. Яна бир муҳим томони, дебочаларнинг бошқа нусхаларида биз ушбу қисмни учратмадик. Унда айтилишича Навоий ҳаётининг турли босқичларида ёзилган



байтлар Хусрав Дехлавийнинг тўрт девонига татаббуу тарзида юзага келган. Қолаверса, «Хазойинул-маоний»дан ўрин олган ҳар бир девоннинг илк ғазалининг қофияси қайси ҳарф асосига қурилгани кўрсатилган. Айтилишича «Ғаройибус-сигар»нинг ҳам, «Наводируш-шабоб»нинг ҳам илк ғазалидаги қофияси дол ҳарфи билан бошланган, фақат бошқа-бошқа ғазаллар экани матланинг илк мисраси орқали ажратиб берилган. «Бадоеъул-васат»нинг илк ғазалидаги қофия *вов*, «Фавойидул-кибар»да эса нун билан бошлангани қайд этилган. Мумтоз адабиётда мураттаб девон тузишда шунчаки алиф билан тугаган сўзлар асосида ғазалларга тартиб берилмаган кўринади. Сўнгги ҳарфлардан олдинги ҳарфлар ҳам қофияда роль ўйнагани англашилмоқда. Дебочага илова қилинган ушбу қисмнинг энг аҳамиятли томони унинг ўғузчалаштирилган ҳолда берилганидир. Мисол учун *бермäk* феъли сўз бошида *вов* ҳарфи билан *вермäk* шаклида ёзилган, матнда *болмақ* феъли бирор марта ишлатилмаган, доим *олмақ* феъли кўлланилган. Қолаверса *-mïş/mış(dur)* қўшимчаси билан узок ўтган замон ясалиши ҳам ўғузча хусусият. Демак ушбу қисм «Муҳаббатнома»нинг айнан Усмонли давлатига юборилаётгани сабабли ўгуз тилига мосланган ҳолда қўшиб қўйилган.

«Муҳаббатнома»дан ўрин олган Навоий девонларини тўлифича «Хазойинул-маоний» шаклида берилмаган, унда ўзига хос танланган кўринади. Мисол учун тўпламдаги «Ғаройибус-сигар»да луғз, муаммо, туюғ ва фардлар бор, шунингдек, 96 ғазал «Наводируш-шабоб»дан, 62 та «Бадоеъул-васат»дан, 45 та «Фавойидул-кибар»дан олинган. Бундай ҳолат тўпламдаги бошқа Навоий девонларида ҳам учрайди. Жами тўрт девонда 2529 ғазал, 4 мустазод, 10 мухаммас, 5 мусаддас, 1 мусамман, 4 таржиъбанд, 1 маснавий, 1 соқийнома, 1 таркиббанд, 138 қитъа, 1 қасида, 88 муаммо, 77 рубойи, 10 луғз, 9 туюғ, 49 фард бор. Булардан баъзилари турли жойларда тақроран берилган.

Тўпламнинг кейинги қисмларида навбати билан Амирий, Лутфий ва Фузулий девони жой олган. Амирий ва Фузулий девонининг дебочалари ҳам бор. Шу ўринда Фузулий девони ҳақида икки оғиз сўз. Тўпламдаги Фузулий девони дебочаси бир мунча қисқартирилган ҳолда кўчирилган. Айниқса арабча шеърлар қисқартирилган, баъзан тушиб қолган. Хотимадаги шеърдан маълум бўлишича Фузулий девонини Турсун Муҳаммад исмли котиб кўчириган. Маълумки, Фузулийнинг шеърларида Ўрта Осиё мумтоз адабиёти асарларининг тил хусусиятлари кўрилсада, ўғуз тили асосида ёзилган. Мисол учун унинг туркий девони нусхаларида *маја* шакли ҳам *баја* шакли ҳам учрайди. Бунда нусханинг қаерда кўчирилгани аҳамият касб этади. Турсун Муҳаммад «Муҳаббатнома»даги Фузулий девонини кўчиришда бу хусусда асосан Усмонли худудида ишлатилувчи *баја* шаклини афзал кўрган. Умуман олганда нусхани кўчиришда ўғузча шакллар берилган бўлишига қарамай баъзи ҳолларда котиб ўз тилининг ёзув, фонетик ва морфологик хусусиятларини ҳам акс эттирган, яъни бу ҳолатларда Фузулий тилини Ўрта Осиё мумтоз туркий тилига айлантирган. Мисол учун:



1) Ўғуз матнарида одатда ҳаракат қўйилгани сабабли, туркий сўзларнинг унли товушлари ҳар доим ҳам ҳарф билан кўрсатилавермайди. Натижада унли товушларни кўп ҳолатда ёзмаслик анъанаси юзага келган. Бироқ Фузулий девонининг ушбу нусхасида мумтоз туркий асарларда бўлганидек туркий сўзларнинг барча унли товушлари асосан ҳарф билан кўрсатилган.

2) Ўғузлар туркий сўзлардаги /c/ товушини йўғон қаторли сўзларда *сод* (ص) билан, ингичка қаторли *син* (س) билан ёзувда кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда *син* (س) ҳарфи (*солмоқ*, *сўрмоқ* сингари) йўғон қаторли сўзларда ишлатилмайди. Бироқ бу нусхада бундай сўзларда баъзи ўринларда *син* ҳарфи ҳам ишлатилган. Масалан: *şalmış* (451б/ҳошия:8) ~ *салдӣ* (484а/9), *şordum* (468а/7) ~ *сормазсін* (466б/15), *савурдум* (468а/9) ~ *сормазсін* (466б/15), *саһла* (456б/20), *суя* (484а/14), *сінмадін* (466б/19).

3) Ўғузча асарларда /ŋ/ (нг) товуши одатда *коф* (ك) ҳарфининг ўзи билан берилган. Масалан, 1- шахс бирлик кишилик олмошининг жўналиш келишиги олган ҳолати *бека* (баја) шаклида ёзилади. Бироқ «Мұхаббатнома»даги Фузулий девонида /ŋ/ товуши мумтоз адабиётимиз асарларида бўлгани каби *нун+коф* (نک) билан кўрсатилган (аслида *n+k* шаклида ёзиш уйғур ёзуви анъанаси асосида юзага келган). Мисол учун: *سنقا* *санка* *başa* (451а/21), *aşa* (453б/1), *فېرىنك* *لەپىنىڭ* *лаълиј* (453а/21), *ينكى* *eŋi* (477а/8), *بېڭزەرسىن* *قويونك* *қоюң* (472б/14).


4) Маълумки туркий тильдаги сўз боши /m/ товуши ўғузларда /ð/га айланади. Ёзувда бу ҳолат асосан йўғон қаторли сўзларда *то* (ٿ) ҳарфи билан, баъзан эса *дол* (ڊ) ҳарфи билан кўрсатилган. Қизиқ томони, «Мұхаббатнома»даги Фузулий девонида *то* (ٿ) ҳарфи туркий сўзлар учун ишлатилмаган, асосан *дол* ҳарфи билан ифода этилган. Шунга қарамай *те* (ت) билан ёзилган ўринлар ҳам талайгина. Айни сўз турли жойларда икки хил ёзилган ҳолатлар ҳам бор. Масалан: *дофраڭ* (469а/7) ~ *туфраги* (469а/11), *дöкди* (469б/16) ~ *тöкди* (456б/2) ~ *тöкйлдикçä* (459б/12), *дутдиј* (477а/5) ~ *тутуշдим* (475а/21), *тоқунса* *توقۇنسە* (468б/9).

5) Туркий тильда сўз ичидаги қ товуши ўғузларнинг бир қисмида (айника, Озарбайжонликларда) *х* товушига айланади. Фузулий девонининг ушбу нусхасида ҳам асосан *қоф* билан ёзилган бўлишига қарамай, *х* товушига ўзгарган ўрнаклар ҳам бор: *çiқar* (474а/14) ~ *çiiхїнжса* (478б/9), *бақмаз* (475а/6) ~ *бахаркен* (480б/18), *axsaiđi* (474а/7), *ëx* (478б/11), *сахлар* (478б/10).

6) олмақ феълининг баъзан ўғузча бўлмаган шакли, сўз бошида *б* товуши билан ёзилган ўрнаклари бор: *болур* (456а/17), *mâχip* *болса* (460а/4) [Болтабаев, 2021: 121].

«Мұхаббатнома»да жами 7 девон ўрин олишига қарамай хотима қисмида 6 дафтар сифатида тайёрлангани таъкидланган:

*Амир амри билә бу альти дафтар  
Тамам олғунса хиżмат қїлди меҳтар*



### Фузулий ва Амирий девони нусхаси

Истанбул университетининг нодир асарлар кутубхонасида Амирий девонининг яна бир нусхаси бор. Фузулий девони билан айни китоб ичида жойлашган ушбу қўллэзма ТЙ 2850 рақами остида сақланади. Жами 284 варақ бўлиб, китоб ўлчови 21,2 x 15,3 см. Фузулий девонида одатда ҳар саҳифада 14 сатр бор бўлса, Амирий девони жойлашган қисмда одатда 18 қатор. Настаълик ёзуви билан кўчирилган матнлар жадвал ичига олинмаган. Фузулий девони жойлашган қисмда баъзи саҳифаларда ҳошияга ҳам матн кўчирилган.

Кўллэзманинг 1а саҳифасида Истанбул университетининг мухри бор. «Мажмуаи давовин» сўзлари ёзилиб, кейинчалик устига чизиб қўйилган. Ингичка қалам билан «Девони Фузулий» деб ёзилгач, остига унинг 55-варақдан бошланиши хақида қайд тушилган. Унинг остига эса “бу мажмуанинг ҳайъати умумияси тадқиқ эдилмишидир” деб қалам билан ёзилган.

2а саҳифасидан эътиборан форс тилида ёзилган Саъдийнинг «Гулистан» асарининг дебочаси берилган. Бироқ бош қисми тўлиқ эмас, чунки бошидан бир саҳифа тушиб қолган. Қизиги шундаки, бу ерда қўплаб форсча сўзларнинг остига ёки устига усмонли туркийси билан маънолари ёзилган, баъзан эса бирикма шаклида таржима қилинган. 8а саҳифасидан бошлаб «Хофиз девони» ўрин олган. Бу ерда ҳам бир неча саҳифа тушиб қолган. Чунки айнан шу қисм таъмирланган, ғазаллар ҳам *m* ҳарфига битилган ғазаллар билан бошланади.

56а саҳифасидан Фузулий девони берилган. Бу ерда ҳам бошидан бир неча саҳифа тушиб қолган. Эй олуп миърәж бурҳанӣ улувви ʂān saja мисрали наът ғазали билан бошланган. Бу қисм юкоридаги қисмлардан қўра бошқа киши томонидан кўчирилган, қоғозлари ҳам бошқача. Демак тўплам бир неча қўллэзмани жамлаш орқали юзага келганга ўхшайди. 119б саҳифасигача нўхат ранг қоғоз ишлатилган бўлса, 120а саҳифасидан бошлаб мовий рангдаги қоғоз ишлатилган. 156а саҳифасидан Фузулийнинг тавҳид қасидалари бошланган. Фузулий девонининг ушбу нусхасида «Муҳаббатнома»дан қўра ўгузчанинг тил хусусиятлари тўлароқ акс этган.

164а саҳифасига қалам билан кейинчалик «Девони Амир» ёзилган, юкорисига эса усмонли туркийси билан «192инси саҳифедеки фарсî газелин сон ики бейти ʂаирин ҳўвietини исарет этмектедир», «Хўқанд амири Умархон» қайди тушилган. Шу ерга «Тадқиқ эдилмишдур 14 теммуз 1932» мухри босилган. Айни шаклдаги мухр ва ёзувлар «Муҳаббатнома» тўпламидаги Амирий девонининг ilk саҳифасида ҳам бор. ТЙ 2850 рақамли қўллэзмада фарқли ўлароқ дебоча матни йўқ. Амирий девони тўпламнинг 284б саҳифасигача давом этган. Девон

Аввал бенами Xâlîk'у зул-жуду вал-ъатâ  
Бир миշт ҳâki тийрадиң ăдам қїлур бинâ  
байти билан бошланиб,  
Mâҳсиймâлар ара хуршид-сен 'âлий-жанâb

*Меҳр руҳсарій малâхат маşriқіда афмâб  
байти билан тугайди.*

Амирий девонининг ушбу нусхасида жами 490 шеър бор бўлиб, буларнинг 326 таси туркий (1 ғазал туркий ва форсий аралаш), 164 шеър эса форсийда битилган. [Кўктекин, 2007: 7].

Тўпламнинг 285а саҳифасида пайғамбаримиз ўқиган бир дуо араб тилида, унинг остида усмонли туркийси билан тиббиёт китобидан парча, 286а-б саҳифаларида эса Зотийнинг усмонли туркийси шеърлари ўрин олган.

Ушбу тўплам бўйича Туркияда икки матншунослик тадқиқоти амалга оширилган. Йилдиз Кўжасавашнинг шу нусха асосида Амирий девонининг транскрипцияли матнини амалга оширган [Кўжасаваш, 2003]. «Мұхаббатнома»даги ва ушбу тўпламдаги Амирий девони нусхалари асосида танқидий матн Казим Кўктекин томонидан нашр қилинган [Кўктекин, 2007]. Бироқ ҳар икки нашрда ҳам Амирий девони «Юсуф Амирий девони» номи билан нашр этилган. Аслида 1881- йил Истанбулда Амирий девонининг ilk тош босма нашри амалга оширилган эди. Ускудардаги ўзбеклар таккаси (хонақоҳи) шайхи бўлган Сулаймон Эфенди юқорида кўрсатиб ўтилган Амирий девонининг нусхалари асосида араб ҳарфли нашрни «Китоби девони Амир, Мажмуатуш-шуаройи Осиёйи Вусто» номи билан чоп эттиради. 1898 йилда эса иккинчи марта нашр этилади. Ундан кейин эса Мустафа Танч томонидан магистрлик диссертацияси тайёрланган [Танч, 1994].

#### «Мажмуаи шуаро» нусхаси

Қўқонда яшаб ижод этган шоирлар шеърларидан «Мажмуаи шуаро» («Мажмуаи шоирон») асари 1821- йилда тузилган. Кўплаб тадқиқотларда ушбу асар тазкира сифатида кўрилар экан, Й. Экман уни антология деб атаса [Экман, 2011: 218], А. Эркинов баёз сифатида баҳолайди [Эркинов, 2011: 23]. Маҳмуд Ҳасаний асар ҳақидаги нашрида унинг Фазлий томонидан тузилганини, Фазлийнинг ўзи асар ичida унинг номини тўлиқ айтавермай «нусха» деб кетганини қайд этади [Фазлий, 2018: 4].

Немис олим Г. Ҳофман машхур тадқиқотида Амир Умархон ҳақида тўхталиб ўтади. Шунингдек Амирийнинг Тошкент, Истанбул ва Берлиндаги нусхаларини кўрсатади, ҳатто «Мажмуатуш-шуаро»да ва бошқа баёз нусхаларидаги Амирий шеърлари жой олган саҳифа рақамларигача кўрсатади [Ҳофман, 1969: 87-92].

Истанбул шаҳар ҳокимиятияга қарашли Отатурк кутубхонасида МС-ЙЗ-055 рақами остида «Мажмуаи шуаро»нинг бир нусхаси сақланади. Бу нусха турк маърифатпарвар ва тарихчи олим Муаллим Жавдатнинг шахсий кутубхонасида бўлган, хозирда унинг номи билан юритилаётган коллекцияда сақланади. Қўлёзма 238 вароқдан иборат бўлиб, китоб ҳажми 25 x 15 см, матн ҳажми эса 17 x9 см. Ҳар бир саҳифада 15 сатр матн бор. Пойгиrlари ёзилган. Настаълиқ хати билан кўчирилган матн қора сиёҳ билан, сарлавҳалар эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Нусхани Муҳаммад

Алихўжа Хоксор томонидан хижрий 1249- йилда (1833-34) кўчирилган. Муҳаммад Алихўжа Хоксор китоб сўнгида бу китобни 236 варақ сифатида тайёрлаганини, ҳафтанинг душанба куни тугаллаганини қайд этади.

Муқованинг орқа томонига усмонли туркийси билан «Хўқанд шуароси осоридан мунтахаб Мажмуаи ашъор» деб ёзиб қўйилган. Унинг тагидан эса «туркча парчалар» деб ёзилиб, қайси саҳифада туркий шеърлар борлиги кўрсатиб ўтилган. 1а саҳифасида бир ҳадиси шариф, дуо ва турли шакллар бор. 1б саҳифасидаги муқаддима қисми билан бошланади, «Султон Умар» исмига ёзилган муаммо билан тугайди. Нусханинг 8а-40б саҳифалари орасида қасидалар жойлашган. 40б саҳифасидан кейин ғазаллар бошланади. 232а-236а саҳифалари оралиғида рубоийлар бор, 236б саҳифасидан кейин эса муаммолар билан давом этган.

«Мажмуаи шуаро»нинг ушбу нусхаси қандай қилиб Усмонли давлатига келгани, у Муаллим Жавдатнинг қўлига қачон ва қандай тушгани ҳақида маълумот топа олмадик. Нусха соҳа мутахассислари томонидан тадқиқотларга жалб этилиши ва асарнинг бошқа нусхалари билан қиёсий ўрганилиши Кўқон адабий муҳити тадқиқотларга ижобий ҳисса қўшиши табиий.

**Адабиётлар:**

Arat, R.R. (1987). Makaleler. C. I. (Nashrga tayyorlovchi. Osman F. Sertkaya). – Anqara: TKAЕ nashriyoti.

Boltabayev, S. “Emir Ömer Han’ın Sultan II. Mahmud’a Gönderdiği Muhabbetname Mecmuası Hakkında.” // Türk Kültürü ve Hacı Bektaş Velî Araştırma Dergisi, № 98, 2021, 107-130- b.

Chavusho’g’lu, M. “Kanunî Devrinin Sonuna Kadar Anadolu’da Nevâyi Tesiri Üzerine Notlar.” // Gazi Türkiyat Türkük Bilimi Araştırmaları jurnalı, № 8, 2011, 23-35- b.

Efendi, S. Kitobi Devoni Amir Majmuatush-shuaroi Osiyoyi Vusto. – Istanbul, 1881.

Ekman, Y. “Çağatay Edebiyatının Son Devri.” Harezm, Kırçak ve Çağatay Türkçesi Üzerine Araştırmalar. – İstanbul: TDK nashriyoti, 2001. 208-243- b.

Erkinov A. “Alisher Navoy asarlarining usmonli turklar madaniy muhitida tutgan o‘rni (manbashunoslik materiallari asosida)” // Navoiy ijodi va qiyosiy tahlil masalari (ilmiy maqolalar to‘plami). Mas’ul muharrir M.Muhiddinov. Toshkent: “Tamaddun”, 2017, 55-65-b.

Erkinov A. “Temuriylar – Qo’qon xonligi sulolaviy legitimatsiyasi uchun model sifatida (XIX-XX asr boshi saroy bayozlari misolida)” // Sharqshunoslik. № 15, 2011, 20-33- b.

Fazliy A. N. Majmuai shoiron. Nashrga tayyorlovchi: M. Hasaniy. – Toshkent: O’zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan” nashriyoti, 2018.

Hofman, H. F. “Amir, Muhammad Umar Han” // Turkish Literature. A Bio-Bibliographical Survey, Section III, Part I, Vol. 2: A-C, Utrecht, 1969, 87-92- b.



Jo'rboev, O. Matnning matnosti sirlari. – Toshkent: Tamaddun, 2017.

Ko'jasavash, Y. Yusuf Emîrî Divani, Giriş-Metin-Sözlük-Tıpkıbasım. – İstanbul: Chantay nashriyoti, 2003.

Ko'ktekin, K. Yusuf Emîrî Divani, Giriş-İnceleme-Tenkîtli Metin-Sözlük-Tıpkıbasım. – Erzurum: Fenomen nashriyoti, 2007.

Sertkaya, O. F. "Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri I." // İstanbul universiteti turk tili va adabiyoti jurnalı, № 18, İstanbul, 1970, 133-138- b.

Sertkaya, O. F. "Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri II." // İstanbul universiteti turk tili va adabiyoti jurnalı, № 19, İstanbul, 1971, 171-184- b.

Sertkaya, O. F. "Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri III: Uygur Harfleri ile Yazılmış Bazı Manzum Parçalar I." // İstanbul universiteti turk tili va adabiyoti jurnalı, № 20, İstanbul, 1972, 157-184- b.

Sertkaya, O. F. "Osmanlı Şairlerinin Çağatayca Şiirleri IV." // İstanbul universiteti turk tili va adabiyoti jurnalı, № 22, İstanbul, 1976, 169-189- b.

Sertkaya, O. F. "Osmanlı Şairlerinde Ali Şir Nevâyî Tarzi ve Nevâyî'ye Anadolu'da Yazılan Nazireler." Ali Şir Nevâyî'nin 560. Doğum, 500. Ölüm Yıl Dönümelerini Anma Toplantısı Bildirileri, 24-25 Eylül 2001, Anqara, 2004, TDK nashriyoti, 129-140- b.

Tanch, M. Ömer Han Divani, İnceleme-Metin. – Van: Yuzunji yil üniversiteti İjtimoiy fanlar instituti, magistratura dissertatsiyasi, 1994.

1. Tekin Sh. "1343 Tarihli Bir Eski Anadolu Türkçesi Metni ve Türk Dili Tarihinde 'Olga-bolga' Sorunu". TDAY Belleten, 1973-1974. Anqara: TDK nashriyoti. 59-157- b.



Босишга рухсат этилди 25.05.2022. Бичими 1/16. Шартли 7,5 б.т.  
100 нусхада, оригинал-макет асосида босилди.  
Буюртма №\_\_\_\_ Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг  
кичик босмахонасида босилди.  
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 20.